



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

11 СОН, 3 ЖИЛД

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

НОМЕР 11, ВЫПУСК 3

LOOK TO THE PAST

VOLUME 11, ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2020

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат тиббиёт институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Доғистон мустақил университети

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Фирюза Мухитдинова ЯНГИ УЙГОНИШ ДАВРИ: ДАВЛАТ ТИЛИНИНГ ЯНГИЛАНГАН НУФУЗИ ВА МАҚОМИ.....	4
2. Дилшод Комолов ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУД ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ.....	10
3. Отабек Алимардонов МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЛАЙЗИЯ БИЛАН ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ АЛОҚАЛАРИ.....	17
4. Abdixalik Abdulkarimov QORAQOLPOG'ISTON QISHLOQ XO'JALIGI 1960-1980 YILLARDA: ODAMLAR, VOQEALAR, UMIDLAR.....	26
5. Зафарбек Абдуллаев ТУРКИСТОНДА ҲОКИМИЯТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ: ЗИДИЯТ ВА ЕЧИМЛАР.....	33
6. Санжар Ахмедов АБДУРАЗЗОҚ САМАРҚАНДИЙНИНГ “МАТЛАИ САЪДАЙН ВА МАЖМАИ БАҲРАЙН” АСАРИДА ТЕМУРИЙЛАРНИНГ МАДАНИЯТГА МУНОСАБАТИ ТАВСИФИ.....	39
7. Лайло Бегимқулова АМИР ТЕМУР ВАФОТИНИНГ ДАСТЛАБКИ КУНЛАРДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДА ШАЙХ НУРИДДИН ВА ШОҲМАЛИКЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ.....	47
8. Ибройим Махкамов, Хамиджон Шахобов, Умида Носирова, ЖАДИДЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАРИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ.....	55
9. Гулчехра Рахимова БУҲОРО ВИЛОЯТИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРДАГИ ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРНИНГ ОҚИБАТЛАРИ.....	62
10. Иродахон Тишабаева ЎЗБЕКИСТОНДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ (1960-1990 йиллар).....	72
11. Феруза Файзиёва РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ МУСТАМЛАКАЧИЛИК ШАРОИТИДА БУҲОРО АМИРЛИГИДА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР ВА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ МАСАЛАЛАРИ.....	80
12. Равшан Хомитов ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ДАВЛАТ СИЁСАТИ (1991 - 2020 йй.).....	85


ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Фирюза Мухитдинова,

Тошкент давлат юридик университети профессори

ЯНГИ УЙГОНИШ ДАВРИ: ДАВЛАТ ТИЛИНИНГ ЯНГИЛАНГАН НУФУЗИ ВА МАҚОМИ

For citation: Firyuza Mukhitdinova, NEW PERIOD OF AWAKENING: UPDATED STATUS OF THE STATE LANGUAGE. Look to the past. 2020, vol. 11, issue 3, pp. 4-9

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-11-1>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўзбек тилининг тарихий ривожланиши, мақоми ва нуфузини ошириш тўғрисида илгари сурилган ғоялар ҳамда қонуний асослари таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада ЮНЕСКО маълумотлари, тилшунос мутхассисларнинг тил ва унинг жамият, миллат ривожигаги ўрнига оид маълумотларга эътибор берилган.

Калит сўзлар: тил, миллат, қонун, ёшлар, маърифатпарвар, таълим, янги Ренессанс даври

Фирюза Мухитдинова,

профессор кафедры Теории и истории государства и права
Ташкентского государственного юридического университета,
доктор юридических наук,
e-mail: feruza.mukhitdinova@gmail.com

НОВЫЙ ПЕРИОД ПРОБУЖДЕНИЯ: ОБНОВЛЕННЫЙ СТАТУС ГОСУДАРСТВЕННОГО ЯЗЫКА

АННОТАЦИЯ

В данной этой статье уделяется внимание на историческое развитие родного узбекского языка и его правовые основы. Также автором проанализированы идеи просветительства по трудам как Ибрата, Бехбуди, Авляни о необходимости изучения родного а также иностранных языков. Приведены и обоснованы факты ЮНЕСКО и статистика лингвистов.

Ключевые слова: язык, нация, закон, молодежь, просветитель, обучение, эпоха нового Ренессанса.

Firyuza Mukhitdinova,

Professor of the Department of Theory and History
of State and Law, Tashkent State University of Law,
Doctor of Law,
e-mail: feruza.mukhitdinova@gmail.com

NEW PERIOD OF AWAKENING: UPDATED STATUS OF THE STATE LANGUAGE

ABSTRACT

This article focuses on the historical development of the native Uzbek language and its legal foundations. Also, the author analyzed the ideas of enlightenment on the works of Ibrat, Behbudi, Avlyani on the need to study native and foreign languages. The facts of UNESCO and statistics of linguists are presented and substantiated.

Index Terms: language, law, youth, educator, training, the era of the new Renaissance.

Ёш авлод қалбида она тилимизни болаликдан сингдириши мақсадида таълимнинг барча босқичларида ўзбек тилини замонавий ва инновацион технологиялар асосида мукамал ўргатишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Токи, болаларимиз ўзбек тилида равон ўқийдиган, равон ёзадиган ва теран фикрлайдиган инсонлар бўлиб етишсин».

Шавкат Мирзиёев

1. Долзарблиги:

Маълумки, тил ҳар бир миллат маданиятининг тарихий бойлиги ва ўзагидир. Шу сабабли ҳам тилнинг сақланиши халқ тараққиёти ва келажагини белгилайди. Тил халқни бирлаштиради, тарбиялайди, ўқитади, урф-одат, анъаналарини сақлайди. Шу боис, 1989 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинганди. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши халқимизнинг миллий мустақилликка эришиш йўлидаги муҳим қадамларидан бири бўлиб ҳамда «Давлат тили ҳақида»ги қонунда она тилимизнинг илмий асосда ривожлантириш борасидаги кенг имкониятларини яратди.

2. Тадқиқот методологияси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар: тарихийлик, қиёсий-манتيкий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда Ўзбекистонда давлат тили мақомини кўтариш давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб келганлиги тадқиқ этилди.

3. Тадқиқот натижалари:

«Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга кўра, 21 октябрь санаси юртимизда «Ўзбек тили байрами куни» деб белгиланди. Она тилимизнинг келгуси тараққиётига оид кўплаб масалалар қаторида давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини, соҳага оид муаммоларни таҳлил этиб, бу борада ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасида Давлат тилини ривожлантириш бўйича алоҳида тузилма ташкил этилди. Янги сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритиш борасидаги ишларни тартибга соладиган Атамалар комиссияси ўз ишини бошламоқда. Яқин келажакда «Давлат тили ҳақида»ги қонун бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиниб, янада такомиллаштириш ишлари ҳам кўзда тутилган.

Биргина шу эмас, албатта. Жорий йилнинг 20 январь куни бошланган хайрли ишларнинг узвий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Мамлакатда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Шунингдек, давлат тилига эътибор натижасида Бош Қомусимизнинг 4-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир», деб белгилаб қўйилган. Қонунга асосан энг муҳим кадрятлардан бири ҳисобланган тил қонун даражасида ҳуқуқий асосга ва қафолатга эга бўлди. Демак, қонун билан ўзбек тилининг мақоми ҳуқуқий мустаҳкамланди. Мазкур ҳуқуқий асос орқали янги Ренессансга интилаётган давлатнинг, ҳукуматнинг, унинг янги раҳбарининг элга, юртга нисбатан эътибори, эҳтироми намоён этилганининг гувоҳимиздир. Ўзбек тили – Ўзбекистон

Республикаси аҳолисининг мутлақ кўпчилиги бўлмиш ўзбек халқининг она тилидир. У Ўзбекистон бирлиги ва яхлитлиги, жамият жипслигининг муҳим омили ҳисобланади. Шу боис ҳам, бугунги кунда ҳар бир фуқаро ўзбек халқининг, унинг миллий маданияти ва ўзига хослигини ифода этувчи восита бўлмиш ўзбек тилининг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш, мазкур тилнинг давлат тили мақомидек салоҳиятини изчил ва тўлиқ рўёбга чиқаришда фидоийлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик жи-атини намоён этиши муҳим вазифадир.

Ҳеч бир тилдан кам бўлмаган Она тилимиз ўз забонимизга тўлақонли қайтариб берилганига 30 бир йил тўлмоқда. Аммо бу давр ўзни таниб олмоқ учун асло камлик қилмайди. Ўзбек тилининг халқаро миқёсдаги нуфузи ошиб, фаол мулоқот воситасига айланиб бормоқда. Турли даражадаги расмий учрашувлар, музокараларда тилимиз кенг қўлланилаётгани, хориждаги кўплаб университетлар, илмий муассасаларда ўзбек тили марказлари ташкил этилиб, уларда она тилимизни ўрганишга қизиқувчилар сафи тобора ортиб бормоқда. «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг 1-моддасида қайд этилганидек: Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўзбек тилини бутун чоралар билан ривожлантиради ва унинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида амал қилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рус тилини СССР халқларининг миллатлараро муомала тили сифатида ривожлантириш ва ундан эркин фойдаланиш таъминланади.

Миллий ва рус, рус ва миллий тилларда мулоқот қилишни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратилади.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида яшаб турган барча миллат ва элатлар тилларининг эркин амал қилишини таъминлайди, ушбу тиллар раванқ топиши, уларга ҳурмат билан муносабатда бўлиниши учун тегишли шароит яратади.

Маълумотларга кўра, ЮНЕСКО ташкилоти экспертлари 1953 йилда “давлат тили” ва “расмий тил” тушунчаларини фарқлашни таклиф этган. Унга кўра: Давлат тили - сиёсий, ижтимоий ва маданий соҳаларда маълум бир давлатда интеграция (бирлаштирувчи) вазифасини амалга оширадиган, шунингдек ушбу давлатнинг рамзи саналадиган тилдир. Расмий тил – давлат бошқаруви, қонунчилик, суд жараёни тилидир. Ушбу икки таъриф тушунтириш-тавсия сифатида қабул қилинади холос, барча мамлакатлар учун мажбурий эмас. Бизнинг ватанимиз эса, кўп миллатлик давлат бўлиб, унда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Жумладан, Ўзбекистон аҳолисининг 80 фоиздан ортигини ўзбеклар ташкил этиб, уларнинг умумий аҳоли сонидаги улуши мунтазам ошиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили тўғрисида”ги Қонунига (янги таҳрир) мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши республика ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг ўз она тилини қўллашдан иборат конституциявий ҳуқуқларига монелик қилмайди. Фуқаролар миллатлараро муомала тилини ўз хоҳишларига кўра танлаш ҳуқуқига эгадирлар. Шу билан бирга, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча миллат ва элат тилларига ҳурмат кўрсатилади ва уларнинг ривожини учун шароитлар яратади. Зеро, илк ёзма манба «Авесто»да эзгу фикр, эзгу суз, эзгу амал илгари сурилганининг амалий ифодасидир. Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Ал Хоразмий, Ал Фарғоний, Алишер Навоий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур Мирзо сингари буюк сиймоларни етиштирган халқ тилининг нуфузи дунё ҳамжамятида ўз ўрнига эгаллигини яхши биламиз. Тил миллатнинг бойлиги эканлиги шарқ мутафаккирлари таълимотида ҳам акс этган. Жумладан, жадидлардан Абдулла Авлонийнинг «Ҳифзи лисон» мақоласида шундай сўзлар қайд этилган: «Миллий тилни йўқотмак — миллатнинг руҳини йўқотмакдир. Ҳайҳот! Биз туркистонлилар миллий тилни сақламак бир тарафда турсун, кундан-кун унутмак ва йўқотмакдадурмиз...Ё-ҳу! Бизга на бўлди? Боболаримиз йўлидан чиқиб кетдук!». Унинг мантиқий давоми сифатида маърифатпарвар аллома ва ўз даврида ўнга яқин дунёвий тилларни пухта ўрганган олим Исҳоқхон Ибратнинг сўзлари ҳам эътиборга лойиқ: «Бизнинг ёшлар албатта бошқа тилни билиш учун саъй-ҳаракат қилсинлар,

лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиё қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Рус тили билан бир қаторда ўнга яқин Шарқ ва Ғарб тилларини анча мукамал билган Исҳоқхон Ибрат бу муҳим масалада ҳам ўз халқига ёрдам қўлини чўзди. У олти тилдаги: арабча, форсча, ҳиндча, туркча, сартча (ўзбекча) ва русча сўзларни ўз ичига олган «Луғати ситта ал-сина (Олти тилли луғат)» номли луғат китобини яратган. Бундан юз йиллар олдин маърифатпарвар ватандошларимиздан Маҳмуджўжа Бехбудий билдирган фикрлари айниқса қимматли, унинг айтишича, миллатнинг тараққийси учун бир-неча тилларни билиш шартдир. Бехбудий ўзи асос солган ва муҳаррирлик қилган «Ойна» журналининг 1913 йил 13 август I-сонида «Икки эмас, тўрт тил лозим» мақоласи билан чиқиш қилади. Шунингдек, фаолияти давомида журнални тўрт тилда номлагани ҳам чет тилларни билаш ва эгаллаш фавкулотда зарурлигидан далолат беради. Шу билан бирга, Бехбудий мусулмонлар барча нарсани шариат қолипига солиб, илм ва тараққиётда бошқа халқларга нисбатан анча ортда қолиб кетганликларидан изтиробга тушади. Самарқанд муфтийси бўлган Бехбудий ислом ақидалари ҳамда шариат қонунларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб, мусулмонларга зуғум қилаётган баъзи эшон ва мулалар, “қадимчилар” ёки қўштирноқ ичидаги уламоларни қаттиқ қоралайди. Ҳақиқий уламо барча мусулмонлар ҳаётини мувофиқлаштириб турувчи ижтимоий куч бўлиши керак, деб ҳисоблайди. “Уламолар ва ҳар бир миллатнинг ақлий меҳнат билан шуғулланувчи шахслари, — деб ёзган эди Бехбудий, — ўз миллатларининг келажакдаги йўлини кўрсатиб беришлари, маслаҳатлар беришлари, урф-одатлар ислоҳоти учун масжидларда ваъз-насиҳатлар қилишлари, мактаб ва мадрасаларда бу дунё ва охиратда керакли бўлган илмларни ўргатишлари, газета ва китоблар ёрдамида миллатни қай тарзда бой қилиш тўғрисида мулоҳаза ва мубоҳасалар қилишлари керак”.

Бехбудий ўзининг деярли барча ижтимоий-сиёсий, илмий, диний-маърифий чиқишлари(китоблар, дарсликлари, мақолалари)да миллатни, айниқса, ёшларни янги, замонавий илмларни эгаллашга ундагани бугунги кунда юридик кадрлар тайёрлаш борасидаги ишларни янги поғонага кўтаришга хизмат қилади. Зеро, ўз тилига садоқат — бу ватаний ишдир» деганига жавоб сифатида мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббускорлиги остида ўзбек тилига бўлган эътиборимиз янада жонланмоқда. 2019 йилнинг 21 октябрь куни зиёлилар иштирокида бўлиб ўтган катта анжуманда давлатимиз раҳбари тилимизнинг мавқеи ҳақида: «Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлгимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир» дея таъкидладилар. Ва айнан ушбу тадбирда «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекканини айтганида барча қатнашчилар бу сўзларни улкан кўтаринкилик билан қарши олинди. Қувонарли томони шундаки, илк бор халқаро ташкилот минбарида ўзбек тилида маъруза янгради. Жумладан, Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 75-сессиясида ўзбек тилида нутқ сўзлагани барчанинг азалий орзусининг амаий иодаси булди, десак муболага булмайди. Зеро, жон куйдириб айтилган: «Мақсадимиз - ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини, саломатлиги ва фаровонлигини таъминлайдиган адолатли глобал тизимни биргаликда яратишдир», дейилган фикрлар ўзбек тилининг инсонпарварлиги, халқпарварлигини, тинчликсеварлигини, адолатпарварлигию эзгулигини ифодалагн булса, иккинчи томонда сайёрамизда барча давлатлар ўз фуқаролари учун мажбуриятини бажариши тўғрисидаги яъни, Шавкат Мирзиёев БМТ шафелигида “Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисида”ги халқаро кодексни ишлаб чиқишни таклиф этгани тилимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини оширди. Чунки бу ҳужжатда ҳар бир давлатнинг ўз фуқаролари ва халқаро ҳамкорлари олдидаги мажбуриятлари акс этиши лозимлиги таъкидланди. 173 га яқин давлатлар иштирокида ўзбек тилининг халқаро нуфузини оширган ташаббус ва таклиф дунё ёшларига қаратилган август ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида ёшлар ҳуқуқларига бағишланган Самарқанд халқаро форуми ўтказилганини эслаб, жаҳон ҳамжамиятини “Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти конвенциясини қабул қилиш бўйича Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-қувватлаш таклифи

ёшлар ҳукукининг халқаро ҳимоясини қамраб олгани ўзбек тилидаги чақируви эди. Шунингдек, Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Афғонистонни Марказий Осиёнинг ажралмас қисми сифатида қабул қилишини таъкидлаб, афғон халқининг келажагини, тараққиётини ва тинчлигини қўллаб қувватлаш таклифи ҳам ўзбек тилида янграгани, тилимизнинг янада жозибдорлигини ифода этди. Зеро, Афғонистонда ўзбек тилида сўзлашувчилар кўпчиликини ташкил этади. Бугунги кунда Ер юзида 50 миллионга яқин аҳоли ўзбек тилида сўзлашади. Давлатимиз раҳбарининг БМТда ўзбек тилидаги чиқиши Она тилимизнинг янгиланган даврдаги умр боқийлигини мустаҳкам берган омил бўлди, албатта. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида»ги Қонунига кўра, «Тил миллатнинг улкан бойлиги ва бебаҳо мулкидир. Социализмни, миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, халқларнинг миллий ва байналмилал ўзлигини англашнинг ўсиши миллий тилларни ҳар томонлама ривожлантиришни тақозо этади. Ушбу Қонун ўзбек тилининг Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида (майдонида) давлат тили сифатида амал қилишининг ҳукукий асосларини белгилаб беради. Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси ўз заминидан тилга оид барча масалаларни ҳал қилиш ҳукукига эгадир. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи барча граждандар, қайси тил уларнинг она тили эканлигидан қатъи назар, тенгдирлар. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши республикада яшовчи бошқа миллат ва элатларнинг ўз она тилларини қўллашдан иборат конституцион ҳуқуқларига монъелик қилмайди. Ўзбекистон Республикаси граждандарнинг республика давлат тилини, СССР халқлари тилларини ҳамда чет тилларни ўрганишга бўлган интилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди»-дейилган. Давлат тили ҳамда замонавий Ўзбекистон ҳудудида кенг тарқалган ва ҳукукий мақомига ўзгартиришлар киритилган рус тили билан бир қаторда ҳудудларда бошқа тиллардан ҳам фойдаланиб келинади. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида қорақалпоқ тили ҳам расмий тил ҳисобланади. Шунингдек, Фарғона вилоятининг Сўх туманида эса аҳолининг аксар қисми этник тожиклар бўлиб, у ерда тожик тилида таълим олиб бориловчи мактаб, лицей ва касб-ҳунар коллежлари мавжуд. Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро, Наманган ва бошқа ҳудудларда тожик тилидаги ОАВ, мактаблар, лицейлар, техникум, коллежлари ва олий таълим муассасаларининг бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Тошкент ва Навоий вилоятларида қозок тилида ўқитиладиган мактаблар ва олий таълим муассасаларининг бўлимлари мавжуд. Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида ҳатто туркман тилида таълим берилувчи мактаблар фаолият кўрсатмоқда. Бундай ёндашув глобаллашув даврида анъанавий қадриятлар ҳамда миллий ва маданий ўзига хосликни сақлаб қолиш каби муҳим жиҳатларнинг жамланмаси инсоният ривожининг асосий омили ҳисобланади. Зеро, тилшунос мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, бугунги кунда ҳар икки ҳафтада битта тил йўқолиб бормоқда. Бу ўз навбатида ўша тилда сўзлашувчи халқларнинг йўқолишини англатади. ЮНЕСКО вакиллариининг сўзларига қараганда, қачонлардир одамлар сўзлашадиган тилларнинг сони 7 мингдан 8 мингтагача етган бўлса, бугунги кунда сайёрамизда 6 мингта тил мавжуд бўлиб, уларнинг 90 фоизи йўқолиб кетиш арафасида турибди. Бу асосан цивилизация туфайли маданиятидан айрилаётган кам сонли миллатларнинг тилларидир. Ана шундай даврда тилларни сақланиб қолиши учун эса бу тилларни қўллаб-қувватлаш зарурдир. Айнан тил туфайли инсоният у ёки бу халққа мансублигидан фахрланиб яшайди. Барча тилларни тан олиш ва ҳурмат қилиш тинчликнинг бирдан бир кафолатидир.

4. Хулосалар:

Тилларни сақлаб қолиш бу ўша халқнинг маданияти, урф-одати, расм-русумларининг сақланиб қолишини англатади. Чунки, халқ тақдири тил тақдири билан бевосита боғлиқ. Тил ҳар бир миллат маданиятининг ўзагидир. Шу сабабли ҳам тилнинг сақланиши халқ тараққиёти ва келажагини белгилайди. Шу боис ҳам ҳар бир халқ ўз тили сақланиб қолиши ва нуфузини ошиши учун ҳаракат қилади. Яна бир бор Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари интилинаётган, шунингдек учинчи Ренессансга юзланаётган юртимиз

ёшларининг давлат тилининг нуфузини ошишида ўз ҳиссасини қўшишлари, шубҳасиз, долзарбдир.

Иқтибослар / Сноски / References:


1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент, 2019 LexUZ (The Constitution of the Republic of Uzbekistan. T. 2019 LexUZ)
2. Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида»ги Қонуни LexUZ шарҳ (Review of the Law of the Republic of Uzbekistan "On the State Language" LexUZ.
3. Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 75-сессиясида ўзбек тилида нутқи. ЎЗА(Speech by Shavkata Mirziyoyeva in Uzbek at the 75th session of the UN General Assembly. UZA)
4. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар: 2 жилдлик / А.Авлоний; (Таҳрир ҳайъати: О.Шарафиддинов, Н.Аминов, Н.Каримов ва бошқ.: Тўпловчи: Б.Қосимов; Изоҳ ва луғат О.Тўлабоевники). Ж. 1: Шеърлар, ибратлар. – Тошкент: Маънавият, 2006. – 272 б.(Abdullah, Avloni. Selected works: 2 volumes / A. Avloni; (Editorial board: O. Sharafiddinov, N. Aminov, N. Karimov and others: Collection: B. Kasimov; Comments and dictionary of O. Tulabaev). Dj. 1: Styxes, primers. - Tashkent: Manaviyat, 2006. - 272 p.
5. Исҳоқхон Ибрат. Танланган асарлар (Ибрат. Сиддиқий-Ажзий. Сўфизода). /Тўпловчи, нашрга тайёрловчи сўз боши ва луғат муаллифлари: Б.Қосимов, С.Аҳмедов, У.Долимов. Таҳрир ҳайъати: О.Шарафиддинов ва бошқ/. – Тошкент: Маънавият, 1999. – 232 б. (Ishakson Ibrat. Favorite production (Ibrat. Siddiqi-Aizi. Sophizoda). Authors, prepositions and dictionaries: B. Kasimov, S. Akhmedov, Yu. Dolimov. Editorial board: O. V. Sharafiddinov and others. – Tashkent: Manaviyat, 1999.- 232 p.)
6. Бехбудий М. Танланган асарлар // Тўпловчи, сўзбоши ва изоҳлар: Б.Қосимов. – 2-нашри, тузатилган ва тўлдирилган. – Тошкент: Маънавият, 1999. – 280 б. (Bekbudiy M. Selected works // Collection, preface and comments: B. Kasimov. - 2nd edition, revised and enlarged. – Tashkent: Manaviyat, 1999. - 280 p.)

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Дилшод Пулатович Комолов,
Қашқадарё вилоят халқ таълими ходимларини
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳудудий
маркази “Ижтимоий-иқтисодий фанлар” кафедраси
доценти в/б., тарих фанлари номзоди
E-mail: dilshod.komolov.79@bk.ru

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУД ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ

For citation: Dilshod P. Komolov, HISTORY OF FORMATION OF THE JUDICIAL SYSTEM OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. Look to the past. 2020, vol. 11, issue 3, pp.10-16

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-11-2>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси суд тизимининг шаклланиш тарихи ва суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш борасида амалга оширилган ислохотлар тарихий манба ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили асосида ёритиб берилган. Судларнинг ихтисослашуви ва ихчамлаштириш орқали фуқароларнинг конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалда қафолатлашга қаратилган давлат сиёсати очиб берилган.

Калит сўзлар: судья, конституция, кодекс, қонун, ислохот, инстанция

Дилшод Пулатович Комолов,
Кашкадарьинский областной региональный центр
переподготовки и повышения квалификации работников
народного образования кандидат исторических наук,
и. о. доцента кафедры “Социально-экономических наук”
E-mail: dilshod.komolov.79@bk.ru

ИСТОРИЯ СТАНОВЛЕНИЯ СУДЕБНОЙ СИСТЕМЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

АННОТАЦИЯ

В данной статье описывается история становления судебной системы Республики Узбекистан и проведенных реформ для обеспечения независимости судебной власти на основе исторических источников и анализа нормативно-правовых актов. Раскрывается государственная политика, направленная на обеспечение на практике закрепленных в Конституции прав, свобод и законных интересов граждан посредством специализации и упорядочения судов.

Ключевые слова: судья, конституция, кодекс, закон, реформа, инстанция.

Dilshod P. Komolov,
Kashkadarya regional centre of retraining
public education personnel and developing their
qualification Candidate of Historical Sciences, docent
department of “Socio-Economic sciences”
E-mail: dilshod.komolov.79@bk.ru

HISTORY OF FORMATION OF THE JUDICIAL SYSTEM OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

ABSTRACT

This article describes the history of the formation of the judicial system of the Republic of Uzbekistan and the reforms carried out to ensure the independence of the judiciary based on historical sources and an analysis of regulatory legal acts. The article reveals the state policy aimed at ensuring in practice the rights, freedoms and legitimate interests of citizens enshrined in the Constitution through the specialization and ordering of courts.

Index Terms: judge, constitution, code, law, reform, instance

1. Долзарблиги:

Давлат бошқарувини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири суд тизимини изчил демократлаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга қатъий риоя этилишини таъминлаш ҳисобланади. Ўтган йиллар давомида судни ҳокимиятнинг мустақил ва алоҳида тармоғи сифатида ташкил этиш, уни ўтмишдаги жазолаш органидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилувчи ҳамда ишончли ҳимоя қилувчи давлатнинг чинакам мустақил институтига айлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш борасидаги қатор фармонларнинг қабул қилиниши қайд этилган вазифаларни амалга оширишдаги муҳим кадам бўлиб, мазкур соҳадаги давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Ҳозирги суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар жараёнида давлатчилик тарихининг ажралмас қисми бўлган суд тизими тарихини ўрганиш ва тадқиқ этиш тарих фани олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

2. Тадқиқот методологияси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар: тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси суд тизимининг шаклланиш тарихи тарихий манбалар ва соҳага тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тадқиқ этилди. Суд тизимининг айрим жиҳатлари У.Мингбоев, Х.Бобоев, Ф.Муҳитдинова, М.Рустамбоев, У.Тухташева каби ҳуқуқшунослар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда ёритиб берилган бўлиб, тарихчилар томонидан махсус тадқиқот сифатида ўрганилмаган. Ҳолбуки, суд тизимининг шаклланиши тарихи ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар билан узвий боғлиқликда ўрганишни, суд тизимининг босқичма-босқич ривожланиш жараёнларини умумлаштириб, сабаб ва оқибатларини қайд этган ҳолда мажмуавий тарзда ёритиб беришни тақозо этади.

3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистонда мустақил совет ҳокимияти ҳукм сурган ўтган асрнинг етмиш йили давомида судлар ҳукмрон партия ва тоталитар тузумнинг жазоловчи қуроли сифатида фаолият юритди. Фақат мустақилликка эришганимиздан сўнг конституция ва қонунларда суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиши белгилаб қўйилди.

Мустақиллик йилларида суд тизимининг шаклланиш тарихи уч даврга бўлинади:

- биринчи давр 1991-2000 йиллар;
- иккинчи давр 2001-2016 йиллар;
- учинчи давр 2017 йилдан кейинги йиллар.

Суд тизими тарихининг биринчи даври давлат мустақиллиги эълон қилинган кундан бошланди. 1991 йил 31 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик асослари тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасида давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши тартибида қурилиши баён этилган эди [1, Б.35]. Кейинчалик ушбу тамойил 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида янада мустақамлаб кўйилди. Конституциянинг XXII-боби суд ҳокимиятига бағишланган бўлиб, 106-116 моддаларни қамраб олади. Конституциянинг 107-моддасида Ўзбекистон Республикасининг суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди, Қорақалпоғистон Республикасининг хўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган вилоят судлари, Тошкентшаҳар суди, туман, шаҳар ва хўжалик судларидан иборат эканлиги баён этилган эди [2, С.37-38].

Конституцияга асосан Ўзбекистон Республикаси суд тизими дастлабки даврда уч йирик тармоққа бўлинган ҳолда фаолият юритди. Яъни Конституциявий суд, Олий суд ҳамда Олий хўжалик суди. Ушбу судлардан Конституциявий суд ва Олий хўжалик суд ватанамиз тарихида илк бор ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси суд тизими миллий-давлатчилик, маъмурий-худудий бўлинишга мос келади ҳамда тузилиши жиҳатидан туман, вилоят ва республика бўғинларидан ташкил топган.

Совет ҳокимияти ҳукм сурган даврда Ўзбекистонда Конституциявий суд мавжуд эмас эди. Мустақил Ўзбекистоннинг 1992 йилда қабул қилинган конституциясининг 108-109 моддаларида Конституциявий суднинг ташкил этилиши ва ваколат доираси белгилаб берилди. Шу асосда 1993 йил 6 майда [3, Б.16-28] ва кейинчалик эса янги тахрирда 1995 йил 30 августда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди [4, Б.88-97]. Конституциявий суд таркибидаги судълардан бири Қорақалпоғистон Республикаси вакили ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноий ва фуқаролик ишларни юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи сифатида иш юритди. 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг судлар тўғрисида”ги қонунида Ўзбекистон Республикаси Олий суди, ҳамда унинг ўрта ва қуйи бўғинлари сифатида Қорақалпоғистон республикаси Олий суди, вилоятлар, туман ва шаҳар судларининг ташкил этилиши ҳамда ваколатлари белгилаб берилди [5, Б.115-150].

Шунингдек, ҳарбий судлар ҳам ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 февралдаги “Ҳарбий трибуналлар ва ҳарбий прокуратура органлари тўғрисида”ги фармони билан собиқ Туркистон ҳарбий округи ҳарбий трибунали тугатилиб, унинг ўрнида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий суди ташкил этилди [6, С.89-92]. 1992 йил 3 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибида Ҳарбий ҳайъат таъсис этилди. Ҳарбий судларга нисбатан энг юқори суд инстанцияси Ўзбекистон Республикаси Олий суди бўлиб, унинг таркибига Ҳарбий ҳайъат киради. Ҳарбий судлар фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 23 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судини ташкил қилиш тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ Қуролли Кучлар Ҳарбий суди негизида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди ташкил этилди ва илк бор ҳарбий округлар ҳарбий судлари ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судлари тизими Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъати, ҳарбий суди, округ ва худудий ҳарбий судлардан иборат таркибда ташкил этилди.

Хўжалик судларнинг вужудга келиши бевосита мустақиллик даври билан боғлиқдир. Совет даврида эса иқтисодий низолар суд томонидан эмас, балки ижроия ҳокимиятининг махсус органи — СССР Давлат арбитражи деган ягона тизимга кирувчи Давлат арбитражи томонидан кўрилар эди. Мустақил Ўзбекистонда хўжалик судлари тизимининг ҳақиқий суд ҳокимиятининг ажралмас қисми сифатида шаклланиши 1991 йилнинг 20 ноябрдан

бошланади. Ана шу санада «Ҳакамлик суди ва хўжалик низоларини кўриш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди[7, Б.65-66]. Мазкур қонун мулк шаклидан қатъи назар, хўжалик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга қодир бўлган мустақил суд органининг дастлабки ҳуқуқий асоси сифатида хизмат қилди. Бирмунча кейинроқ ушбу судлар хўжалик судлари деб ном олди ва уларнинг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, «Судлар тўғрисида»ги қонунда, Хўжалик процессуал кодексида мустақамланди.

Ўзбекистон Республикасининг Олий хўжалик судининг ўрта бўғини сифатида Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида хўжалик судлари ташкил этилди. Вилоятлар таркибидаги туман ва шаҳарларда хўжалик судлари тузилмади.

Суд тизими тарихининг иккинчи даври 2001 йил 1 январдан бошланади. Бунга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ва 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонун асоси бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонига биноан одил судловнинг сифатини ошириш мақсадида мавжуд умумий юрисдикция судлар негизида кўйидаги ихтисослашган судлар ташкил этилди: Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судлари; Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) жиноят ишлари бўйича судлари.

Мазкур Фармон суддаги ишларнинг адолатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш қафолатларини кучайтириш мақсадида судларни янада ихтисослаштирилишига қаратилган эди. 2001 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида фуқаролик ишлари ва жиноят ишлари бўйича судлар алоҳида тарзда фаолият кўрсата бошлади.

Республикада амалга оширилган судларнинг ихтисослаштирилиши судлар томонидан илгари йўл қўйиб келинган хатоларнинг объектив сабабларини бартараф этиш учун амалга оширилган эди. Судьялар ўзларининг ихтисослашувига қараб қонунларни ва суд амалиётини анча чуқур ўрганиш имкониятига эга бўлишди. Бундан ташқари, Адлия вазирлиги жиноят ишлари ва фуқаролик ишлари бўйича судьяларни қайта тайёрлаш юзасидан алоҳида дастурларни ишлаб чиқди. Шундай қилиб, судьялар ихтисослашуви тўғрисидаги фармон суд-ҳуқуқ ислохотини амалга ошириш соҳасидаги йирик қадам ҳисобланди.

Суд тизимини ислоҳ этиш «Судлар тўғрисида»ги қонунни қайта кўриб чиқиш заруриятини долзарб қилиб қўйди. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 14 декабрдаги тўртинчи сессияси ушбу қонуннинг янги таҳририни қабул қилди[8, С.267-298]. Мазкур қонундаги асосий янгиликлардан бири умумий юрисдикция судларининг ихтисослашуви - фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича мустақил судлар ташкил этилишини жорий қилишдан иборат бўлди.

Жиноят-процессуал ва Фуқаролик процессуал кодексларга ўзгартиришлар киритилиши судлар ихтисослашуви жорий этилишининг мантикий давоми бўлди. Шундай қилиб, суд тизими шаклланишининг иккинчи даврида ишларни судларда кўриб чиқишнинг бирмунча такомиллаштирилган процессуал тартиби белгиланди.

Суд тизими шаклланиши тарихининг учинчи даври 2017 йилдан бошланди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармоннинг қабул қилиниши муҳим рол ўйнади. Ҳаракатлар стратегиясидаги иккинчи устувор вазифа қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга бағишланган эди[9, Б.12-14]. Шунга асосан 2017 йил 21 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди ва суд тизимида ўзгаришлар амалга оширилди[10]. Хусусан, 2017 йил 1 июндан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди бирлаштирилди. Фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органи - Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилди.

Авваллари мавжуд бўлган суд ҳокимиятидаги икки олий орган - Олий суд ва Олий ҳўжалик суднинг параллел фаолият юритиши қонун ҳужжатлари талабларини бир хилда қўлланишини таъминлай олмади, бир-бирига ўхшаш масалалар юзасидан турлича қарорлар қабул қилинишига олиб келди. Аҳамиятли жиҳат шундаки, ушбу ислохот суд тизимини бошқаришдаги бир-бирини такрорловчи функцияларни бартараф этишга ҳамда ягона суд амалиётини шакллантиришга олиб келди.

Шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган янги суд тизимининг шакллантирилиши алоҳида аҳамият касб этади. Илк маротаба давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан фуқароларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқининг конституциявий кафолатларини амалга оширишни таъминлашга хизмат қиладиган Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, туман (шаҳар) маъмурий судлари ташкил этилди.

Ҳарбий судлар тизимида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Ҳарбий судьяларнинг Мудофаа вазирлиги штатига киритилганлиги, ушбу вазирлик ижро ҳокимияти органи ҳисобланиши туфайли суд ҳокимияти мустақиллигининг, унинг фаолиятини ташкил этишнинг асосий тамойилларига мувофиқ келмас эди. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, округ ва ҳудудий ҳарбий судлар штат бирликлари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди тизимига ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ҳарбий ҳайъати тугатилиб, маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати ташкил этилди.

Замонавий талаблардан келиб чиқиб, шунингдек тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари тегишли тартибда иқтисодий судлар этиб ўзгартирилди. Бунда мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ва тадбиркорлик субъектларининг ортиб боришини ҳисобга олган ҳолда ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқишга ваколатли бўлган 71 та туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари ташкил этилди.

Фармон қабул қилингунга қадар бўлган даврда ҳўжалик судлари фақат вилоят марказларида фаолият юритар, айрим туманлар вилоят марказидан узоқда жойлашгани сабабли тадбиркорлар даъво аризасини берган пайтдан низо судда кўриб чиқилгунга қадар вилоят марказига бир неча маротаба қатнашга мажбур бўлаётган эди. Бу эса уларнинг моддий харажат ва ортиқча вақт сарфлашларига сабаб бўлаётган эди. Шу боис туманлараро, туман(шаҳар) иқтисодий судлар ташкил этилди.

Умуман олганда, маъмурий ва иқтисодий судларнинг ташкил этилиши вилоят марказидан узоқ ҳудудларда истиқомат қиладиган фуқароларнинг, шу жумладан тадбиркорларнинг суд ҳимоясига эришиш даражасини оширди.

Суд тизимини ислоҳ қилишга қаратилган кенг қамровли чораларга қарамасдан, суд фаолиятида ҳозирги кунга қадар сақланиб келаётган муаммолар ушбу соҳадаги ислохотларни давом эттириш заруратини келтириб чиқармоқда эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлда “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармоннинг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш ва либераллаштиришда муҳим рол ўйнади[11].

Мазкур фармон мамлакатимизда суд тизимининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини замон талаблари ва халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш, суд

ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашда давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари белгилаб берди. Хусусан, бугунги кунда вилоятларда фуқаролик, иқтисодий, жиноят ишлари бўйича судларнинг тузилмавий жиҳатидан алоҳида-алоҳида фаолият юритиши амалиётда муайян муаммоларни келтириб чиқараётган эди. Судларнинг тарқоқ бўлганлиги фуқаролар ва тадбиркорларнинг сарсон бўлишига, суд ишлари бўйича ягона амалиётнинг шаклланмаслигига сабаб бўлаётган эди. Масалан, Франция, Италия, Канада, Жанубий Корея, Қозоғистон, Беларус ва бошқа давлатларда ўрта бўғин умумий юрисдикция судлари фуқаролик, жиноят ва иқтисодий ишлар бўйича ягона суд сифатида фаолият юритади. Шундай экан, бугунги куннинг талаби суд тизимини оптималлаштириш орқали судларнинг фуқаролар учун очиқлигини таъминлашдир.

Юқоридаги фармонга сосан 2021 йил 1 январдан суд тизимида бир қатор ташкилий-тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш ҳақида сўз юритилган эди. Жумладан, вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизида судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумий юрисдикция судларини ташкил этиш кўрсатиб ўтилган эди.

Бундан ташқари, суд тизимига 2021 йил 1 январдан бошлаб ортиқча суд босқичларини бекор қилиш орқали «бир суд – бир инстанция» тамойили жорий этилмоқда. Яъни, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят даражасидаги судлар томонидан апелляция тартибида, апелляция тартибида кўрилган суд қарорларини эса Олий суд томонидан кассация тартибида қайта кўриб чиқиш, кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича суд қарорларини эса Олий суд раиси, Бош прокурор ва уларнинг ўринбосарлари протестига кўра кассация тартибида такроран кўриб чиқиш назарда тутилмоқда.

Мазкур қоидалар шахсларга қулайлик яратиш ва улар оворагарчилигининг олдини олиш мақсадида белгиланган бўлиб, шунинг ўзиёқ фармоннинг нақадар халқчиллигини, унда шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш биринчи ўринга қўйилганини англатади.

Ҳозирданок, етакчи олимлар, тажрибали ҳуқуқшунослар ва халқаро экспертлар ушбу тамойилнинг юртимизда жорий этилиши фақат ижобий ҳолат экани, бунинг натижасида судлар мустақиллиги янада мустаҳкамланиши, бир судда фақат бир босқичнинг бўлиши ишларни холис кўриб чиқишга замин яратиши, суд қарорларини кейинги босқичларда сифатли ва қисқа муддатларда кўриб чиқиш, йўл қўйилган хатоларни тез фурсатда бартараф этиш имкониятлари вужудга келишини таъкидлашмоқда.

4. Хулоса:

Мустақиллик йилларида суд тизими тарихини ўрганиш юзасидан шундай хулосага келиш мумкинки, судлар шаклланиш жараёнида бир қанча тарихий босқичларни босиб ўтди. Истиқлолнинг дастлабки ўн йиллигида суд тизимини шакллантириш юзасидан назарий-ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилди. Илк бора совет даври конституцияларидан фарқли равишда мустақиллик давридаги конституция ва қонунларда судлар ҳокимиятнинг алоҳида ва мустақил тармоғи эканлиги эътироф этилди. Суд тизими тараққиётининг иккинчи даврида ихтисослашув амалга оширилди. Дастлаб жиноят, фуқаролик, кейинчалик эса маъмурий судларнинг ташкил этилиши судьяларнинг ўз йўналиши бўйича профессионаллашувига ёрдам берди, судлар томонидан хато ҳукм ва қарорларнинг қабул қилинишини камайишига олиб келди. Суд тизими тарихидаги учинчи даврда эса судларни ихчамлаштириш жараёни юз берди. Дастлаб, 2017 йилда юқори, 2020 йилда эса ўрта бўғин судларининг ихчамлаштирилиши ҳақида норматив ҳужжатларнинг қабул қилиниши фуқароларнинг сарсонгарчилик, оворагарчиликларни камайтиришга ва одил судловни таъминлашга қаратилган эди. Бир сўз билан айтганда, суд соҳасидаги тизимли ислохотларнинг амалга оширилиши ва ҳаётга тадбиқ этилиши мамлакатимизда инсон ҳуқуқларининг таъминланишига ва аҳолининг адолатга ишончи ортишига туртки бўлмоқда.

Иқтибослар / Сноски / References:


1. 1.Ўзбекистоннинг янги тарихи. 3-китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи//Тузувчилар: Н.Жўраев, Т.Файзуллаев ва бошқ. – Т.: Шарқ, 2000. – 560 б. [New history of Uzbekistan. Book 3. History of independent Uzbekistan // Compilers: N.Juraev, T.Fayzullaev and others. - Т.: Sharq, 2000. - 560 p.]
2. Конституция Республики Узбекистан. Т.: Ўзбекистон. 1992. - 48 с. [Constitution of the Republic of Uzbekistan. –Т.: Uzbekistan, 1992.- 48 p.]
3. 3.Ўзбекистоннинг янги қонунлари: (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ ўн иккинчи сессиясида қабул қилинган қонун ва қарорлар). Сон 8. – Т.: Адолат, 1994. - 360 б. [New laws of Uzbekistan: (Laws and resolutions adopted at the twelfth session of the Supreme Council of the Republic of Uzbekistan of the twelfth convocation). Number 8. –Т.: Adolat, 1994. - 360 p.]
4. 4.Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Сон 11. –Т.: Адолат, 1996. - 176 б. [New laws of Uzbekistan. Number 11. –Т.: Adolat, 1996. - 176 p.]
5. 5.Ўзбекистоннинг янги қонунлари: (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ ўн учинчи сессиясида қабул қилинган қонун ва қарорлар). Сон 9. –Т.: Адолат, 1995. - 224 б. [New laws of Uzbekistan: (Laws and resolutions adopted at the thirteenth session of the Supreme Council of the Republic of Uzbekistan of the twelfth convocation). Number 9. –Т.: Adolat, 1995. - 224 p.]
6. 6.Мирзаев Т. История становления, развития трибуналов и законодательства о военных судах на территории Узбекистана. // Бюллетень Верховного суда Республики Узбекистан. №2-3. –С. 89-92. [Mirzaev T. History of the establishment, development of tribunals and legislation on military courts in the territory of Uzbekistan. // Bulletin of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan. №2-3. –P. 89-92.]
7. 7.Полвон-зода А.А., Абдумажидов Ғ.А. Ўзбекистонда суд ҳокимияти: ислохотлар даври. – Ташкент.: Адолат, 2002. -368 б. [Polvon-zoda A.A., Abdumajidov G'.A. Judiciary in Uzbekistan: a period of reforms. - Tashkent.: Adolat, 2002. -368 p.]
8. 8.Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. Т.: Типография Управления делами аппарата Президента Республики Узбекистан. №1-2. - 432 с. [Vedomosti of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan. Т.: Typography of the Office of the President of the Republic of Uzbekistan. №1-2. -432 p]
9. 9.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. –Т.: Адолат, 2018. -112 б. [Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On the action strategy for further development of the Republic of Uzbekistan." –Т.: Adolat, 2018. -112 p.]
10. 10.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида”гифармони. // “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 22 феврал, №38 (6732) сон. [Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to radically improve the structure and efficiency of the judicial system of the Republic of Uzbekistan." // “Xalq so'zi” newspaper, February 22, 2017, №38 (6732)]
11. 11.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги фармони.// “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 июль, №156(7658) сон. [Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On additional measures to further improve the work of courts and increase the efficiency of justice" .// “Xalq so'zi” newspaper, July 25, 2020, №156 (7658)]

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Отабек Кудратович Алимардонов,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
тарих факультети докторанти

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЛАЙЗИЯ БИЛАН ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ АЛОҚАЛАРИ

For citation: Otabek Q. Alimardonov, PUBLIC DIPLOMACY RELATIONS OF UZBEKISTAN WITH MALAYSIA DURING THE YEARS OF INDEPENDENCE. Look to the past. 2020, vol. 11, issue 3, pp.17-25

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-11-3>

АННОТАЦИЯ

Бугунги кунда Малайзия Жануби-Шарқий Осиёдаги энг ривожланган давлатлардан бири ҳисобланиб, Ўзбекистоннинг ушбу минтақадаги яқин ҳамкоридир. Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари тараққиёти ва ютуқларининг ўзига хосликларини инобатга олган Ўзбекистон ҳукумати мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Малайзия билан ҳамкорликни ўрнатиш ва ривожлантиришга алоҳида эътиборни қаратиб келмоқда. Ўзбекистон ва Малайзия алоқаларида айниқса халқ дипломатияси муҳум аҳамиятга эгадир. Бугунги кунда Ўзбекистон ва Малайзия ўртасида халқ дипломатиясининг турли тармоқлари хусусан, парламент дипломатияси, маданий дипломатия, спорт дипломатияси жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Халқлар ўртасида туризм, таълим ва илм-фан соҳаларидаги ўзаро ҳамкорлик алоқларида ҳам халқ дипломатияси элементлари яққол намоён бўлиб, икки халқ ўртасида дўстлик алоқалари мустаҳкамланиб бормоқда.

Калит сўзлар: халқаро муносабатлар, халқ дипломатияси, парламент дипломатияси, маданий дипломатия, спорт дипломатияси, таълим, илм-фан.

Отабек Кудратович Алимардонов,
Докторант исторического факультета
Национального университета Узбекистана
имени Мирзо Улугбека

ПУБЛИЧНАЯ ДИПЛОМАТИЯ ОТНОШЕНИЙ УЗБЕКИСТАНА С МАЛАЙЗИЕЙ В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ

АННОТАЦИЯ

Сегодня Малайзия - одна из самых развитых стран Юго-Восточной Азии и близкий партнер Узбекистана в регионе. Принимая во внимание специфику развития и достижений стран Юго-Восточной Азии, Правительство Узбекистана с первых лет независимости уделяло особое внимание налаживанию и развитию сотрудничества с Малайзией. Народная дипломатия особенно важна в отношениях между Узбекистаном и Малайзией. Сегодня интенсивно развиваются различные отрасли публичной дипломатии между Узбекистаном и

Малайзией, в частности, парламентская дипломатия, культурная дипломатия, спортивная дипломатия. Элементы народной дипломатии проявляются и в отношениях между народами в сфере туризма, образования и науки, а дружеские отношения между двумя народами крепнут.

Ключевые слова: международные отношения, народная дипломатия, парламентская дипломатия, культурная дипломатия, спортивная дипломатия, образование, наука.

Otabek Q. Alimardonov,
Doctoral student at the Faculty of History of the
National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
E-mail: otabelalimardonov111@gmail.com

PUBLIC DIPLOMACY RELATIONS OF UZBEKISTAN WITH MALAYSIA DURING THE YEARS OF INDEPENDENCE

ABSTRACT

Today, Malaysia is one of the most developed countries in Southeast Asia and a close partner of Uzbekistan in the region. Taking into account the peculiarities of the development and achievements of the countries of Southeast Asia, the Government of Uzbekistan from the first years of independence has paid special attention to the establishment and development of cooperation with Malaysia. Public diplomacy is especially important in the relations between Uzbekistan and Malaysia. Today, various branches of public diplomacy between Uzbekistan and Malaysia, in particular, parliamentary diplomacy, cultural diplomacy, sports diplomacy are developing rapidly. Elements of public diplomacy are also evident in the relations between the peoples in the fields of tourism, education and science, and the friendly relations between the two peoples are strengthening.

Index Terms: international relations, people's diplomacy, parliamentary diplomacy, cultural diplomacy, sports diplomacy, education, science.

1. Долзарблиги:

Ўзбекистон ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари халқлари ўртасида халқ дипломатиясининг илдишлари узок ўтмишга бориб тақалади. Хусусан, Малайзия халқи билан тарихан ислом дини халқларимизни бир-бирига яқинлаштириб келган муҳим омилдир. Халқлар ўртасида маданий-маърифий, савдо-тижорат алоқалари ривожлангани сари давлатлар ўртасида ҳам алоқалар кучайиб, расмий муносабатлар мустақамланади. Шунинг учун ҳам халқ дипломатияси тарихнинг ҳар қайси даврида ўз аҳамиятини йўқотмайди.

2. Метод ва ўрганилганлик даражаси:

Тадқиқот жараёнида тарихий ва қиёсий таҳлил, муаммовий-хронологик, объективлик, тизимлаштириш ҳамда фанлараро ёндашув каби илмий тадқиқот усуллари қўлланилган.

Ўзбекистонда халқ дипломатияси илк бор илмий тадқиқот объекти сифатида 1998 йилда Р.Жўраевнинг илмий ишида ўз аксини топганлиги билан аҳамиятлидир. Унда халқаро муносабатларда ўзбек халқ дипломатиясининг ўрни, Совет Иттифоқи кулаши, ижтимоий портлашлар, нафақат янги мустақил бўлган давлатлар ҳудудида, балки сайёрамизнинг бошқа қисмларида ҳам турли можаролар билан боғлиқлиги сабабли халқ дипломатиясининг аҳамияти ортиб бораётганлиги, дунёда кўплаб миллий зиддиятларни ҳал қилиш асрлар давомида турли халқларнинг тақдирлари бир-бирига боғланиб кетганлиги сабабли қийин масалага айлангани, шу муносабат билан, халқ дипломатияси маданиятнинг асл қадриятларини алмашишга имкон бериши ва халқларнинг яқинлашишига ҳисса қўшиши ёритиб берилган[1].

А.Қирғизбоевнинг илмий ишида эса Мустақил Ўзбекистоннинг Осиё мамлакатлари билан иқтисодий ва маданий алоқаларининг ҳозирги ҳолати ҳамда истиқболларини батафсил илмий таҳлил этган. Лекин, Ўзбекистоннинг Узок Шарқ, Жануби-Шарқий Осиёдаги

давлатлар билан олиб бораётган халқ дипломатиясининг серқирра ҳамкорлиги масалаларига алоҳида эътибор берилмаган[2].

Ўзбекистон Республикасининг Осиё-Тинч океани минтақаси давлатларидан бири - Малайзия билан илмий-техникавий, маданий алоқалари У.Рустамов[3], Ф.Усаров[4], С.Усаров[5], М.Қурбонова ва Ш. Бобожонов[6] тадқиқотларида ўрганилиб, илмий асосли таклифлар билан бойитилган, “Ўзбекистон-Малайзия”, “Малайзия-Ўзбекистон” каби халқ дипломатияси акторлари фаолияти очиб берилган. Бироқ, ушбу муаллифлар асарларида Ўзбекистоннинг Малайзия билан халқ дипломатияси алоқаларида таълим, туризм, маданият ва санъатнинг ўрни масалаларига қисман тўхталиб ўтилган.

Таҳлил шуни кўрсатадики, ҳозирги кунгача Ўзбекистоннинг Малайзия билан ўзаро дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашда халқ дипломатиясининг ўрни масаласига бағишланган мустақил тадқиқот иши мавжуд эмас.

3. Асосий қисм:

Малайзия Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 1 январь куни тан олган. Икки мамлакат ўртасида дипломатик алоқалар 1992 йил 21 февралда ўрнатилган. 1993 йил июнь ойидан Тошкентда Малайзия элчихонаси, 1999 йилнинг декабр ойидан эса Куала – Лумпурда Ўзбекистон элчихонаси фаолият олиб боради.

Икки томонлама дўстона ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1992, 2005 йилларда Малайзияга ташрифи катта аҳамиятга эга. Ташрифлар натижасида имзоланган “Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Малайзия ҳукумати ўртасида иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида Битим”, “Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Малайзия ҳукумати ўртасида маданий ва илмий ҳамкорлик тўғрисида Битим”лар ва бошқа аниқ соҳаларга йўналтирилган бир қанча ҳужжатлар алоқаларнинг ҳуқуқий асосларини ташкил қилади. Малайзия Бош вазири Мохатхир Мохаммаднинг 1993-йилда Ўзбекистонга расмий ташрифи давомида “Ўзбек-Малайзия қўшма коммюникеси” имзоланган бўлса, 2008 йил ноябрда Малайзия Бош вазири Аҳмад Бадавнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи чоғида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларида бир неча ҳукуматлараро шартномалар имзоланган. Бугунги кунда Ўзбекистон ва Малайзия ўртасида турли соҳаларни, жумладан, савдо-сармоя, икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш, ҳаво транспорти қатнови, илм-фан, маданият, сайёҳлик, табиий ресурсларни ўзлаштириш каби йўналишларни қамраб олувчи 47 та ҳужжатдан иборат бўлган мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий асос мавжуд[7]. Бугунги кунда турли соҳаларни қамраб олган бу ҳужжатлар икки мамлакатнинг халқ дипломатияси алоқаларида ҳам муҳим рол ўйнаб келмоқда.

Дипломатик алоқалар натижасида ўтган йиллар давомида икки томонлама ҳамкорликда катта натижаларга эришилди. Сиёсий мулоқот ривожланиб, томонлар халқаро ташкилотлар доирасида бир-бирларини қўллаб-қувватлаб келишмоқда. Жумладан, Ўзбекистон 2017 йил 8 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида қабул қилинган мўътадиллик резолюцияси бўйича Малайзиянинг таклифини қўллаб-қувватлаган бўлса, Малайзия Ўзбекистон томонидан таклиф қилинган “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюцияси ва Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини мақуллаб чиқди.

Икки мамлакат ўртасида ўзаро фойдали савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни йўлга қўйишда халқ дипломатиясининг муҳим тармоғи ҳисобланган парламент дипломатиясининг ҳам муносиб ўрни бор. Хусусан, Малайзия парламенти Вакиллар палатасининг Спикери Тан Спи Дато Рамли бин Нгах Толиб бошчилигидаги делегациянинг 2006 йил май ойида Ўзбекистонга ташрифи[8], 2010-йилнинг апрелида эса Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикери Д.Ташмухамедовнинг Малайзияга жавоб сафари уюштирилди. Музокаралар жараёнида икки мамлакат парламентларининг қуйи палаталари ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари ҳамда икки давлат ўртасидаги алоқаларнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш бўйича ўзаро фикр алмашилди. Бундан ташқари, Тошкент Куала-Лумпур билан халқ дипломатиясини кенгайтиришдан манфаатдор. Олий Мажлис

Қонунчилик палатасида тузилган “Ўзбекистон-Малайзия” дўстлик гуруҳи давлатларимиз ўртасидаги кўп қиррали шерикликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Халқ дипломатияси халқаро нодавлат ташкилотлари фаолиятида яққол намоён бўлади. Айнан халқаро касбий, илмий, маърифий ва диний нодавлат ташкилотлари давлатлар ва халқлар орасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлайди[9]. Айнан нодавлат-нотижорат ташкилотлари сифатида ўзаро тенгликка ва дўстликка асосланган жамиятлар, уюшмалар ва ассоциациялар халқларнинг маданияти, санъатини тарғиб қилади.

Ушбу тадқиқот доирасида биринчи мартда Ўзбекистон Республикасининг Хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқалар бўйича дўстлик жамияти Кенгаши, “Ўзбекистон-Малайзия” дўстлик жамияти ҳамда “Малайзия-Ўзбекистон” дўстлик жамияти каби нодавлат ташкилотларнинг Ўзбекистон ва Малайзия ўртасидаги халқ дипломатияси алоқаларида тутган ўрнига алоҳида тўхталиб ўтилди. Ўтган давр мобайнида ушбу нодавлат ташкилотлар ўзбек халқини малай халқи билан халқ дипломатияси орқали ҳамкорликни ривожлантириш, дўстликни мустаҳкамлашда муносиб ҳисса қўшди. Хусусан, Ўзбекистон ва Малайзия ўртасида халқ дипломатияси алоқаларида 1992-йилда Ўзбекистонда ташкил этилган “Ўзбекистон-Малайзия” дўстлик жамияти ва 2012 йилда Малайзияда ташкил этилган “Малайзия-Ўзбекистон” дўстлик жамиятининг ўрни катта[10]. “Ўзбекистон-Малайзия” дўстлик жамиятининг низомида жамият фаолиятининг асосий қоидалари белгилаб қўйилган бўлиб, бу қоидалар асосий мақсад ва вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

1992-2017 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқалар бўйича дўстлик жамияти Кенгаши ва “Ўзбекистон-Малайзия” дўстлик жамияти халқ дипломатияси орқали кенг қамровли маданий тадбирларни амалга ошириб келди[11]. Айниқса, 1991-2000 йиллар оралиғида Ўзбекистон ва Малайзия халқларининг маданий-маънавий ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида, доимий равишда Ўзбекистон ва Малайзиянинг мустақиллик кунлари, миллий байрамларига бағишланган тадбирларни ўтказиш анъанага айланди. Натижада, юртимизнинг миллий байрам ва тантаналарида Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган Малайзия фуқаролари ва элчихона вакиллари бевосита иштирок этишди. Бундай тадбирлар чоғида икки мамлакат халқларининг дўстлик учрашувлари, Малайзия рассомлари асарларининг кўرғазмалари, давра суҳбатлари, турли анжуманлар ташкил этилди. Масалан, 1994 йилда баҳорида Ўзбекистонда “Шарқ гули” акциядорлик компанияси томонидан Малайзия фуқаролари ва элчихона вакилларини ўзбек халқининг маданий-миллий анъаналари билан таништириш мақсадида “Наврўз-дўстлик байрами” номли байрам тадбири ташкил қилинди. Тадбирда Юлдуз Исматова раҳбарлигидаги “Тановар” ансамбли ўзбек миллий кўшиқ ва рақс санъати намуналарини малайзияликларга тақдим этди[12].

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Дўстлик жамиятлари кенгаши ва “Ўзбекистон-Малайзия” дўстлик жамияти томонидан ўтказилган 10 тага яқин бошқа шундай тадбирлар Ўзбекистон ва Малайзия ўртасида алоқаларни мустаҳкамланишига, халқларни бир-бирига яқинлаштиришга ва икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилганлиги билан аҳамиятлидир.

2000-2005 йилларда Ўзбекистон ва Малайзия халқларининг маданий-маънавий соҳалардаги ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари Ўзбекистон Республикасининг Хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқалар бўйича дўстлик жамияти Кенгаши, «Ўзбекистон-Малайзия» дўстлик жамияти ҳамда Ўзбекистонга ташриф буюрган Малайзия жамоатчилиги билан бўлган учрашувларда асосий мавзу бўлиб кўтарилди[13]. Айниқса, Ўзбекистон ва Малайзия ёшларининг мамлакатларимиз ҳақидаги билимларини бойитиш мақсадида Дўстлик жамияти турли маданий ва маърифий тадбирларни ўтказиб келмоқда. Хусусан, 2006 йилда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабалари ўртасида “Малайзияни ким яхшироқ билади?” мавзусида викторина бўлиб ўтди. Викторинада ёшлар Малайзия географияси, иқтисодиёти, тарихи ва маданияти, шунингдек,

мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар тўғрисидаги билимларини намойиш этди[14].

“Ўзбекистон-Малайзия” дўстлик жамияти Ўзбекистон халқларининг ҳаёти, тарихи, маданияти, урф-одати, анъаналари, мустақиллик даврида эришган ютуқларини дунёга танитиш борасида Малайзия жамоатчилиги билан биргаликда кўплаб ишларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, 2012 йилда Ўзбекистон Республикаси ва Малайзия ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганлигининг 20 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон маданий-маърифий алоқалар бўйича дўстлик жамиятлари кенгаши ва “Ўзбекистон-Малайзия” дўстлик жамияти томонидан Малайзияда жамоатчилик ташкилотлари билан кўплаб тадбирлар ва учрашувлар ўтказилди[15]. Жумладан, Кенгаш раиси ўринбосари Зокир Абидовнинг Малайзияда Куала-Лумпур мери Аҳмад Фауд Исмоил ва “TINA TRAVEL & Agencies” агентлигининг бизнесни ривожлантириш бўйича директори Абдул Ҳалим билан учрашувида Малайзияда “Ўзбекистон-Малайзия” дўстлик жамиятига ўхшаш турдош “Малайзия-Ўзбекистон” дўстлик жамиятини ташкил этиш имкониятлари муҳокама қилинди. Натижада, шу йили Малайзия жамоатчилиги томонидан “Малайзия-Ўзбекистон” дўстлик жамиятига асос солинди.” TINA TRAVEL & Agencies” агентлигининг бизнесни ривожлантириш бўйича директори Абдул Ҳалим Аҳмад “Малайзия-Ўзбекистон” дўстлик жамиятининг раиси этиб тайинланди[16].

Ушбу дўстлик жамиятининг ташкил этилиши натижасида 2012-2017 йилларда икки мамлакат ўртасида халқ дипломатияси алоқалари ривожланиб, сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Шу билан бирга, жамоат ташкилотлари вакилларининг икки томонлама ташрифлари ижобий рол ўйнади. Ташрифлар чоғида икки мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий салоҳияти тўғрисида кенг маълумот алмашинуви йўлга қўйилди[17].

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари, хусусан, Малайзия ўртасида халқ дипломатиясининг муҳим тармоқларидан бири бўлган маданий дипломатия алоқалари ҳам янада кенгайиб бормоқда. Жумладан, 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Малайзия қироллиги ўртасида “Маданий ва илмий ҳамкорлик тўғрисида” шартнома имзоланди[18]. Ушбу шартномага асосан 1993-2000 йилларда Ўзбекистон ва Малайзия ўртасида маданий дипломатиянинг турли йўналишларда кенг қамровли ҳамкорлик олиб борилди. Хусусан, мусиқа, театр, цирк жамоаларининг гастроллари; фольклор-этнографик кўшиқ ва рақс жамоаларининг ташрифлари; таниқли ижодкорлар (скрипка, фортепиано, вокал ва бошқалар ҳамда дирижёр ва постановкachi режиссёр) гуруҳларининг ижодий сафарлари ташкил этилди[19].

Айниқса, 1994 йил икки мамлакат учун маданий тадбирларга бой йил бўлди. Ўша йили июнь ойида Куала-Лампурда Халқаро ислом маданияти фестивали доирасида Ўзбекистон кунлари ҳам бўлиб ўтди[20]. Муҳиддин Қори Ёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси санъаткорлари ўз ижод наъмуналарини малайзияликларга тақдим этган бўлса[21], Малайзиялик маданият, фан ва таълим соҳалари вакилларидан иборат 34 кишилик делегация юртимизга ташриф буюрди[22].

Ўзбекистон ва Малайзия мусиқа санъати йўналишидаги алоқаларида миллий фольклор санъатининг ҳам муносиб ўрни бор. Малайзияда 1995[23], 2010 йилларда бўлиб ўтган халқаро фольклор фестивалларида ўзбекистонлик санъаткорлар муваффақиятли иштирок этишди[24].

Малайзияда ҳам мусиқа санъати юксак кадрланади. Ушбу мамлакатда халқаро фестивалларнинг доимий равишда ўтказиб турилиши шундан далolat беради. Бундай тадбирларда ўзбекистонлик мусиқа санъатининг таниқли вакиллари ҳам бир неча марта иштирок этди. Масалан, 2015 йилда Малайзиянинг Перлис Университетида “UniMAP-2015” Маданият Кечасида ўзбекистонлик санъаткорлар Мамлакатхон Улашева ва Дилшод Али бошчилигида ўзбек миллий рақслари намойиш этилди[25]. Бу каби маданий тадбирлар бугун ҳам турли мамлакат ва қитъалар халқлари ўртасида тинчлик, дўстлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан халқ дипломатияси алоқаларида яна бир муҳим соҳа бу спорт дипломатияси ҳисобланади. Чунки, спорт туфайли жаҳон миқёсида сиёсий ихтилофлар ва давлатлараро зиддиятлар бартараф этилади. Давлатлараро алоқаларни ривожлантиришда спортнинг дипломатик хусусиятларини ҳисобга олаётган Ўзбекистоннинг Малайзия билан ўзаро муносабатларида унга алоҳида ўрин ажратмоқда.

Ўзбекистон ва Малайзия ўртасида спорт дипломатияси алоқаларида Абдураимовлар сулоласининг қобилияти ва истеъдоди вакили Азамат Абдураимовнинг ҳам ўрни бор. Футболчи А. Абдураимов 1993 йилда Малайзиянинг “Паханг” жамоасига таклиф этилган. Шундай қилиб, у Малайзияда тўп сурган ўзбекистонлик илк легионер футбочиларидан бирига айланган[26].

Ўзбекистоннинг Малайзия билан спорт соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларида Осиё – Тинч океани минтақаси мамлакатларининг миллий жанговар яккакураш спорт тури ҳисобланувчи пенчак силатнинг ҳам ўрни катта. Бугунги кунда пенчак силат ўзбекистонликлар орасида тез оммалашган жанговар яккакурашлардан биридир. 2010 йилда Жакартада бўлиб ўтган мазкур спорт тури бўйича жаҳон чемпионатида 2 нафар ўзбекистонлик биринчи ўринни эгаллаган бўлса, 2011 йилда Озорбайжонда бўлиб ўтган пенчак силат бўйича халқаро мусобақада ўзбекистонлик спортчилар 3-ўринни эгаллашди[27].

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари нафақат, иқтисодий жиҳатдан гуркираб ривожланган, балки таълим, фан-техника борасида ҳам илдамлаб бормоқда. Ўзбекистоннинг Осиё - Тинч Океани ҳавзасидаги давлатлар билан йўлга қўйилган халқ дипломатияси алоқаларида илм-фан, таълим соҳасида ҳамкорлик муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси ва Малайзия ўртасида олий таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро меморандум натижасида икки давлат олий таълим муассасаларининг ҳамкорлик алоқалари кенгайиб, натижада халқ дипломатиясини ривожланишига ҳам катта таъсир этмоқда.

1995 йилда икки мамлакат Фанлар академиялари ўртасида илмий алоқаларни ривожлантиришга оид Меморандум имзоланди. Натижада Ўзбекистон-Малайзия илмий марказлари ўртасида олимларнинг илмий сафарлари йўлга қўйилди. 1995 йилда доктор Аҳмад Тосир бошчилигидаги малайзиялик олим ва мутахассислар гуруҳи Ўзбекистонга ташриф буюриб Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, илмий-тадқиқот институтлари ва олимларининг фаолияти билан яқиндан танишди.

Тил халқ дипломатиясининг муҳим воситасидир. Хорижий тилни ўрганиш орқали инсонлар ўртасида дўстона муносабатлар шаклланади.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг иккита олий ўқув юртида малай тилини ўқитиш йўлга қўйилган.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети (ЎзДЖТУ) да малай тили 1996 йилдан буён иккинчи тил сифатида ўқитилиб келинмоқда. Султон Идрис педагогика университети профессори Субария Сулейман ЎзДЖТУда малай тили бўйича амалий машғулотлар олиб бормоқда.

2017 йилда Малайзиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Султон Идрис педагогика университети билан ҳамкорликда ЎзДЖТУда “Тўзал нутқ бой маданиятнинг элементи” мавзусида 5-халқаро конференция ташкил этилди. Ушбу конференцияда Малайзия, Индонезия, Сингапур ва Бруней давлатларининг 50 дан ортиқ профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирок этди.

Бугунги кунда малай тили ва маданиятини ўргатишни ривожлантириш мақсадида ЎзДЖТУда Султон Идрис университети билан ҳамкорликда ташкил этилган Малайзия тили ва маданияти маркази самарали фаолият олиб бормоқда. Ушбу марказ талабаларнинг малай тилини чуқур ўзлаштиришида кўмаклашиш баробарида университет билан ҳамкорликда қатор маданий тадбирлар, анжуман ва семинарлар ўтказиб келади.

Ўзбекистон ва Малайзия ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганлигини икки мамлакат ўртасида таълим алмашинувининг кенг йўлга қўйилгани бунга ёрқин мисол бўла олади. Малайзия техник ҳамкорлик дастури (МТХД) доирасида ташкил этилаётган қисқа муддатли ўқув курсларида республика вазирлик ва ташкилотлари вакиллари ҳамда университет профессор-ўқитувчилари доимий тарзда иштирок этиб келмоқда.

Ўзбекистон ва Малайзия халқ дипломатиясида икки мамлакат илмий марказлари ва олимларининг ҳам муносиб ўрни бор. Бироқ тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон ва Малайзия ўртасида фан ва таълим соҳаларидаги ҳамкорликда имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги ҳам маълум бўлмоқда. Бу борадаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, икки мамлакатнинг таълим муассасалари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш, ўзаро тажриба алмашувини янада фаоллаштириш келажакда икки халқнинг дўстона алоқаларида янада муҳим рол ўйнайди. Шубҳасиз, таълим соҳасидаги ҳамкорликлар ҳам икки мамлакат халқ дипломатияси ривожига муносиб ҳисса қўшади.

Ўзбекистоннинг Осиё-Тинч Океани минтақаси давлатлари билан халқ дипломатияси алоқаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда, маданият соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришда миллий телерадиокомпания ва ОАВларнинг фаолияти ҳам катта аҳамиятга эга.

Хорижий халқлар тарихи ва маданиятини яхшироқ билиб олишга имкон берувчи турли тадбирлар, миллий байрамларга бағишланган махсус эшиттиришлар халқлар ўртасида мустаҳкам маданий алоқалар ўрнатишга, уларни яқинлаштиришга хизмат қилади. Ўзбекистон ва Малайзия ўртасидаги маданий алоқаларда бу хусусият яққол сезилмоқда.

2005 йилдан бошлаб Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Малайзиянинг шу соҳадаги муассасалари билан ҳамкорликка оид қатор дастурларни ишлаб чиқди. Бу дастурларда ОАВ фаолиятига тегишли тажрибалар алмашиш, шунингдек икки мамлакат халқларининг маданий-маънавий ютуқларини кенг тарғибот қилиш кўзда тутилган эди.

Хусусан, 2006 йилда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси, “Ўзбекистон-Малайзия” дўстлик жамияти раиси А.Хаджаев бошчилигидаги делегацияларнинг Малайзияга ташрифлари чоғида икки мамлакат телерадиоэшиттириш ташкилотларининг техник ва ижодий имкониятларидан фойдаланиш ва бошқа кўплаб масалалар қатори Ўзбекистон ҳамда Малайзия халқларининг бой тарихи, маданий мероси ва анъаналарига бағишланган дастурларни ўзаро алмашиш тўғрисида келишувга эришилди[28].

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Дунё бўйлаб” канали ва Малайзиянинг ТВ3 телеканали ўртасидаги ҳамкорлик доирасида Малайзия Туризм вазирлиги ва “ABDA Travel Company” компанияси билан биргаликда Малайзияда “Ўзбекистон телевиденияси кунлари”ни ва Ўзбекистонда “Малайзия телевиденияси кунлари” ўтказилди.

Телевизиондастурлардоирасидаиккимамлакатхалқларинингмаданиятивиауρφ-одатларинамойиш этилди.Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг Малайзия билан миллий телерадиокомпания ва ОАВларнинг фаолияти ҳамкорлигининг таҳлили шундан далолат берадики, бу соҳаларда ҳам халқ дипломатияси алоқалари мунтазам ривожланиб бормоқда.

4. Хулосалар:

Ўзбекистоннинг Малайзия билан ўрнатган халқ дипломатияси алоқалари нечоғли ўзининг амалий натижаларини, юксак самараларни берганлиги фактлар, далиллар, ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳамкорликнинг турли соҳаларида олиб борилган кенг муносабатлар мисолида кўриниб турибди. Ўзбекистоннинг ушбу икки мамлакат билан олиб борган ижтимоий-гуманитар, савдо-иқтисодий, маданий-маърифий, фан-техника, таълим, туризм соҳасидаги ўзаро ҳамкорлигида халқларнинг кенг жамоатчилиги муносиб иштирок этиб келаётгани эса халқ дипломатияси алоқаларини янада мустаҳкамлайди.

Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган асосий хулосалар қуйидагилардан иборат:

1. Ўзбекистоннинг Малайзия билан халқ дипломатияси ҳамкорлигини ўрганиш жараёнида илм-фан, таълим, туризм, маданият ва санъат, кино, спорт, қишлоқ хўжалиги устивор соҳалар эканлиги маълум бўлди.

2. Ўзбекистон ва Малайзия ҳамкорлигини мустаҳкамланишида маданий соҳадаги алоқалар алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада халқ дипломатиясини шаклларида кенг фойдаланиб келинмоқда. Мазкур ҳамкорлик дўстлик жамиятлари фаолиятида, телевидение, ОАВ каби соҳаларда намоён бўлмоқда.

Ўзбекистоннинг Малайзия билан ҳамкорлигини ўрганиш жараёнида мамлакатларимиз орасида турли соҳаларда ҳамкорлик босқичма-босқич ривожланиб бораётгани, бироқ томонлар алоқаларида маълум маънода ҳали ишга солинмаётган имкониятлар мавжудлиги аниқланди.

Давлатлар ўртасидаги маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш борасидаги саъй-ҳаракатларни амалга оширишда бир қатор жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Жумладан:

биринчидан, Малайзияда Ўзбекистон маданияти кунларини, Ўзбекистонда Малайзиянинг маданияти кунларини мунтазам ўтказиб бориш муҳим ҳисобланади. Бу халқлар маданиятининг бир-бирига яқинлашувига хизмат қилади;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси, “Ўзбекистон-Малайзия” дўстлик жамиятлари ҳамда мамлакатда фаолият кўрсатаётган маданият соҳасидаги бошқа турли ташкилотлар Малайзиядаги турдош ташкилотлар билан илмий-ижодий ҳамкорлигини янги босқичда олиб бориши муҳим ҳисобланади;

учинчидан, Ўзбекистон ва Малайзия телевидения ва ОАВлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини самарали йўлга қўйилиши давлатларда маданиятни ўзаро тарғиб қилиш ва туризмнинг ривожига хизмат қилади;

тўртинчидан, ўзаро маданият ва санъат соҳаси вакилларининг учрашувларини кенг жамоалар орасида мунтазам ўтказиш зарурияти мавжуд;

бешинчидан, санъат ва спорт соҳалари бўйича мамлакатларнинг ёшлари ўртасида танловлар ўтказишни йўлга қўйиш лозим;

олтинчидан, маданий-гуманитар соҳаларнинг ҳар бирида алоҳида “йўл хариталар”ини белгилаб олиб, уни мақсадли амалга оширилса, давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик янада мустаҳкамланиб боради.

еттинчидан, таълим ва илм-фан соҳасида Жануби-Шарқий Осиё давлатларида истиқомат қилиб келаётган ватандошлар ва таълим олаётган Ўзбекистон ёшлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш давлатлар ўртасида халқ дипломатияси алоқаларини мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Иқтибослар / Сноски / References:

1. Жураев Р.Т. Роль народной дипломатии Узбекистана в международных отношениях: автореферат дис. кандидата исторических наук: 07.00.02. – Андижан, 1998. – 21с.
2. Қирғизбоев А.К. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги. – Тошкент: “Фан”, 2004. – 280 б.
3. Рустамов У.А. Советский Узбекистан на международной арене. – Ташкент: Узбекистан, 1979.
4. Усаров Ф.У. Ўзбекистон Республикаси ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари ўртасида иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик (Малайзия давлати мисолида: 1991-2005 йиллар): Тарих фан. Ном....дисс. – Тошкент: ЎЗМУ, 2010
5. Усаров С.Р. Ўзбекистон Республикасининг Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари билан ҳамкорлиги (Индонезия, Малайзия ва Сингапур мисолида, 1991-2019 й.й.): Тарих фан. бўйича фал. Док. (PhD)....дисс. Автореф.– Тошкент: ЎЗМУ, 2020


6. Қурбонова М.Б., Бобожонов Ш.У. Ўзбекистон ва Малайзия давлати маданият алоқалари // Бухоро давлат университети Илмий ахбороти (илмий журнал).2016 йил 1-сон. –Б.120-124.
7. Тошкент давлат шарқшунослик университетида малайшуносликнинг ўрганилиши тарихидан // ТДШУ электрон жорий архиви. Мурожаат этилган сана 2020.06.08
8. Ўзбекистон Миллий архиви (кейинги ўринларда ЎзМА) Фонд-М-37,Рўйхат-1, йиғма жилд-450.
9. Ўзбекистон ва Малайзия вақт синовидан ўтган ишончли шерик // 14.09.2018 <http://uza.uz/uz/society>.
10. Ўзбекистон Республикасининг Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари билан ҳамкорлиги // Ўзбекистон-Малайзия муносабатлари. <https://mfa.uz/en/cooperation/countries/374/?print>
11. Саидов А.“Маданий-гуманитар алоқаларнинг ривожланишида халқ дипломатиясининг роли: халқаро тажриба ва минтақавий чақириқлар” //“Марказий Осиё -умумий уйимиз” халқаро конференцияси. Тошкент. 2019 й. 15 ноябрь.
12. ЎЗР МА, М-2 фонд, 1-рўйхат, 140-иш, 10-варақ.
13. ЎЗРВМ ММХМДАҚ ЖА. //Ўзбекистон Республикаси Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданият-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашининг 2005-2015 йиллардаги ҳисоботи материаллари электрон маълумотлар.
14. ЎЗР МА, М-2-фонд, 1-рўйхат, 188-иш, 46-варақ.
15. ЎЗР МА, М-2-фонд, 1-рўйхат, 188-иш, 46-варақ.
16. Общество дружбы “Узбекистан-Малайзия” // “Ўзбекистон” ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий журнали № 3-4/2007.–Б.36-37.
17. Узбекистан-Малайзия: продвижение вперед // “Ўзбекистон” ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий журнали № 1-2/2012.–Б.32-33.
18. Ўша жойда. 33 варақ.
19. “Ўзбекистон-Малайзия” дўстлик жамиятининг 2012-2017 йилларда амалга оширилган ишлар ҳисоботи жорий архиви, 5-иш, 12-варақ.
20. ЎЗР МА, М-2-фонд, 1-рўйхат, 106-иш, 21-варақ.
21. ЎЗР МА, М-7 фонд, 2-рўйхат, 71-иш, 1-3-варақ.
22. Ijtimoiy-hayot-1994-yil <http://islomkarimov.uz>.
23. ЎЗР МА. М-7-фонд.2-рўйхат,104-иш,13-варақ.
24. ЎЗР МА, М-2-фонд, 1-рўйхат, 106-иш, 25-варақ.
25. ЎЗР МА, М-7-фонд, 332- йиғма жилд, 240-варақ.
26. Азамат Абдураимов тўйида Малайзия шахзодаси бош қош бўлган. Мурожаат қилинган сана 05.07.2020 й. www.12news.uz.
27. Усаров С.Р. Ўзбекистоннинг Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари билан спорт соҳасидаги ҳамкорлиги // Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиш жараёнлари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллар тўплами. 2019 йил 9 ноябрь. – Тошкент: 2019. – Б. 69-73.
28. Общество дружбы “Узбекистан-Малайзия”//“Ўзбекистон” ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий журнали № 3-4/2007.–Б.36-37.

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Abdixalik Amurovich Abdukarimov,
Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat
pedagogika institute, tayanch doktorant
Sala-0044@mail.ru

QORAQOLPOG'ISTON QISHLOQ XO'JALIGI 1960-1980 YILLARDA: ODAMLAR, VOQEALAR, UMIDLAR

For citation: Abdikhalik A. Abdukarimov, AGRICULTURE OF KARAKALPAKSTAN IN 1960-1980s: PEOPLE, EVENTS, HOPES. Look to the past. 2020, vol. 11, issue 3, pp.26-32

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-11-4>

АННОТАЦИЯ

Ushbu maqolada Qoraqalpog'iston 1960-80 yillarda qishloq xo'jaligindagi o'zgarish jarayonlari ko'rib chiqiladi. Qoraqalpog'iston qishloq xo'jaligi paxta, sholi, beda urug'lari, qorako'l terilari, jun, ipak pillalarini ishlab chiqarishga ixtisoslashgan edi. Paxta monokulturasini uchun qishloq xo'jaligining moslashtirilishi yangi sug'oriladigan erlarni o'zlashtirishni talab qildi, respublika qishloq xo'jaligi sun'iy sug'orishga asoslanganligini hisobga olsak, bu o'z navbatida respublikaning irrigatsiya sanoatini rivojlantirdi va buning natijasida suvlarning Orol dengiziga etib borishi keskin tarzda kamaya boshladi. Natijada, Amudaryo va Sirdaryo suvlaridan ortiqcha sarflanishi va Qoraqalpog'istonning bokira erga aylanishi Orol dengizining halokatini keltirib chiqardi. Paxtachilikning rivojlanishi qishloq xujalik mahsulotlarining kamayishiga olib keldi. Natijada g'alla, sabzavot va mevalarga ehtiyoj orti va ular boshqa hududlardan olib kelina boshladi, Qoraqalpog'iston agrar-ishlab chiqaruvchi respublikadan iste'molchiga aylandi.

Kalit so'zlar: Qishloq xo'jaligi, partiya apparati, suniy sug'orish, ijtimoiy soha, ximiyalash, paxta, agrar islohotlar, paxta xom-ashyosi, kollektor, paxta tozalash sanoati, yakkaxokimlik, bioklimat, atrof-muhit, pesticidlar, defoliatsiya.

Абдихалык Амурович Абдукаримов,
Нукусский государственный педагогический
институт имени Ажинияза
базовый докторант 1-курса
Sala-0044@mail.ru

СЕЛЬСКОЕ ХОЗЯЙСТВО КАРАКАЛПАКСТАНА В 1960-1980-е ГОДЫ: ЛЮДИ, СОБЫТИЯ, НАДЕЖДЫ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются процессы преобразования сельского хозяйства 1960-1980-х годов в Каракалпакстане. В ходе реформ сельское хозяйство Каракалпакстана специализировалось на производстве хлопка, риса, люцерновых семян, каракульских

шкурок, шерсти, коконов тутового шелкопряда. Развитие аграрий под монокультуру хлопка требовало освоения новых орошаемых земель учитывая, что земледелие республики базировалось на искусственном орошении это в свою очередь развило ирригационную отрасль республики, в целом следует отметить тот факт что природные ресурсы воды не доходили до Аральского моря. В результате чрезмерное употребление вод Амударьи и Сырдарьи и превращение Каракалпакстана в одну из целен, вызвало катастрофу Аральского моря. В связи с развитием хлопководства возросла потребность в обеспечений, республики зерновыми, овощами и фруктами, из аграрно-производительной республики Каракалпакстан превратился в потребляющую.

Ключевые слова: сельское хозяйство, партийный аппарат, искусственное орошение, социальная сфера, химизация, хлопчатник, аграрная политика, хлопок-сырец, коллектор, хлопкоочистительная промышленность, монокультура, биоклиматический, экологический, пестициды, дефолиация.

Abdikhaliq A. Abdukarimov,
Nukus State Pedagogical Institute
named after Ajiniyaz
basic doctoral student of 1 course

AGRICULTURE OF KARAKALPAKSTAN IN 1960-1980s: PEOPLE, EVENTS, HOPES

ABSTRACT

This article examines the processes of transformation of agriculture in the 1960s-1980s in Karakalpakstan. During the reforms, the agriculture of Karakalpakstan specialized in the production of cotton, rice, alfalfa seeds, karakul skins, wool and silkworm cocoons. The development of agrarians for the cotton monoculture required the development of new irrigated lands, that the agriculture of the republic was based on artificial irrigation, this in turn developed the irrigation industry of the republic, in general, it should be noted that the natural resources of water did not reach the Aral Sea. As a result, the excessive use of the waters of the Amu Darya and Syr Darya and the transformation of Karakalpakstan into one of the whole caused catastrophe of the Aral Sea. In connection with the development of cotton growing, the need for supplies has increased, the republic with grain, vegetables and fruits, from an agrarian-productive republic of Karakalpakstan has turned into a consuming one.

Index Terms: agriculture, party leadership, artificial irrigation, social sphere, chemicalization, cotton, agricultural policy, raw cotton, collector, cotton ginning industry, monoculture, bioclimatic, ecological, pesticides, defoliation.

1. Актуальность:

В народной памяти 1956-1963 годы остаются как время правления Носира Махмудова, который отличался властолюбием, нетерпимостью к чужому мнению. В руководстве Каракалпакстана создалась нездоровая атмосфера, были утрачены откровенности и принципиальность. Некоторые члены правительства и органов партийной власти, например, Наурыз Жапаков, Жолымбет Сейтниязов, Давлетбай Давлетмуратов, Якуб Абдалов, Жаббарберген Искандеров и др. выступили против методов руководства Н.Махмудова. Вскоре они «ушли» с работы. Тем не менее, в начале 1960-х годов в высшем эшелоне власти Каракалпакстана появились новые лица: Калибек Камалов, Ережеп Айтмуратов, Рахима Калбаева, Жиенбай Бекбергенов, Саид Бухаров, Виктор Млинский, Кучербай Сейтимбетов, Рейпназар Бабаназаров и др. [1, с. 12]. Характерная черта деятельности руководства Каракалпакстана того времени: все члены правительства и партийные работники месяцами находились во время сева и обработки и сбора хлопка-сырца в командировке в закрепленных им колхозах и совхозах.

2. Методы и степень изученности:

Реформы в сельском хозяйстве Каракалпакстана советского периода показали неэффективность повлекшие за собой мировую катастрофу на примере Аральского моря. Административно-командные методы хозяйствования нацеленные на плановую экономику и навязанная монополия хлопка, вынуждали форсировать перемены в селе. Республика переживала продовольственный и экологические проблемы и это сказывалось на противоречии социально-экономического характера. О чём указывают исследования авторов Т.К.Алланиязова «Социалистическое строительство в Каракалпакии в исторической литературе 60-х-80-х годов» Автореферат на соискание кандидата исторических наук - Ташкент 1989., Утемуратова Б.Б. «Дехканские (фермерские) хозяйства республики Каракалпакстан: история возрождения и развития (1917-1996 гг.)» Автореферат на соискание кандидата исторических наук - Нукус 1999., Сарыбаева М.К. «Политика хлопковой монокультуры советской власти в Каракалпакстане и её последствия (1917-1990 гг.)», Автореферат на соискание доктора исторических наук - Ташкент 2008., Караманова Г. «История аграрных отношений в Каракалпакстане (1917-1941 годы)» Автореферат на соискание кандидата исторических наук - Нукус 2009.

В основе данной статьи лежат принятые в качестве стандарта исторические методы исторический, научный, сравнительный и логический анализ, принципы объективности.

3. Результаты исследований:

Проводились эксперименты для руководства хозяйственных производств на территории Каракалпакстана: были образованы 5 колхозно-совхозных производственных управления - Турткульское, Чимбайское, Ходжейлийское, Амударьинское, Кегейлинское [2, с. 32]. В 1962 г. было образовано Министерство по производству и заготовок сельскохозяйственных продуктов, 25 декабря 1965 г. было образовано Амударьинское дельтовое управление оросительных систем.

Реальные рычаги власти сосредоточивались в руках партийного аппарата: он расширял свои командные функции, брал на себя решение повседневных текущих вопросов управления, подменяя советские и хозяйственные органы.

Хлопкоробы республики добились неплохих результатов, сдали государству почти 1.7 миллион тонн хлопка. В сравнении с 1970 годом валовой сбор зерна возросло в 3,3 раза. Государству продано 475 тысяч тонн зерна, в основном риса, объем валовой продукции животноводства увеличился на 25 процента, овощей, бахчевых возросло 2, 2,5 раза [3, с. 34].

В 1975-1980 гг. было построено около полутора миллионов квадратных метров жилья, ликвидировано много хуторов, а жители ранее проживавшие в них переселились в благоустроенные поселки. В Республике имелись 147 км водопроводов и 132 сельских водопроводных сетей [4, с. 78].

Надо особо подчеркнуть, что в 1975-1980 годах в республике было построено сотни общеобразовательных школ и детских учреждений, учреждений здравоохранения, культуры, предприятий, торговли, общественного питания, бытового обслуживания капвложений на строительство объектов коммунального назначения за последние 8 лет составили более 18 млн. рублей на благоустройство городов, райцентров и других населенных пунктов было израсходовано 25 млн.рублей [5, с. 37].

К руководству сельским хозяйством Каракалпакстана в 1980-е годы пришли свежие силы: А. Бекманов, М. Кинбаев, Э. Гаюпов, И. Курбанов, Д. Жумабаев, И. Дошанов, С. Жамангараев, С. Туремуратов и др. [6, с. 67].

Сельское хозяйство Каракалпакстана специализировалось на производстве хлопка, риса, люцерновых семян, каракульских шкур, шерсти, коконов тутового шелкопряда. Земледелие нашей республики базировалась на искусственном орошении. Структура и действенность системы управления сельским хозяйством в значительной мере зависели от административно-территориального деления Каракалпакстана. Конечно, здесь необходимо было учитывать важнейшие факторы, определяющие характер экономики и социальной сферы каждого из 15-ти районов Каракалпакстана, но, однако, на практике не учитывалось своеобразие многих из этих районов.

На целинных землях было построено по Узбекистану в целом 160 агрохозяйств, введено 7,7 млн. кв. метров жилья. Здесь возникли крупные сельскохозяйственные районы и города. В 1977 году был организован целинный Элликалинский район, а в 1979 году – животноводческий Бозатауский район.

Общая протяженность ирригационных каналов превысила 197 тыс. км. Заслоном маловодью стали 23 рукотворных моря, в которых накапливалось около 10 млрд. куб. метров воды для орошения земель.

Общая орошаемая площадь к началу 70-х годов в Каракалпакстане составляла около 230 тыс. гектар. К этому времени в Каракалпакстане насчитывалось 73 совхозов и 42 колхоза. На долю хлопководческой отрасли приходилось 2/3 орошаемой площади. Все 42 колхоза, а из 73 совхозов 38 были специализированы на производстве хлопка. В нашем крае хлопчатник возделывался и до установления Советской власти, однако в экономике сельского хозяйства он существенной роли не играл. Например, если в 1913 году на долю хлопчатника в общей посевной площади приходилось лишь чуть больше 10%, или около 12 тыс. гектар, то к 70-ым годам он уже составил около 70% в общей посевной площади, или около 120 тыс. гектар.

Необходимо отметить тот факт, что Каракалпакстан являлся самой северной границей хлопкосеяния в мировом хлопководстве. Если урожайность хлопчатника в 1963 году составляла 15,8 центнеров с каждого гектара, то в 1970 году урожайность повысилась до 27,7 центнера, а к 1975 году он уже составил 31,0 центнеров с гектара, т.е. прирост против 1963 года был составлен почти в 2 раза больше [7, с. 6]. Этот грандиозный скачок был совершен «благодаря», во-первых, резкому расширению фронта мелиоративных работ. И, во-вторых, за счет химизации хлопчатника, которая позже отразилась на почве и здоровье людей. Хотя ущербность излишней химизации сельского хозяйства была очевидной, она оставалась одной из составных частей аграрной политики вплоть до начала 90-х годов.

За 1971-1972 годы совхозами Каракалпакстана было освоено 5066 гектар новых земель, при плане 4350 гектар. Прделана работа по мелиоративному улучшению земель на площади 26505 гектар при плане 26140 гектар. Проведена реконструкция каналов и коллекторов на площади 11260 гектар при плане 11100 гектар.

Так, по сравнению с первыми двумя годами восьмой пятилетки по совхозам Каракалпакстана произведено за 1971-1972 гг. хлопка на 44,1 тыс. тонн, зерна на 3,7 тыс. тонн и овощей на 14,4 тыс. тонн. Больших успехов добились труженики села в 1973 году. На 17 ноября 1973 года государству было сдано 330 тыс. тонн хлопка-сырца, что составило 108% народнохозяйственного плана и на 59 тыс. тонн больше, чем в 1972 году [8, с. 67].

Во исполнение указаний центра партийно-государственные органы Каракалпакстана в 1973 году поставили задачу довести до конца десятилетия производство хлопка-сырца не менее чем до 450-500 тыс. тонн, увеличить производство других продуктов растениеводства и животноводства. В этих целях намечалось:

За 7 лет (1974-1980 гг.) комплексно освоить и ввести в сельскохозяйственный оборот не менее 150 тыс. гектаров новых земель, в том числе: в Турткульском, Берунийском районах под хлопчатник земли древнего орошения на Элликалинском массиве – 20 тыс. гектаров и Джанбаскалинском - 40 тыс. гектаров, в северных районах под рис – 40 тыс. гектаров, под картофель, огородно-бахчевые и кормовые культуры во всех районах - 10 тыс. гектаров.

В целях выполнения этих задач намечалось выполнить огромные водохозяйственные работы, а именно:

1. Разработать и осуществить конкретные мероприятия, обеспечивающие выполнение планов строительства особо важных сверхлимитных объектов;

2. По Турткульскому и Берунийскому районам – форсировать работы по строительству Кызылкумского коллектора с полным завершением работ в 1974 году. Приступить к строительству Берунийского коллектора во втором полугодии 1973 года;

3. По Амударьинскому району решить вопрос отвода грунтовых вод по коллектору, через территорию Туркменистана и Чагататабинский коллектор;

4. По Ленинадскому, Шуманайскому и Ходжейлийскому районам принять меры к полному завершению к 1975 году строительство коллекторов и построить насосные станции;

5. По Нукусскому району начать строительство в 1974 году Главного Нукусского коллектора и коллектора на Назарханском массиве и в совхозе «Коммунизм»;

6. По Чимбайскому району в 1974 году завершить строительство коллекторов;

7. До конца пятилетки построить 9400 гидросооружений, в том числе на внутривозвратной коллекторно-дренажной и ирригационной сети – 1300 сооружений;

8. Произвести восстановление и реконструкцию всех существующих внутривозвратных коллекторов и дренажей, решить вопросы реконструкции канала Пахта-арна с учетом потребности в поливной воде осваиваемых земель Элликалинского массива;

9. Произвести изыскательские работы и составить проект строительства нового ирригационного канала для орошения на Джанбаскалинском массиве в перспективе 40-50 тыс. гектар и использования под посевы хлопчатника и многие другие работы по улучшению мелиорации земель и ирригации [9, с. 7].

Все эти задачи по водному хозяйству начали осуществляться в 1974-1975 годы. К середине 70-х годов водное хозяйство Каракалпакстана превратилось в сложную многоотраслевую систему. Работы по ирригации произвели значительные изменения в развитии сельского хозяйства республики. Расширилась посевная площадь более чем на 67 тыс. гектар, впервые на 50 тыс. гектар построена инженерная рисовая система. Значительно увеличилось производство хлопка-сырца. Хлопкоробы Каракалпакстана в девятой пятилетке сдали государству 1,7 мил. тонн хлопка, на 283 тыс. тонн больше, чем в восьмой пятилетке.

Органы власти координировали труд нескольких коллективов по созданию хлопководческой техники, что позволило расширить масштабы и повысить темпы механизации хлопководства. Так, если в 1949 году, на заре применения хлопкоуборочной техники, удельный вес машинного сбора хлопка-сырца составлял лишь 0,2% от общего объема собранного хлопка, то в 1974 году в Каракалпакстане машинами было собрано 196 тыс. тонн хлопка-сырца, или 53% всего урожая. В деле сбора хлопка-сырца особенно отличились механизаторы Нукусского, Чимбайского и Ленинадского (современное Канлыккольский) районов, собравшие машинами свыше 60%. Механизация сельскохозяйственного производства существенно изменяет характер и содержание сельскохозяйственного труда.

Одновременно, существенное значение придавалось развитию хлопкоочистительной промышленности – крупнейшей отрасли индустрии нашего края. В 70-е годы в Каракалпакстане были построены 10 хлопкозаводов, 32 заготовительных пункта, несколько десятков сушильно-очистительных цехов, оснащенных высокопроизводительным оборудованием.

В середине 70-х годов из 119 колхозов и совхозов специализировались на производстве хлопка – 82, риса – 7, овощей, картофеля, фруктов и винограда – 7. В результате концентрации производства были созданы 8 овцеводческих совхозов, 14 мясного скотоводства и откорма крупного рогатого скота, 1 птицеводческий совхоз. Партийно-государственные органы вместо мобилизации всех внутренних ресурсов колхозов, всеми путями добивались их преобразования в совхозы с преимущественной специализацией на производстве хлопка.

Хлопок, превращавшийся в сельскохозяйственную монокультуру не только Каракалпакстана, но и среднеазиатских республик в целом, блокировал процессы диверсификации ее аграрно-отраслевой структуры. Попросту говоря, обрел благодатный в биоклиматическом отношении регион оставаться в узкой нише хлопковой общесоюзной специализации. В общей массе всех посевных площадей в 1970 году под хлопок было занято

50% земель по Узбекистану, когда как под яровую пшеницу отводилось всего лишь 3,6% площадей.

Монокультурная ориентация сельскохозяйственной отрасли региона привела к тому, что он превратился из аграрно-производящего в потребляющий. Под хлопчатник отводились осваиваемые новые земли. Стремительно сокращались посевы продовольственных культур, ограничивались размеры личных приусадебных участков сельчан. Экстенсификация культуры хлопчатника, посевы которого подходили буквально под окна дома колхозника-дехкана, до предела сузили возможности развития личного подсобного хозяйства. В результате год от года оскудевали возможности продовольственного само обеспечения республики. В республику стали ввозить не только зерновые, но даже картофель и некоторые виды овощей. Доходило до парадоксов, когда покупали в магазинах яблоки, завезенные из далекой Молдавии.

В годы девятой пятилетки усиленными темпами продолжалась освоение новых земель под рисовый комплекс Каракалпакстана. Планом развития народного хозяйства на 1971-1975 годы было предусмотрено произвести 402,6 тыс. тонн и сдать государству 320 тыс. тонн риса. Увеличили в 1975 году посевную площадь под рис до 30 тыс. гектар, а производство риса до 105 тыс. тонн, или в 2,2 раза больше, чем в 1970 году.

Рис в 70-х годах стал для среднеазиатских республик еще одной целиной. В 1974 году хозяйства Каракалпакстана продали государству 120 тыс. тонн риса-сырца, или в 7 с лишним раз больше по сравнению с 1966 годом. О таких высоких темпах развития рисоводства в нашем крае можно убедиться по данным расширения посевных площадей, повышения урожайности и увеличения валового сбора этой продовольственной культуры. Например, в 1965 году посевная площадь риса составила 13,6 тыс. гектар, то к 1974 году она составила 35,6 тыс. гектар.

Этой продовольственной культуре было уделено специальное внимание. Подчеркивалось, что будут продолжены работы по строительству рисовых систем в Кызылординской, Сырдарьинской, Чимкентской, Астраханской, Ростовской областях, Приморском крае и Каракалпакской АССР.

4. Выводы:

В народнохозяйственном разделении труда роль Каракалпакстана определяется, прежде всего, поливным земледелием и животноводством. И большинство промышленных предприятий республики призваны перерабатывать сельскохозяйственное сырье.

Тяжелыми оказались и экологические последствия хлопкового приоритета. Бесконтрольное использование вод Амударьи и Сырдарьи, среднегодовой сток последних в Аральское море с 42,9 кубокилометров в 1961-1970 гг. уменьшился до 4,2 кубокилометра в 1981-1984 гг. Это стало одной из главных причин трагедии Арала. Амударья в своем нижнем течении полностью высохла, а дельта ее превратилась в засоленную пустыню. Драгоценная в условиях аридной природной среды вода превратилась в экстенсивной нерыночной экономике почти в бесплатный ресурс. Тысячи ее кубометров, растекались по многочисленным ирригационным сооружениям, заливая хлопковые и рисовые поля, не столько орошая их, сколько покрывая коркой выпариваемой соли.

В широких масштабах в Каракалпакстане осуществлялась химизация земледелия. В Узбекистане значительно увеличилось производство минеральных удобрений, соответственно возросли их поставки сельскому хозяйству. Так, если в 1960 году колхоза и совхозы Каракалпакстана получили 172 тыс. тонн минеральных удобрений, то в 1970 году этот показатель дошел до 347 тыс. тонн [10, с. 17]. В погоне за хлопковым валом земля в огромных количествах насыщалась химикатами. Наряду с применением большой группы пестицидов, широко проводилась химическая дефолиация - предуборочное удаление листьев с хлопчатника для облегчения его механизированной уборки. Глубоко проникая в почву, дефолианты просачивались в грунтовые воды, заражали их.

Лихорадка «белого золота» уносила жизни людей, превращала их в обреченных заложников советской экстенсивной экономики.

Иқтибослар/Сноски/References:


1. Камалов К. Ел хызметинде. Еске түсириўлер. – 2-е изд. Нукус: Билим, 2018. (Kamalov K. At the service to people. Memories. - 2nd edition. Nukus: Bilim, 2018)
2. Рашидова Г.Ш., Камиллов Д.А. Шараф Рашидов. Портрет человека в эпохе и эпоха в человеке. – Ташкент: Тасвир, 2017. (Rashidova G.Sh., Kamilov D.A. Sharaf Rashidov. A portrait of a person in an era and an era in a person. - Tashkent: Tasvir, 2017)
3. ЦГА РК, ф. 229, оп.5, д.12, л.172. (Kk.Rep. SA fund-229, inventory-5, case-12, sheet-172)
4. ЦГА РК. ф.229, оп.4, д.95, л.11. (Kk.Rep. SA fund-229, inventory-4, case-95, sheet-11)
5. ЦГА РК, ф.229, оп.5, д.100, л.105. (Kk.Rep. SA fund-229, inventory-5, case-100, sheet-105)
6. Мойанов Ж. Ерди ели ардақласын. Ўзақберген Тилеўмуратов ҳаққинда. – Нөкис: Билим, 2020. (Moynov J. People's man honouring. About Uzaqbergen Tileumuratov. - Nukus: Bilim, 2020)
7. Шагилов И. Өткен күнлерди еслеймен. – Нөкис: Билим, 2012. (Shagilov I. Remembering the past days. - Nukus: Bilim, 2012)
8. МусиранхажыҚыйынбайулы. Өмиржолым. Ескетүсириўлер. – Нөкис: Карақалпақстан, 1998. (Musiran khazhi Kiyinbai uli. Lifepath. Memories. - Nukus: Karakalpakstan, 1998)
9. Шамамбетов Б. Аграрное развитие Республики Каракалпакстан в 1965-1985 гг.: опыт и проблемы. – Нукус: 2015. (Shamambetov B. Agrarian development of the Republic of Karakalpakstan in 1965-1985: experience and problems. - Nukus, 2015)
10. Сарыбаев М.К. Политика монокультуры советской власти в Каракалпакстане и ее последствия. 1917-1990 гг. – Ташкент: 2008. (Saribaev M.K. The monoculture policy of the Soviet regime in Karakalpakstan and its consequences. 1917-1990 - Tashkent, 2008).

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Зафарбек Абдуллаев,
Наманган давлат университети тадқиқотчиси

ТУРКИСТОНДА ҲОКИМИЯТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ: ЗИДДИЯТ ВА ЕЧИМЛАР

For citation: Zafarbek Abdullayev, GOVERNANCE IN TURKESTAN: CONFLICTS AND SOLUTIONS. Look to the past. 2020, vol. 11, issue 3, pp.33-38

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-11-5>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада 1917 йил октябрь тўнтаришидан сўнг совет ҳокимиятини ўрнатилиши, ҳеч қандай меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларсиз фаолият олиб борган қизил гвардиячилар ҳаракати, ҳокимият бошқаруви масаласида большевиклар томонидан туб аҳоли вакиллари, ерли халқнинг ҳуқуқ ва манфаатлари умуман ҳисобга олинмаганлиги, қабул қилинган меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда мусулмон аҳоли турмуш тарзи, анъаналари инobatга олинмаганлиги, боз устига ушбу меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар Марказ назоратига бўйсундирилганлиги ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: ҳуқуқий-меъерий ҳужжатлар, ҳуқуқий асос, мухторият, зиёли, Туркистон, тўсувчи отрядлар, совет ҳокимияти, марказ, ерли аҳоли, низом, ижтимоий-сиёсий жараёнлар, Турккомиссия, Конституция, аҳоли турмуш тарзи, бошқарув.

Зафарбек Абдуллаев,
научный сотрудник Наманганского
государственного университета

УПРАВЛЕНИЕ В ТУРКИСТАНЕ: КОНФЛИКТЫ И РЕШЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

В этой статье описывается установление Советской власти после переворота в октябре 1917 года, движение Красной гвардии без каких-либо нормативных правовых актов, игнорирование большевиками коренного народа, права и интересы коренных народов в правопорядке, уклад жизни и традиции мусульманского населения не учитывается, а также то, что эти правовые акты были подчинены Центру.

Ключевые слова: правовые документы, правовая база, интеллектуал, Туркистан, блокадные отряды, советская власть, центр, местное население, система, общественно-политические процессы, тюркская комиссия, Конституция, образ жизни, государственное управление.

Zafarbek Abdullayev,
researcher at Namangan State University

GOVERNANCE IN TURKESTAN: CONFLICTS AND SOLUTIONS

ABSTRACT

This article describes the establishment of Soviet power over the October 1917, the Red Guards movement without any normative legal acts, the Bolsheviks' disregard of the local people, the rights and interests of the indigenous people in the rule of law, the way of life and traditions of the Muslim populations is not taken into account, as well as the fact that these legal acts have been subordinated to the Center.

Index Terms: legal documents, authoritative, legal basis, intelligent, Turkistan, blocking detachments, Soviet authority, center, local population, system, social and political processes, Turkic Commission, constitution, lifestyle, governance.

1. Долзарблиги:

Большевиклар ҳокимиятни қўлга киритгунга қадар: тинчлик, сулҳ тузиш, ер, иш соатини қисқартириш, тенг ҳуқуқлилиқ, миллатлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ва яна бир қанча ваъдаларни берган бўлсада ... аслида ҳокимиятни қўлга киритгандан кейин бу ваъдаларни бажаришда бир мунча қийинчиликлар билан тўқнашди. Хусусан, биринчи навбатда ишлаб чиқаришни тўхтатмаслик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминот, бошқачароқ айтганда: аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш энг муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан бири бўлиб белгиланди. Аммо шуниси борки, ўн йиллар давомида чор Россияси қабул қилган меъёрий ҳужжатлар, буйруқ ва кўрсатмалар, йўриқномалар асосида, тизимли ишлаб келаётган ишлаб чиқариш, саноат, қишлоқ хўжалиги, амалда большевиклар ҳокимиятни қўлга киритгандан кейин издан чиқа бошлади. Айтиш мумкинки, 1917 йил октябрь тўнтаришидан кейин бошқарув тизими сиёсий тажрибага эга бўлмаган большевиклар қўлига ўтиб ... бошбошдоқлик вужудга келди.

2. Методлар:

Мақолада Туркистонда ҳокимият бошқарув тизими: зиддият ва ечимлар тарихийлик, кетма-кетлик, шунингдек ҳолислиқ тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, илмий жиҳатдан тадқиқ этилган.

3. Тадқиқот натижалари:

1917 йил феврал инқилоби натижасида чоризм тузумини ағдарилиши, собиқ империя мустамлакалари қатори Туркистон учун ҳам маълум бир умид уйғотди. Хусусан, кун тартибида “миллатларни ўз тақдирини ўзи белгилаш” борасида ҳуқуқий асослар яратиш муҳим аҳамият касб этди. Аслида, бу Туркистоннинг ерли аҳолиси учун “ўз тақдирини ўзи белгилаш” ҳуқуқини вужудга келтириш эди. Туркистон маҳаллий зиёлилари бу борада фаоллик кўрсатиб, 1917 йил 12-14 июлда Скобелевда бўлиб ўтган мусулмон ташкилотлари курултойида “Турк Адами Марказияти” партияси дастурий ҳужжатларини қабул қилгани билан муҳим аҳамият касб этади. Унинг асосий ҳужжати “Мухторият лойиҳаси” ни ишлаб чиқиш бўлди. Дастурда ҳуқуқий жиҳатдан туркий халқлар учун маданий –миллий мухторият берилиши талаб қилинди. Илк бор бошқарувнинг республика, парламент шакллари барпо этишга тарафдорлик эълон қилинди. Сайловлар умумий, тенг ва яширин овоз бериш орқали ўтказилиши, дин ишлари бўйича одилона назоратни амалга ошириш йўлида маҳсус “Маҳқамаи Шаръия” таъсис этиш, суд муассасаларини мустақиллиги, жазолар тизимини парламент томонидан чиқарилган қонунларга мувофиқ белгиланиши, маориф масаласи кўзда тутилди. Аммо, 1917 йилги октябрь тўнтариши, Туркистонда совет ҳокимиятини ўрнатилиши ўлкадаги миллий демократларни ўз олдиларига қўйган вазифаларни амалга оширишдаги тактикасига бир мунча ўзгартириш киритишига олиб келди. Хусусан, большевиклар томонидан Туркистонда ҳокимиятни ноқонуний равишда қўлга киритиши маҳаллий зиёлиларни шошилиш чоралар кўришига ундади[1].

Большевиклар 1917 йил ноябриданок, ҳокимиятни қўлга киритган дастлабки кунлариданок, йиллар давомида амалда бўлиб келган, қабул қилинган меъёрий-ҳужжатлар, кўрсатмаларни бир четга суриб, қизил гвардиячилардан ташкил топган, мол-мулкни давлат ҳисобига мусодара қилувчи “тўсувчи отрядлар” орқали қишлоққа йўл олишди. Бу ҳаракат, амалда ҳеч қандай ҳукукий-меъёрий асосларсиз, курулланган ҳолда қишлоқларга бориб, уйма-уй юришиб, аҳолидан озиқ-овқат маҳсулотларининг ортиқчасини тортиб олиш, мол-мулқидан фавқулодда солиқлар ундиришга қаратилган эди. Охир-оқибатда мусодара, “тўсувчи отрядлари” томонидан 1918 йилга қадар қишлоқларда олиб борилган ҳарбий-коммунистик сиёсат қизил гвардиячиларни тарқатиб юбориш билан тугади. Дастлабки пайтларда, оз муддат бўлса-да, фаолият олиб борган қизил гвардиячилар фаолияти, амалда ҳеч қандай меъёрий-ҳукукий ҳужжатларга таянмаган ҳолда олиб борилди. Бу ҳолат қишлоқ аҳолисини шаҳарликларга, ҳокимиятни қўлга киритган большевикларга нисбатан ишончсизликка, норозилик туйғуларни уйғотишга олиб келди[2].

Совет ҳокимияти дастлабки ойларданок ўз фаолиятида тажрибага эга эмаслиги, бошқарув тизимини шакллантириш, қишлоқ хўжалиги, саноат соҳасида, ҳарбий-сиёсий, кадрлар масаласида укувсизлигини “намоён қилиш” га ҳам улгурди. Бу “укувсизлик” нафақат амалий, балки назарий жиҳатдан, хусусан бошқарувда бошбошдоқликка, ҳукукий-меъёрий ҳужжатларга асосланмаганлиги билан ҳам кўзга ташланди.

Хусусан, Туркистонда большевиклар ҳокимият бошқаруви масаласида, шу ўлканинг туб аҳолиси вакиллариини четлатиш, ерли халқ манфаатларини ҳисобга олмаслик, бошқарувда асосий эътиборни синфийликка қаратиб, бу амалда қабул қилинаётган ҳукукий-меъёрий ҳужжатларда, қарорларда ҳам ўз аксини топди. Масалан, 1917 йил 15 ноябрда Тошкентда иш бошлаган ишчи ва солдат депутатларининг III ўлка съездидаги асосий масала бўлиб – ўлкада ва жойларда ҳокимият масаласи бўлди.

Съезд материаллари таҳлили шуни кўрсатадики, большевиклар, меньшевиклар, максималистлар, ўнг ва сўл эсерлар томонидан бошқарув масаласи қизгин муҳокама қилинган. Меньшевик ва ўнг эсерлар коалицион ҳукумат тарафдор бўлган бўлсалар, большевик ва сўл эсерлар Марказда қанақа ҳокимият тузилган бўлса..., яъни ишчилар устуворлигидаги ҳокимият тузиш тарафдори бўлдилар. Уларнинг фикрича, “социалистик инқилоб” ғалабаси ишчи, солдат, деҳқонлар билан чамбарчас боғлиқ бўлгани учун ... айнан улар ҳокимиятни бошқариши керак эди. Охир-оқибатда, қабул қилинган ҳужжатга кўра, ўлкани бошқариш масаласи европалик аҳоли вакилларидан иборат, асосан турли сиёсий партиялар томонидан ҳал қилиниб, амалда ўлканинг ерли аҳолиси бу масалада четда қолган. Ҳолбуки, ўлкадаги ерли аҳоли салмоғи умумий аҳолининг 10/9 қисмини ташкил қилар эди. Бу ҳам, аслида ерли аҳоли ҳукуқларини ҳисобга олинмаганидан далолат эди.

Съездда большевиклар ўз қарор лойиҳаларини ўтказишга муваффақ бўлиб, Туркистон Халқ Комиссарлар Кенгаши ташкил топди ва бу ҳукуматга ўлканинг мусулмонларидан жалб қилиш масаласи ..., уларни солдат, ишчи, деҳқонларга муносабати ноаниқлигидан келиб чиқиб, мақсадга мувофиқ эмас, - деб топилди. Бу амалда, большевикларнинг ерли аҳолига нисбатан менсимаслик билан ёндашуви ва уларнинг ҳукуқларини поймол қилиши эди[3].

Бундай ёндашувлар Туркистонда большевиклар бошқарувида кейинги йилларда ҳам давом этди.

Аммо, яна ўша 1917 йил ноябрига қайтиб, Қўқон шаҳрида 1917 йил 26-28 ноябрь кунлари Туркистон ўлка мусулмонларининг фавқулодда чақирилган IV курултойидаги ҳолат таҳлили ўзгача хулосалар қилишга асос бўлади. Хусусан, мазкур курултой ўтказилиши билан боғлиқ ва унинг қарорлари ўзининг ҳукукий асослари, миллийлиги ва демократик тамойилларга таянганлиги билан ажралиб туради. Масалан, Туркистон Мухториятининг 12 нафардан иборат Муваққат ҳукумати таркиби ичида нафақат ўзбек, балки қозоқ, татар, яҳудий миллатига мансублар ҳам бўлиб (8 нафари), қолган 4 та жой Туркистоннинг европалик – рус ва русийзабонларига ажратилган эди. Умуман, Туркистон Халқ Мажлиси таркиби 54 та деб белгиланиб, унинг 36 нафарини маҳаллий аҳоли вакиллари, 18 нафарини европалик аҳоли вакиллари эгаллаши мумкин деб белгиланди. Курултой тугагач, 1 декабрда

Туркистон Мухториятининг ҳукумат аъзолари (барча 8 нафар) имзолаган махсус Мурожаатнома эълон қилиниб, унда ўлкадаги барча аҳоли: ирки, миллати, диний эътиқоди, жинси, ёши ва сиёсий қарашларидан қатъий назар, улар яқдиллик ва ҳамжиҳатликка даъват этилди[4].

Юқорида келтирилган тарихий далиллар, Туркистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнлардан, хусусан ҳокимиятни қўлга киритиш ва унинг мақсад ҳамда вазифалари, қабул қилган ҳуқуқий ҳужжатлари – қарорларида турли ёндашувларидан далолат беради. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Туркистондаги бошқарув – ҳокимиятни қандай тартибда бўлишига Марказ бефарқ бўла олмасди... Марказ томонидан Туркистон Мухториятини қонга ботирилиши ҳам ... ерли аҳоли хоҳиш-истаклари билан ҳисоблашмаслик, ҳар қандай ҳуқуқий-меъёрий тартибларни менсимаслик билан тенг эди.

Асосий эътибор, большевиклар андозасига мос ҳокимият тузиш – Марказнинг хоҳиш иродаси эди. Шунинг учун ҳам 1918 йил 20 апрель-1 май кунлари Туркистон ўлкаси советларининг V қурултойи бўлиб, унда 30 апрель куни “Россияда Совет Федерацияси Туркистон совет автоном республикаси” ҳақида Низом қабул қилинди. “Низом” га, мувофиқ Туркистон республикаси автоном бошқарилиб, ўз хатти-ҳаракатларини Россия Совет Федерацияси марказий ҳукумати билан мувофиқлаштириши белгилаб қўйилди. Қабул қилинган “Низом”, мазмун - моҳиятига кўра Марказ манфаатларига мослаштирилган эди. Хусусан, Туркистон АССР ҳукумати фаолияти, қабул қилган қарор ва бошқа меъёрий ҳужжатларига кўра, Марказ хоҳиш-иродасини ифодалаб, амалда маҳаллий шарт-шароитни ҳисобга олмас эди. Масалан, Туркистон АССР ХКК нинг 1918 йил 18 июлидаги қарорига мувофиқ, ўлка ҳуқуқ халқ комиссарлиги таркибида қонун ишлаб чиқувчи коллегиял орган тузилиши керак эди. Коллегиял органда 5 нафар россиялик ҳуқуқшунослар, 3 нафар мусулмон ҳуқуқшунослари фаолият олиб бориши керак бўлган. Аммо ўлка ҳуқуқ халқ комиссарлиги ўз фаолиятига мусулмон ҳуқуқшуносларини жалб этмаган. Охир-оқибатда бу, яъни маҳаллий – мусулмон ҳуқуқшуносларини жалб этилмаганлиги, Туркистонда қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда мусулмон аҳолиси турмуш тарзи, анъаналарини ҳисобга олмасликка олиб келди. Хусусан, жойларда империя судлари бекор қилинган бўлса-да, амалда уларнинг номланишидагина “халқчилик руҳи” акс этиб, суд қилиш ва жазолаш ишлари яна ўша аввалги – амалдорлар қўлида қолаверган. Боз устига, Туркистон АССРда янги тартибда, маҳаллий шарт-шароит, менталитет, ишлаб чиқариш ва бошқаларни ҳисобга олинган, янги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилмай, ўша эски тартиб асосида иш олиб бориш, 1919 йил биринчи ярмида ҳам давом этаверган[5].

Туркистон бошқарув тизимидаги муаммолар қаторига, ўша пайтдаги саъй-ҳаракатлар замирини ташкил қилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни Марказ назоратига бўйсундирилгани, ерли аҳоли манфаатлари ҳисобга олинмагани, бошбошдоқлик ва энг асосийси қабул қилинган Низом, қарор, кўрсатма – меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳар томонлама талабларга жавоб бермаслиги эди. Бундай тартибда қабул қилинган, Туркистон манфаатларини тўла ҳисобга олмаган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ўлканинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, маданий-маърифий ҳаётида зиддиятли бўлган оқибатларга олиб келди. Хусусан, Туркистон бошқарув тизимида асосий эътиборни большевиклар инон-ихтиёрига қаратилиши ... охир-оқибатда ўлка сиёсий ҳаётида, ҳокимият бошқарув тизимида асосан Марказ манфаатларига қаратилди.

Марказ томонидан Туркистондаги бошқарув тизимида маҳаллий миллат вакилларини “ўз назорати” да тутиб туриш йўлида, ҳар қандай ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни четлаб ўтишгача борилган. Масалан, Туркистон аҳолисининг 95 фоизи маҳаллий миллат вакиллари бўлган ҳолда, ўлка марказий Ижроия Қўмитасининг 18 нафари большевиклар, 18 нафари эсерлар бўлиб, улардан атиги 5 нафари: Ҳ. Иброҳимов, С. Жўрабоев, А.Ш. Шарофутдинов, С. Юсупов, Қ.Қ Отабоевларгина маҳаллий миллат вакиллари эди. Айни пайтда 16 кишилик ХКК аъзоларидан атиги С. Турсунхўжаев, Ҳ. Иброҳимов, С. Ашурхўжаевлар маҳаллий миллатга мансуб эдилар. Бошқарувдаги бундай ҳолат, амалда большевиклар, рус ва

русийзабонлар ҳоҳлаган тартибни амалда бўлишига, қабул қилинадиган қарор ва ҳужжатларни Марказ манфаатларига қаратилишига олиб келди.

Туркистондаги бошқарув тизимида асосий ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, қабул қилинган Конституция муҳим аҳамият касб этган. Ўлкадаги барча ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар айнан мазкур Конституцияга таянишини ҳисобга олинса, ...Конституциянинг аҳамияти нечоғлик эканлиги кўзга ташланади. Маълумки, Туркистоннинг Асосий қонуни бўлган Конституция 1918 йил октябрида қабул қилинган. Мазкур Конституцияда илк бор Россия Федерацияси ва Туркистон республикаси ўртасидаги ҳуқуқ ва ваколатлар белгиланган бўлса-да, давлат томонидан миллатларга муносабати тўғрисида фикр билдирилмаган. Боз устига бу Асосий қонун рус тилида нашр қилиниб, шу ҳолатда халққа ҳавола қилинган. Туркистон аҳолисининг асосини маҳаллий миллатлар ташкил этган ҳолда ... уни фақат рус тилида чоп этилиши, амалда большевиклар ҳокимиятининг ерли аҳолини мавжуд Асосий қонундан беҳабар қолдиришга, аҳолининг ўз ҳақ-ҳуқуқи билан таништирмасликка қаратилган эди. Конституцияга мувофиқ, савдогарлар, тадбиркорлар, дин пешволари, тижоратчилар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан бутунлай маҳрум қилиниши – бу аҳолининг ҳуқуқларини оёқ ости қилиниши эди. Бундай тартиб орқали, қонун йўли билан Туркистонда кўплаб ижтимоий қатламларни давлатни идора қилишдан четлатиш жорий этилди. Маҳаллий аҳоли ҳақ-ҳуқуқларини поймол этилиши, тенг ҳуқуқли эмаслиги, ерли аҳолини мустақиллик учун курашга чорлади. Марказ бундан хавотирга тушиб, 1919 йил 8 октябрда маҳаллий аҳоли “истак-ҳоҳишларини” чеклаб туриш, Туркистондаги бошқарув тизимини Марказ назоратида “мустаҳкамлаш” йўлида, совет андозасига мослаштириш учун катта ваколатларга эга, РСФСР ҳукумати қарорига биноан Турккомиссия тузди. Мазкур комиссияга дастлаб В.Бокий, Ф.Голощекин, В.Куйбишев, Я.Рудзутак, М.Фрунзе, Ж.Элиавалардан иборат ўз фаолиятини бошлади. Турккомиссия ўз фаолияти давомида ҳар қандай ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни четлаб “Туркистонда совет ҳокимиятини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун астойдил ҳаракат қилдилар ... ўлкадаги бошқарув ва назорат ишларида ТуркМИК ва ХКС дан ҳам ҳукмрон позицияни эгаллади ...республиканинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган масалалар фақат Турккомиссиянинг ижозати ва йўл-йўриғи асосида амалга оширилди”[6].

Турккомиссия ўз фаолиятида ерли аҳоли манфаатларига эмас, ҳатто ўлка ХКК ва МИК га тегишли бўлган ваколатдан ҳам ортиқ иш олиб боргани, амалда ҳар қандай ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни четлаб ўтганлигидан далолат беради.

4.Хулоса:

Шундай қилиб айтиш мумкинки, совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Туркистонда ҳокимият бошқарув тизимини шаклланиши бир томонлама, яъни асосан Марказ манфаатларига бўйсундирилган. Ўлка аҳолиси манфаатлари ҳеч бир ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда акс этмаган. Асосий эътибор большевиклар сиёсатида қаратилиб, маҳаллий миллатни ижтимоий-сиёсий, ҳарбий-иқтисодий, маданий-маърифий манфаатларига қаратилган қарорлар, йўриқномалар, ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмаган. Туркистонда қабул қилинган барча ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, мазмун-моҳиятига кўра, маҳаллий аҳоли манфаатларига қаратилмай, асосан Марказ манфаатларига бўйсундирилган. Бу тартиб совет ҳокимиятининг кейинги йиллардаги фаолиятида ҳам устуворлик аҳамиятига молик бўлиб, турли зиддиятлар учун асос бўлди. Хусусан, бундай тартибда, яъни ҳуқуқий-меъёрий таянмаслик, борини ҳам четлаб ўтиш, асосий эътиборни Марказ манфаатларига бўйсундириш ҳолатлари аҳолини турли солиқларга тортишда (1920-1924 йй.), ўлкада иқтисодиётни, қишлоқ хўжалигини Россия тўқимачилик саноатига қаратишда, аҳолини озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда, маданий-маърифий эҳтиёжларини қондиришда, ўлкада 1924 йилги миллий давлат ҳудудий чегараланишни амалга оширишда ўз ифодасини топди.

Иқтибослар/ Сноски/ References:


1. Essays on the history of statehood of Uzbekistan. Tashkent, “Sharq”, 2001. – p.177-180.
2. “War Communizm”as it was. Moscow, “Znaniye”, № 6, 1991. – p. 55
3. Turkestan at the beginning of the 20th century: to the history of the origins of national independence. Tashkent, “Sharq”, 2000. –p.70-75
4. Eshov B. History of state and local government in Uzbekistan. Tashkent, “Yangiasravlodi”, 2012. –p. 466
5. Kamolov D.P. The history of the judicial system in the Turkish Autonomous Soviet Socialist Republic (1917-1924 yy.) Abstract. Thesis for the degree of candidate of historical sciences. Tashkent, 2008.–p.14-15.
6. Davlatova Sh. The role of national issues in the formation and development of governance in Uzbekistan (20 s of the XX century). Tashkent, “Navro`z”, 2016.-p.22-23

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Санжар Бектемирович Ахмедов,
Ўзбекистон Миллий университети,
“Манбашунослик ва архившунослик”
кафедраси таянч докторанти
e-mail: 9551819@gmail.com

АБДУРАЗЗОҚ САМАРҚАНДИЙНИНГ “МАТЛАИ САЪДАЙН ВА МАЖМАИ БАХРАЙН” АСАРИДА ТЕМУРИЙЛАРНИНГ МАДАНИЯТГА МУНОСАБАТИ ТАВСИФИ

For citation: Sanjar B. Akhmedov, DESCRIPTION OF THE ATTITUDE OF AMIR TIMUR AND TIMURID TO THE CULTURE IN CHRONICLE «MATLA AL-SADAYN WA-MAJMA AL-BAHRAYN» BY ABDURAZZAK SAMARKANDI. Look to the past. 2020, vol. 11, issue 3, pp.39-46

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-11-6>

АННОТАЦИЯ

Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи бахрайн” асари Темурийлар даврида содир бўлган воқеа-ходисаларни ёритишда қимматли манба ҳисобланади. Мақолада асарда келтирилган маданиятга доир маълумотлар ажратиб олиниб таҳлил қилинган. Унда Темурийларнинг маданий жараёнлардаги ўрни ва роли ўрганиб чиқилади. Асарни ўрганиб, асардан маданий соҳанинг қайси тармоғи бўйича маълумотлар олиш мумкин, ушбу маълумотлардан ҳаққоний тарихимизни ёритишда қандай фойдаланишимиз мумкинлиги ёритилади.

Калит сўзлар: Амир Темури, Темурийлар, Абдураззоқ Самарқандий, “Матлаи саъдайн ва мажмаи бахрайн”, Шохрух Мирзо, Улуғбек Мирзо, маданият, манбалар, шеърят, бадий ижод.

Санжар Бектемирович Ахмедов,
Базовый докторант кафедры
«Источниковедение и архивоведение»
Национального университета Узбекистана
e-mail: 9551819@gmail.com

ОПИСАНИЕ ОТНОШЕНИЯ АМИРА ТИМУРА И ТИМУРИДОВ К КУЛЬТУРЕ В ХРОНИКЕ «МАТЛАИ САДАЙН ВА МАДЖМАИ БАХРЕЙН» АБДУРАЗЗАКА САМАРКАНДИ

АННОТАЦИЯ

«Матлаи садайн ва маджмаи бахрейн» Абдураззака Самарқанди является ценным источником по освещению событий периода Тимуридов. В статье данные по культуре из книги были извлечены и проанализированы. В нем исследуется место и роль Тимуридов в

культурных процессах. Освещено в статье изучая «Матлаи садайн ва маджмаи бахрейн» какие информации по каким сферам культурных процессах мы можем получить и как мы можем использовать эту информацию для освещения нашей истинной истории.

Ключевые слова: Амир Тимур, Тимуриды, Абдураззак Самарканди, «Матлаи садайн ва маджмаи бахрейн», Шахрух, Улугбек, культура, источники, поэзия, художественное творчество.

Sanjar B. Akhmedov,
Basic doctoral student of the Department
of Source and Archival Studies of the
National University of Uzbekistan
e-mail: 9551819@gmail.com

DESCRIPTION OF THE ATTITUDE OF AMIR TIMUR AND TIMURID TO THE CULTURE IN CHRONICLE «MATLA AL-SADAYN WA-MAJMA AL-BAHRAYN» BY ABDURAZZAK SAMARKANDI

ABSTRACT

Abdurazzak Samarkandi's «Matla al-sadayn wa-majma al-bahrayn» is a valuable source for covering the events of the Timurid period. In the article, culture data from the book were extracted and analyzed. It examines the place and role of the Timurids in cultural processes. It is covered in the article studying "Matlai Sadain wa Majmai Bahrain" what information on what areas of cultural processes we can get and how we can use this information to illuminate our true history.

Key words: Amir Timur, Timurids, Abdurazzak Samarkandi, Matla al-sadayn wa-majma al-bahrayn», Shahrukh, Ulugbek, culture, sources, poetry, art creation.

1. Долзарблиги:

Истиклол йилларида Амир Темур ва темурийлар даврига оид манбаларни ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Бир қатор манбалар араб ва форс тилларидан таржима қилинди.

Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи бахрайн” асари темурийлар даври бўйича қимматли манба ҳисобланади. Унда темурийлар даврига оид кўплаб маълумотлар, жумладан, маданиятга доир манбалар ҳам кенг ўрин олган. Шу боисдан, Темур ва темурийлар даври маданий жараёнларини ўрганаётган ҳар қандай тадқиқотчи бу асарни четлаб ўта олмайди. Мустамлакачилик даврида ҳалқимизнинг кўплаб тарихий шахслари қораланиб, улар саводсиз, маданиятсиз ва ваҳшийга чиқарилган эди. Уларнинг қолдирган бунёдкорлик ишлари бир четга сурилиб, фақат қоралаш билан машғул бўлинди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, уларнинг сиймосини оқлаш, уларнинг хайрли ишларини ҳалқимизга етказиш муҳим долзарб масала ҳисобланди. Чунки, кўпчилик ўша бўхтон маълумотларга ишониб, уларни маданиятсиз ва саводсиз, деб ҳисоблашар эди.

Энди уларни ўрганиб ким аслида ким эканлигини билиб олишимиз мумкин. Ушбу асар темурийлар даврига оид энг муҳим манбалардан биридир. Унинг ўзбек тилига таржима қилинган қисмида Амир Темур вафотидан то Хусайн Бойқаро тахтга ўтирганининг бошларигача бўлган даврдаги (1405-1440 йй) Темурийлар давлати ҳудуди, айниқса, Хуросон ва Мовароуннаҳрда рўй берган асосий тарихий воқеалар солнома тарзида йилма-йил баён қилинган. [1] Абдураззоқ Самарқандий ўша даврдаги маданий ҳаёт ҳамда темурий ҳукмдор ва маликаларнинг бунёдкорлик фаолиятини тасвирлашга катта аҳамият берган. Шунингдек, темурийлар давлатининг Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар билан дипломатик алоқаларини тасвирлашга ҳам кенг аҳамият берган. Ўша давр маданий жараёнларини ҳодисаларнинг бевосита шоҳиди бўлган муаллиф томонидан ёзилган манбалардан ўрганиш маълумотларнинг ишончилигини таъминлайди.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақолада тарихийлик, тавсифий ва қиёсий таҳлил, хронологик тизимли таҳлил, комплекс ёндашиш, ҳолислик каби тадқиқот усуллари қўлланилди.

Мавзуга бевосита ёки қисман алоқадор бўлган тадқиқотларни асосан 5 гуруҳга тақсимлаш мумкин:

а) Асар муаллифи замондошлари асарлари; б) Россия империяси мустамлакачилиги даври; в) совет даври; г) мустақиллик даври; д) хорижда амалга оширилган тадқиқотлар.

Биринчи гуруҳ асар муаллифи замондошлари, яъни XIV-XVI асрларда яшаб ижод этган муаллифлар асарлари ҳисобланади. Улар Ҳофизи Абрунинг “Зубдат ат-таворихи Бойсунғурий” (1427 йилгача), араб тарихчиси Ибн Арабшоҳнинг Амир Темурга бағишланган “Ажойиб ал-мақдур фи-тарихи Таймур” (“Темур тарихида тақдир ажойиботлари”, 1436 йили ёзилган), Фасиҳ Аҳмад ибн Хавофийнинг “Мужмали Фасиҳий” (1441 йилда ёзилган), Мирзо Улуғбекнинг “Тарихи арбаъ улус”, Муиниддин Исфизорийнинг Ҳирот шаҳрининг 875/1470-1471 йилгача тарихи ва топографияси акс этган “Равзат ул-жанноти фий авсофи мадинати Ҳирот”, Муҳаммад ибн Ховандшоҳ Мирхонднинг “Равзат ас-сафо” (умумий тарихга оид асар, етти жилддан иборат, олтинчи ва еттинчи жилдларда Амир Темур ва Темурийлар салтанати тарихи берилган, 1467 йилдан то 1523 йилгача воқеалар тарихчининг набираси Хондамир томонидан ёзилган), Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” (952/1546 йили ёзиб тугалланган, Марказий Осиёнинг XV–XVI аср биринчи чораги тарихи анча мукамал) асарларида қайд этилган. Иккинчи гуруҳ Россия империяси ҳукмронлиги даврида Амир Темур ва Темурийлар тарихи бўйича асосан В.В.Бартольд тадқиқот олиб боган. Чунончи, у ўз тадқиқотларида асосий эътиборни Амир Темур ва Улуғбек Мирзо даврига қаратиб, Соҳибқироннинг ҳокимиятга келиши, ҳукмронлик даври, унинг вафотидан кейинги йилларда салтанатдаги сиёсий аҳвол, Шоҳрух Мирзонинг Самарқанд тахтини эгаллаши ва у ерга ўғли Улуғбек Мирзони ҳоким сифатида тайинлаши каби масалалар изчиллик билан ўрганган. Шунингдек, тадқиқотчи Улуғбек Мирзо шахси, унинг ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳрдаги ички ва ташқи сиёсат, мазкур аллома вафотидан кейинги даврларда минтақадаги янги сиёсий вазият ҳақида тўхталиб ўтган.

Учинчи гуруҳ совет даври адабиётларини ўз ичига олади. Маълумки, совет тарихшунослиги ўтмишимизга бир томонлама қараб, сиёсий мафкуравий андозаларга мос келадиган тарихни одамлар онгига сингдиришга ҳаракат қилиб келган. Жумладан, собиқ совет даврида Темурийлар даври билан махсус шуғулланган шарқшунослардан бири А.А.Семёнов бўлиб, бу тадқиқотчи томонидан нашр этилган «Надписи на надгробиях Тимура и его потомков в Гури-Эмире» номли асарда асосий сўз Гўри Амир мақбарасидаги қабр тош ёзувлари ҳақида борган. Темурийлар даври тарихи нисбатан муфассал ёритилган Б.Д.Греков ва А.Ю.Якубовскийлар қаламига мансуб «Олтин Ўрда ва унинг қулаши» номли тадқиқот асосан, Олтин Ўрда давлати тарихига бағишланган бўлиб, уч қисмга ажратилган ҳолда тадқиқ этилган. Собиқ совет даврида Темурийлар тарихига доир тадқиқотларнинг бир қисми ўзбекистонлик олимлар ҳиссасига тўғри келади. Жумладан, Т.Н.Қори-Ниёзий «Астрономическая школа Улуғбека» номли асарида асосан, Улуғбек Мирзонинг илмий мероси устида баҳс юритган. Шунингдек, мамлакатимизнинг йирик темуршунос олимларидан бири Б.А.Аҳмедов, Темурийлар тарихига доир кўплаб илмий асарлар нашр қилган таниқли шарқшунос олим А.Ўринбоев, Темурийлар даври манбаларини тадқиқ қилган таниқли шарқшунос Д.Ю.Юсуповалар илмий ишлари диққатга сазовордир.

Тўртинчи гуруҳ мустақиллик даврида амалга оширилган тадқиқотларини ўз ичига олади. Шоҳрух Мирзо даври Темурийлар тарихи бўйича тадқиқотларнинг салмоқли қисмини мамлакатимизда амалга оширилган ишлар ташкил этади. Хусусан, Б.А.Аҳмедов, А.Аҳмедов, Т.Файзиев, А.Зиё, О.Бўриев, Н.Каримова, Ш.Ўлжаева ва бошқаларнинг тадқиқотларида, шунингдек, А.Ўринбоев ва Д.Ю.Юсуповалар томонидан амалга оширилган бир қатор тарихий манбаларнинг таржималарида маълумотлар илмий жамоатчиликка тақдим этилган.

Бешинчи гуруҳ хорижда нашр этилган адабиётларни ўз ичига олади. Шунини таъкидлаш ўринлики, жаҳон тарихшунослигида Амир Темур ва Темурийлар даври тарихини тадқиқ этиш хорижлик олимларнинг алоҳида диққат-эътиборини тортиб келади.

Юқорида қайд этилган олимлар ўз изланишларида асарнинг турли маълумотларидан фодаланган бўлиб, “Маътлаи саъдайн”да келтирилган маданий жараёнларга оид маълумотлар алоҳида туркумлаштирилиб яхлит ҳолда тадқиқот объекти бўлмаган.

3.Тадқиқот натижалари:

Асарнинг айрим масалалар бўйича қисмлари Европа тилларига ҳам таржима қилинган. Таржималар орасида энг диққатга сазоворлиси француз шарқшуноси Картмернинг 1843 йили Парижда нашр этилган ишидир. Унда Амир Темурнинг кенжа ўғли Шохрух хукмронлик даври (1405-1447) дан дастлабки ўн уч йили (1405-1417) га оид тарихий маълумотлар форс тилидан француз тилига таржима қилинган ҳамда таржима сўнггида Абдураззоқ Самарқандийнинг 1442-1444 йиллардаги Ҳиндистон сафарномасини ҳам французча таржимаси ва форсча матнини илова қилган. Бироқ, бу таржималар асарнинг бирор жилдини ҳам қамрамайди. Бу қимматли асарни 1969 йилда Тошкентда иккинчи жилдидан биринчи қисми, яъни 1405, 1428-1429 йиллар воқеаларини ўз ичига олган боблари атоқли шарқшунос олим, тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Асомиддин Ўринбоев томонидан ўзбек тилида китоб тарзида нашр этилган. Бу қисмдаги 1405-1427 йиллар воқеаларини Абдураззоқ Самарқандий ўзидан олдин ёзилган тарихий асарлардан, хусусан, “Зубдат ут таворихи Бойсуғурий” дан фойдаланиб ёзган. Бундан кейинги нашр этилган қисм 1429-1470 йиллар воқеалари бўлиб, муаллифнинг ўзи бевосита иштирокчи ёки замондош бўлгани ҳамда тарихий асар ёзишдан илгари қаламга олиб юрган воқеалари баёнидир. 2008 йили, Асомиддин Ўринбоев бу воқеаларни қамраб олган таржимани янги кўринишдаги китобини нашр эттирди. [1]

АмирТемур ва унинг авлодлари маданият, илм-фан ривожига жуда катта ҳисса қўшишган. Уларнинг даврида барпо бўлган меъморий обидалар ҳалигача ўз салобати, кўркемлиги билан кишиларни ҳайратга солиб келмоқда. Улар доимий жангу жадаллар, уруш майдонларида бўлишларига қарамай илм-фанга ҳомийлик қилишни унутишмаган ва ўзлари ҳам ижод қилиб, гўзал ғазаллар ёзишгани ўша давр манбаларида ёзиб қолдирилган. Жумладан, Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн” асари бунга мисол бўлади. Бундан ташқари Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асарида жуда кўп Темурийларнинг ижодларидан намуналар келтирилган ва ўша давр олиму фузалолари ҳақида маълумотлар бор. Темурийларнинг хукмронлиги тарихини ёритувчи кўпгина асарлар сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий жараёнлар қаторида маданий жараёнлар ҳам ёритилган. Масалан, Ҳофизу Абрунинг “Зубдат ут-таворихи Бойсунғурий”, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”, Алишер Навоий, Хондамир ва Мирхонд асарлари ва бошқалар.

“Матлаи саъдайн”да Амир Темур ҳақида маълумотлар жуда кам. Чунки, бу асар ундан кейинги шаҳзодалар тарихини ёритишга мўлжалланган. Лекин, асарнинг турли қисмларида айрим маълумотлар учрайди. Бизга маълумки, Амир Темур кўп давлатлардан олимларни, хунармандларни Самарқандга жалб қилган. Бунга доир маълумот асарда мавжуд бўлиб, Сайид Шарифуддин Али Журжоний Амир Темур буйруғига биноан Самарқандга келган ва илм-фан ривожига хисса қўшган.

Биргина шу маълумот ҳам унинг илм аҳлларини ҳурмат қилиши ҳақидаги бошқа маълумотларни тўғрилигини исботлайди. Асосан унинг маданий ишлари кўпроқ бошқа асарларда кенгроқ ёритилган. Масалан, Ибн Арабшоҳ асарида ҳам бундай маълумотлар учрайди. Темур олимларга меҳрибон бўлиб, саййиду маъруфларни ўзига яқин тутарди. Уламолар ва фозилларга тўла-тўқис сурат кўрсатиб, уларни ҳар қандай кимсадан батамом мукаддам кўрар эди...

АмирТемур ҳар қандай ҳунар ва касб бўлмасин, агар унда бирон фазилат бўлса, шу касб эгаларига ғоятда меҳр қўйган эди.[2]

Темурийлар даврида кўплаб олимлар, хунармандлар Самарқандга кела бошлаган. Амир Темур Самарқандни ривожлантириш мақсадида дунёнинг кўплаб жойларидан хунармандларни олиб келган.[3] Темурнинг илм-фанга бўлган эътибори фарзандлари даврида ҳам давом этиб ривожланди. Хусусан, ундан кейин давлатни бошқарган Шохрух

Мирзо даври. Асарда Шоҳрух Мирзонинг фаолиятига кенг ўрин берилган ва муаллиф унинг хизматида бўлган. Шоҳрухнинг маданий ишларига оид маълумотлар бошқа асарларда ҳам учрайди. Масалан, Алишер Навоий асарларида. Темурий ҳукмдор Шоҳрух даврида илм-фан ривож топди. Самарқанд, Ҳирот ва Марвда бир қанча бино, истеҳком ва иншоотлар қурилди. “Мажолис ун-нафоис” асарининг еттинчи мажлисида у ҳақида маълумот келтирилган. “Ҳоқони Саъид Шоҳрух Мирзо ким, авлоди ва аждод орасида соҳибқирон отасининг қойим мақоми бўлди. Ҳам назмга машғуллуқ қилмас эрди, аммо ҳўб байтлар ва яхши сўзлар кўп ул ҳазратдин воқеъ бўлур эрди. Муни ҳам бир нақл била ихтисор қилинур. Бу фақиру ҳақир Бобур Султон муборак тилидан мундоқ эшиттимким, бир мажлисда акобир сари боқиб Шоҳрух Мирзодин нақл қилдиларким, устод Қивомиддин меъморға бир иморат жихатидан эътироз қилиб бир йил мулозиматдин маҳрум экандур. Йил бошида тақвими истихроҷ қилиб бу васила била шояд Мирзонинг муборак дийдорини кўра олғаймен деб эшикка келиб, они сурур кўргузуб тақвимни арз қилиб турур эрди.

Мирзо табассум қилиб бу байтни ўқубтурларким:

Ту кори заминро нақз сохти,

Ки, бо осмон низ пардохти.

Анингдек отадин мундоқ уғул ҳеч ажаб эмас”. [4] Бу маълумотлардан англаш мумкинки, Шоҳрух отаси Амир Темурнинг яхши фазилатларини давом эттиришда яхши ўрнак бўларли ишлар қилган. Бундан ташқари яхши шеърлар ёзган ва ширин суҳан киши бўлган. У бир иншоатни яхши қурмагани учун меъморни жазоламаган, балки нозик сўз ўйини билан унга керакли танбеҳ бериб унинг хатосинишу йўл билан тушунтирган. Бу маълумотлар одамлар орасида нақл қилинган ва Навоий буни Бобурдан эшитганлигини таъкидлаган. Бундай ҳозиржавоблик ва топқирликдан билиш мумкинки, у адабиёт шайдоси бўлган ва истеъдодли кишиларни доим қўллаб турган. “Матлаи саъдайн”нинг кўп қисми Шоҳрух даврига тўғри келади ва шу воқеалар шарҳини ёзар экан барча ҳайрли ишларини қайд қилиб юрган. Илм аҳлига қилган мурувватлари ва улар ҳатто вафот этган бўлсада уларнинг авлодларига кўплаб ёрдамлар бериб туриш билан бир қаторда, уларнинг қабрларини ободонлаштириш ва мақбаралар қуриб уларнинг чексиз ҳурматига сазовар бўлган. Шоҳрух даврида Ҳирот маданий марказга айланди. Унинг даврида кўплаб олимлар, рассомлар, тарихчилар Ҳиротда яшаб ижод қилишди. Шоҳрух даврида Ҳирот маданий марказга айланди. Унинг ташаббуси билан мадраса ва ҳонақоҳлар қурилди. Бу иншоотлар қурилгач, Ҳирот жуда ривожланди. Асарда ёзилишича, Румдан Чингача бўлган жойларда Ҳиротчалик маданият, илм-фан ривожланган мамлакат йўқ эди. Шу йили, яъни саккиз юз ўн учинчи (1410-1411) йили, бу икки мўъжизали муассаса қуриб битказилиши шарафига ва камол чегарасига етди ва шундан бери ер юзида, Рум сарҳадидан токи Чиннинг энг йироқ ерларигача ҳеч бир ерда дарс ўқиш ва фатво ўрганиш учун бу икки иморат латофатига эга бўлган бирор мавзе ва унинг тароватига ўхшаш бирор мавқени кўрсата олмайдилар. Диннинг асослари ва шаҳобчаларини тушунтирувчи фанларга оид ҳамда ақл билан етиладиган ва қонуний масалаларни ўз ичига олган китобларнинг аслларини сандиқларга солиб тахту муҳайё қилинган, атоқли уламоларнинг ҳар бирини бир гуруҳ кишиларга дарс беришга ва хосу омга тушунтиришлар ўтказишга тайинлаб қўйилган ва уларнинг тақвоси чашмасию жавоб фатволари билан дин чамани серсув ва гуллаб яшнаган, зийрак талабалар ва таҳсил аҳли оятдаги савдо-сотик ишлари у кишиларни Оллоҳнинг зикрини айтишдан чалғита олмайди деган сўзлар мазмунига мойил. [1] Мадрасаларга мударрисликка тайинланадиган кишиларни унинг шахсан ўзи имтиҳон қилиб, кейин тайинланарди. Мадраса ва бошқа шунга ўхшаш муассасаларнинг очилиш маросимларида иштирок этар, масъулларни синовдан ўтказар эди. Шоҳрух Мирзо Гавҳаршод бегим қурдирган мадрасанинг очилишида ҳам иштирок этиб, у ерда ҳам тайинланиши лозим бўлган масъул кишиларни синовдан ўтказди. У ерга тайинланган Шайх Шаҳобиддин ал-Бистомийнинг қироатларига эътибор бериб, ундан камчилик топади ва уни дархол Шамсиддин Муҳаммад ибн Авҳадга алмаштиради. Бундан кўришиб турибдики темурийлар бундай соҳаларга муносиб кишилар тайинланишига катта эътибор берган. Шунчаки олимларни тайинлаб қўймаган. “Матлаи саъдайн” муаллифи ҳам

бир неча бор бундай синовлардан ўтганлиги ҳақида асарда маълумотлар бор. Унинг маданий жараёнларга бўлган эътибори асарда унинг вафоти билан боғлиқ қисмда ёритилган. У ерда ёзилишича, унинг диний илмларга жуда қизиқиши таъкидланади. У диний илмлар бўйича баҳслашишлар уюштирган, тафсир, ҳадис, фикҳ ва тарих китобларини қироат қилиш билан машғул бўлган. Унинг даврида ҳар-хил ёмон одатлар: хотинбозлик, қуморбозлик ва ғайри шаръий машғулотлар анча камайиб кетганлиги асардан бизга маълум бўлади. Шохрух жуда катта бой кутубхона ташкил қилган. У кутубхонадан кўпчилик фойдаланишган. Жумладан, унинг кутубхонасидан Миср элчилари ҳам фойдаланиш истагини билдиради. Бу элчиларнинг истагини Шохрух тўла қондириб, уларга истаган асарларини нусхасини ёздириб берган.

Шохрух ўзи илм-фан, дин ва санъат ҳомийси бўлгани баробарида фарзандларини ҳам бундай ишларга жалб қилган. Бунга доир маълумотлар асарда кўп келтирилган. Маълумотларни унинг фарзандларига қилган панд-насихатлари мазмунидан олиш мумкин. Панд-насихатлар фарзандига бирор жойни идора қилишни топшириш чоғида қилинган бўлиб, уларни Абдураззоқ Самарқандий ўз асарига киритган. Хуросон вилоятига киргач, болаларингизни хурматланглар ва уларни яхши тарбияланглар, деган ҳадисга мувофиқ, Тус, Хабушон, Калот, Бовард, Нисо, Ёзир, Сабзавор ва Нишопур вилоятини шоҳлик осмонининг юлдузи, Оллоҳ лутфининг сояси, давлат ва диннинг кўмакчиси Мирзо Улуғбек кўрагонга топширди ҳамда унга шаҳарлару инсонлар борасида адолатли ва раҳм-шафқатли бўлиш юзасидан таълим берди. Сўнг доруссалтана Ҳиротга жўнашга жазм қилинди. [1] Бунга ўхшаш насихатлар Туркистон ва Мовароуннаҳрни Улуғбекка топшириш пайтида ҳам қилинган бўлиб, унда илм-фан, диний илмлар ривожига эътибор қаратишини насихат қилади. Диний масалалар бўйича доимо илмий ёндашувини уқдириб, низоларда Марғинонийнинг асарларидан фойдаланишни маслаҳат беради. Ҳазрат хоқони сайд Мовароуннаҳр ва Туркистон мамлакати вилоятини саодатли фарзанд, руҳ роҳатию дил қуввати, кўз нурию дин кўмакчиси Мирзо Улуғбек кўрагонга бағишлади. Бу бахтли фарзанд гарчи адолат усулларини адо этиш ва сиёсат ҳукмларини юргизиш бобида ҳеч бир кўзғотишу кизиқтириш, тушунтиришу рағбатлантиришларга муҳтож бўлмаса ҳам, онҳазрат оталик шафқати юзасидан подшоҳона илтифот билан насихат сўзлади: “Ҳақ таоло бу буюк инъом ва улуг марҳаматни бизга ато қилди; яроғ-аслаҳамизнинг ожизлиги ва ҳолатимизнинг нуқсонлилигига қарамай бизни танлаш назари билан тақдирлаб, фармонимизни олам мамлакатлари узра жорий қилди. Энди давлат ва подшоҳлик қадрини билиб, илоҳий неъмат шукрини бажо келтиргин ҳамда инсоф ва адолат эшикларини ҳожатмандлар юзига очик тутгин, барча ишларда Ё Довуд! биз сени ерда халифа қилиб тайин этдик, энди сен одамлар орасида ҳаққоний ҳукм юрит! деган сўзларга мувофиқ амал қилгин, Оллоҳ ўз саломини йўллагур пайғамбар варасалари бўлмиш уламоларни эҳтиром кўзи тагига олиб, инъом назари билан мамнун туггин, диний можаролар бўйича иш кўрганда уларнинг фатвосини четлаб ўтмагин, “Ҳидоя”нинг муаллифи деб машҳур бўлган миллату диннинг далили шайхулислом Абдулжалил ал-Марғинонийнинг атоқли ва олий мақом хонадонига нисбатан иззат-эҳтиромда бўлиб, у кишининг авлод-аждодларидан тортиб ислом машойихлари ва замона йўлбошчилари бўлиб келаётган фарзандларини ҳаммадан юқори қўйиб, барча ҳолларда уларнинг шаън-шавкати мулоҳазасига риоя қилгин, қозилар қўлини шариат ҳукмлари ижросида бақувват тутгин, олам ободонлигининг сабаби ва одамзод ризкининг воситаси бўлмиш деҳқонларни зулму адолатсизликдан ҳимоя қилиб, адлу инсоф билан яқин қилгин, давлат чегараларининг нигоҳбонлари ва мамлакат ичкарисининг қўриқчилари бўлган лашкарлар тоифасини очик юзлик ва хушмуомалалик билан ўзинга муте ва итоаткор қилиб, уларнинг ёлланма ҳақлари ва маошларини белгиланган вақтда тўла етказиб тургин, жонсипорлик шартларини бажаришда тегишлича жидду жаҳд кўрсатганларга инъомни оширгин ва баъзи ташлаб қочувчилар йўлини тутганларга саза бериб жазолагин; хулласи барча ҳолларда ишнинг яхшиси миёнаси деган ҳадисга амал қилиб ҳаддан ортиқ ёки керагидан оз чора кўришдан эҳтиёт бўлгин, чегараларга иш кўрган ва тирикликнинг аччиқ-чучугини татиган кишиларни тайин қилиб, у ерлар қалъаларининг мустаҳкамлиги борасида зарурий чораларни кўргин”. [1]

Асарда Мирзо Улуғбек фаолияти жуда кенг ёритилган. Айниқса, унинг илм-фан, дин ва санъат бўйича қилган ишларига кўпроқ диққат қаратилган. Улуғбек бобоси ва отасининг таълим-тарбиясини олиб ўсган, унга айниқса, бобоси кўп эътибор қаратган. Темур фарзандларининг кўпидан эрта ажралди ва бутун диққатини набирларининг тарбиясига қаратди. Уларни машхур олиму фузалолар кўлига таҳсил олишлари учун берди ва уларга барча шароитларни яратиб берди. [5] Мирзо Улуғбек Шохрухнинг тўнғич ўғли бўлиб, онаси Гавҳаршод нуфузли қипчоқ амирларидан Ғиёсиддиннинг қизи эди. Темур саройида ҳукм сурган анъанага кўра шаҳзодани Темурнинг катта хотини Сароймулкxonим тарбиясига топширди. Улуғбекнинг болалик йиллари ҳақида яна шуни ҳам айтиш керакки, у ҳамиша бобосининг диққат эътиборига сазавор бўлди. Темур бутун муҳаббатини зийрак, ҳамма нарсани билишга ҳаракат қилган набирасига қаратади ва унинг тарбиясига зўр эътибор берди. Улуғбекни билимдон ва тажрибали мураббийлар тарбиялаб, хат-савод чиқардилар, диний ва дунёвий илмларнинг асоси билан таништирдилар. Бир қатор манбаларда келтирилишича, 1397-98 йилиёқ келажакда катта шоир ва олим бўлиб етишган шайх Ориф Озарий Улуғбекнинг мураббийси қилиб тайинланган эди. Улуғбек жуда ёш бўлишига қарамай, давлат кенгашларига, масъул қабул маросимларига ҳам киритилар ва ҳамиша бобосининг чап томонида ўтирар эди. Демак, Темур бу набирасини давлат ишларини бошқаришга ҳам тайёрлаб борган. Бу эътиборлардан яхши фойдаланган Улуғбек буюк олим бўлиб етишди. Илм-фан, маданият ривожига Мирзо Улуғбек жуда катта ҳисса қўшди. Асарда унинг хислатлари баён қилинган. Унинг бу борадаги қилган ишлари кўп жойларда унинг хислатлари тарзида ёзилган. Асарда Мирзо Улуғбек илм-фан аҳлларига эътибор кўрсатишда жаҳон подшоҳларининг устуниси эди, дейилади. Мирзо Улуғбекнинг фазилатларига яна тўхталар экан муаллиф унинг билим тармоқлари бўйича маъруф, турли-туман илмларни фахмлаб олиши, расадхона қурилиши ишлари ҳақида маълумотлар келтирилган. [1] Улуғбек даврида ҳали Темур даврида бошланган Шохизинда иншооти қурилиши ишлари тугатилади. Унинг саройида форсий ва эски ўзбек тилларида асарлар ёзган кўплаб олимлар бошпана топишди. Улуғбек жуда зўр саркарда бўлмаса ҳам, илм-фан, санъат ҳомийси сифатида машхур эди. Самарқанд Улуғбек даврида гуллаб яшнади. Улуғбек ўз саройига кўплаб олимларни жалб қилди. Ўзи астронимик кузатишлар олиб борди ва жадвал тузди. Уни олимлар ўз замонасининг Аристотели деб аташган. [6] Улуғбек ташкил этган бой кутубхонада турли фанларга оид 15000 дан ортиқ томли китоб бўлган. Унинг даврида оғзаки адабиёт, каллиграфия, шеърят ривож топди. Улуғбекнинг ўғли бизга падаркуш номи билан маълум бўлган Абдуллатиф ҳам илм-фанга, маданиятга эътибори баланд бўлган. Асарда у ҳақида ҳам маълумотлар бор бўлиб, унинг тарих, шеърят, нужум ва диний илмларда қобилияти бўлганлиги таъкидланган. Илм аҳлига кўрсатган меҳрибонликлари ҳам қайд этилган. “Матлаи саъдайн”да Бойсунғур Мирзо фаолиятига ҳам тўхталади. У маълумотлардан маълум бўлишича Мирзо Бойсунғур ҳам илм-фан, маданиятга эътибор қаратган. Асарда у ҳақда гап кетар экан, у доим илмли, комил кишилар суҳбатида бўлишни яхши кўрар эди, дейилади. Унинг хунармандларга кўрсатаётган меҳрибонликлари бутун дунёга овоза бўлади ва илм, хунар ва санъат аҳллари ўз хоҳишларига кўра унинг ҳузурига кела бошлайди. Унинг ўзи Шамсуддин ал-Ҳеравийни яхши тарбия қилади. Натижада у кўплаб асарлар муаллифига айланади. Бойсунғур Мирзо отаси Шохрух билан бир қаторда туриб давлатни бошқаришга кўмак берган ва кўп файласуфлар, хаттотлар ва олимлар ижод қиладиган кутубхона барпо қилдиради.

Асарда Султон Иброҳим ҳақида ҳам маълумотлар бор бўлиб, унинг ҳам илм аҳлларига кўрсатган меҳрибонликлари ҳақида сўз юритлади. Унинг ҳомийлиги остида Шарафуддин Али ал-Яздийнинг “Зафарнома” асари ёзилганлиги ҳақида асарда маълумот келтирилган.

Муҳаммад Султон Самарқандда бекларнинг ва жангчиларнинг болалари қуръондан таълим олиши учун мадраса қурдиргани [5] ҳақида бошқа манбалар гувоҳлик беради, аммо “Матлаи саъдайн” да у ҳақида маълумотлар қайд қилинмаган.

Мирзо Абулқосим Бобурнинг ҳам маданий жараёнлардаги фаолиятига доир маълумотлар мавжуд. Унинг Али Яздий билан қилган суҳбати ва унда муаллифнинг ҳам

иштирок этганлиги қайд қилинган. Унинг ҳислатлари ҳақида ёзар экан, у доимо илм аҳлларига илтифот кўрсатиб, илм-фан баҳсларини уюштиришни яхши кўрар эди дейилган. Бу баҳсларда ким нима билса ўртага ташлаган ва у масала муҳокама қилиниб ҳал қилинган. Темурий шахзодалар билан бир қаторда маликалар ҳам маданий ишларга ўз ҳиссаларини кўшишган ва бу асарда маълумотлар келтирилган. Хусусан, Гавҳаршод оғонинг қилган меъморий ишлари ва илм-фанга қилган ҳомийликлари ҳақида билиб олишимиз мумкин.

4.Хулосалар:

Ҳар бир давлат, миллат ривожланиш йўлидан борар экан, ўтмишга назар солмай иложи йўқ. Жаҳонга бўй чўзаётган давлатимиз ўзининг салоҳиятини кўрсатиш учун қадимда ўтган боболаримизнинг қилган буюк ишларини эслаб, уларни авваламбор ўзимиз яхши ўрганган ҳолда иш юритишимиз шартдир. Мамлакатимиз раҳбарининг бу борадаги ҳаракатлари, давлат сиёсати даражасига кўтарилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Амир Темур ва темурийлар улкан салтанат барпо қилишган. Улар кўл остидаги давлатларда фақат босқинчилик, бузғунчилик ишларини олиб борганми ёки маданият ривожига ўзларининг ҳиссаларини кўшишганми? Бу масалалар биз тарихчи манбашуносларнинг олдида турган вазифа бўлиб, тарихий фактларни асл манбалардан топиб оммага етказиш устуворлик касб этади.

Соҳибқиръон ва унинг авлодлари улкан бунёдкорлик ишларини, илм фанга ҳомийлик ишларини ўзларининг асосий севимли ишлари қаторида кўришган. Уларнинг ишлари ҳозирда бизнинг фаҳримиз ҳисобланади. Мазкур манбада келтирилган маълумотлар ва бизгача етиб келган моддий ёдгорликлар буни тасдиқлайди.

Иқтибослар/ Сноски/References:


1. Самарқандий Абдуразоқ. Матлаи саъдайн ва мажмаъи баҳрайн. II Жилд. 1 қисм. 1405-1429 йил воқеалари / Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳли луғатлар муаллифи А. Ўринбоев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 632 б.
2. Самарқандий Абдуразоқ. Матлаи саъдайн ва мажмаъи баҳрайн. II Жилд. 2-3 қисмлар. 1429-1470 йил воқеалари / Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳли луғатлар муаллифи А. Ўринбоев. Географик номлар ихोҳли кўрсаткичи О. Бўриев. Тарихий шахс, воқеа ва атамаларга изоҳ беришда Ғ. Каримов ва Э. Миркомилловлар иштирок этишган. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 832 б.
3. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари) / Таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи У. Уватов. Масъул муҳаррир А. Ўринбоев. – Тошкент: Меҳнат, 1992. 1-китоб. – 328 б.; 2-китоб. – 192 б.
4. Якубовский А.Ю. Самарканд при Тимуре и тимуридах. – Л.: Изд. Гос.Эрмитажа, 1933. –С. 20.
5. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 13-жилд. Мажолис ун нафоис. Т.: Фан, 1997. Б. 164.
6. Массон М.Е. Мавзолей Гур Эмир. Т.: Средазкомстарис, 1926. –С. 2.
7. Бартольд В.В. Сочинения. Т. 1. Часть 1. М.: Наука, 1963. –С. 161.

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Лайло Машрабовна Бегимкулова,
Фарғона вилояти халқ таълим ходимларини
қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш
худудий марказ ФВХТХҚТУМОХМ ўқитувчи

АМИР ТЕМУР ВАФОТИНИНГ ДАСТЛАБКИ КУНЛАРДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДА ШАЙХ НУРИДДИН ВА ШОҲМАЛИКЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

For citation: Laylo M. Begimkulova, THE ROLE OF SHAIKH NURIDDIN AND SHOKHMALIK IN THE POLITICAL PROCESSES THAT TOOK PLACE IN THE FIRST DAYS AFTER THE DEATH OF AMIR TEMUR. Look to the past. 2020, vol. 11, issue 3, pp.47-54

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-11-7>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллиф Амир Темур вафотидан кейинги дастлабки кунлардаги сиёсий жараёнларда йирик амирлар Шайх Нуриддин ва Шоҳмаликларнинг тутган мавқеи навбатдаги воқеликларнинг ривожланиб боришига катта таъсир этганлиги бирламчи тарихий манбалардаги маълумотлар асосида ёритиб берган.

Калит сўзлар: Амир Темур, Пир Мухаммад мирзо, Султон Хусайн мирзо, Халил Султон, амир Шайх Нуриддин, амир Шоҳмалик, валиаҳд, гул амирлари, Ўтроп, Саброн, Тошкент, Самарканд

Лайло Машрабовна Бегимкулова,

Региональный центр переподготовки и повышения
квалификации сотрудников народного образования
Ферганской области РЦППКСНОФО преподаватель

РОЛЬ ШАЙХ НУРИДДИНА И ШОХМАЛИКА В ПОЛИТИЧЕСКИХ ПРОЦЕССАХ, ПРОИЗОШЕДШИХ В ПЕРВЫЕ ДНИ ПОСЛЕ СМЕРТИ АМИРА ТЕМУРА

АННОТАЦИЯ

В данной статье автор на основе сведений исторических первоисточников освещает роль и влияние крупных эмиров Шайх Нуриддина и Шоҳмалика на политические процессы, произошедшие после смерти Амира Темура и последующее развитие событий.

Ключевые слова: Амир Темур, Пир Мухаммад мирзо, Султан Хусейн мирзо, Халил Султан, Амир Шайх Нуриддин, Амир Шоҳмалик, валиаҳд (наследник), гульские эмиры, Отрар, Саброн, Ташкент, Самарканд

Laylo M. Begimkulova,
Regional center for retraining and advanced training
of public education employees of Fergana region
RCRATPEEFR teacher

THE ROLE OF SHAIKH NURIDDIN AND SHOKHMALIK IN THE POLITICAL PROCESSES THAT TOOK PLACE IN THE FIRST DAYS AFTER THE DEATH OF AMIR TEMUR

ABSTRACT

In this article, the author, on the basis of historical primary sources, highlights the role and influence of the great emirs Shaikh Nuriddin and Shokhmalik on the political processes that took place after the death of Amir Temur and the subsequent development of events..

Index Terms: Amir Temur, Pir Muhammad Mirzo, Sultan Hussein Mirzo, Khalil Sultan, Amir Shaikh Nuriddin, Amir Shokhmalik, valiapd (heir), Gul emirs, Otrar, Sabron, Tashkent, Samarkand.

1. Долзарблиги:

Амир Темур ва темурийлар салтанати жаҳон халқлари ҳаётида муҳим ўрин тутган давлатлардан бирidir. Шунинг учун ҳам бу давр тарихи катта қизиқиш билан ўрганиб келинмоқда. Ушбу давр тарихига бағишланган илмий тадқиқотлар салмоғичам жаҳон тарихшунослигида, ҳам юртимиз тарихшунослигида табора кенгайиб бормоқда. Бу шубҳасиз, буюк давлат арбоби, енгилмас саркарда Амир Темур шахсига бўлган катта қизиқишнинг самарасидир. Амир Темур вафотидан кейинги йилларда бошланган ўзаро урушлар эса салтанатнинг мустақамлигига путур етказди. Ўзаро низоларнинг авж олишига эса мамлакатнинг сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнаган ғул амирлари ҳисобланмиш Амир Шайх Нуриддин ва Шоҳ Маликларнинг олиб борган сиёсатлари ҳам катта таъсир этган. Шу нуқтаи назардан ҳам ушбу мақола ўзига хос долзарблик касб этади.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Тадқиқот бирламчи тарихий манбаларга таяниб бажарилди. Бу давр тарихидан ҳикоя қилувчи манбалар асосан Шоҳруҳ мирзо даврида яратилганлиги, муаллифлар ҳукмдорнинг таъсирида бўлганлиги, унинг билан боғлиқ бўлган воқеалар ҳақидаги маълумотларга танқидий ёндашув зарурияти эътиборга олинди. Тарихий воқеаларнинг ўзаро таъсирда ривожланиб борганлиги, ҳар бир воқелик замирида уни келтириб чиқарган сабаблар мавжудлигини эътиборга олиш ва уни тадқиқ этиш асосий методологик йўналишларимиздан бири бўлди.

Амир Темур вафотидан кейинги дастлабки кунларда саройдаюз берган ички вазият, валиаҳд масаласи, тахт учун даъвогар бўлган шахзодалар ва уларга нисбатан уларга нисбатан ғул амирларининг тутган мавқеи ва ҳатти ҳаракати оид маълумотлар бир қатор тарихий манбалардан ўрин олган[1].Албатта, ушбу манбаларда биз тилга олаётган масалалар очик тилга олинмаган. Уларда берилган маълумотларнинг таҳлили бизга баъзи бир хулосаларни чиқаришга имкон беради.

Ушбу масалага яқин мавзуларда бир қатор илмий тадқиқотлар эълон қилинган.“Темур ва Улуғбек даври тарихи”, “Амир Темур жаҳон тарихида” ва “История Узбекистана. Эпоха Амира Темура и Темуридов” асарларида валиаҳд Пир Муҳаммад мирзонинг Қандаҳорда эканлигидан фойдаланиб, Султон Хусайн мирзо ва Халил Султонлар ҳокимят учун ураш бошлаб юборганлиги таъкидланади[2]. А. Ю. Якубовский эса Пир Муҳаммад мирзонинг валиаҳдлик ҳуқуқини кучли ҳокимларнинг ҳеч бири тан олмаганлигини қайд этиш билан чекланган[3]. Муаллифлардан В.В. Бартольд, Б. Аҳмедов ва Т. Файзиевлар ўз тадқиқотларида йирик амирлар бўлмиш Шайх Нуриддин ва Шоҳмаликнинг ўзаро курашларда тутган ўрнига бир мунча эътибор қаратишган, лекин уларда ҳам ушбу масала навбатдаги сиёсий воқеаларга таъсири нуқтаи назаридан таҳлил этилмаган[4]. Шунингдек, бир қатор муаллифларнинг асарларида ҳам Амир Темур томонидан Пир Муҳаммад

мирзонинг валиахд сифатида танланиши, Султон Ҳусайн мирзо ва Халил Султонларнинг ўз кўли остидаги кўшинга таянган ҳолда ҳокимят учун кураш олиб бориши, Шоҳруҳ мирзонинг бу вазиятдаги мавқеи оид фикрлар билдирилган[5]. Лекин уларда Амир Темур вафотидан кейинги дастлабки кунларда ғул амирлари томонидан олиб борилган сиёсат ва унинг мазмуни алоҳида тадқиқ этилмаган.

3. Тадқиқот натижалари:

Амир Темур вафот этгач, амир Шоҳмалик ва Шайх Нуриддин ҳамда ҳарам аҳли воқеани яширишга интилди. Дастлаб сўл ва ўнг қанот кўмондонлари Султон Ҳусайн мирзо ҳамда Халил Султонларга мактуб юбориб, соҳибқирон касал эканлиги сабабли тезда олий ўрдага етиб келишлари сўралди. Сўнгра Пир Муҳаммад Мирзога унинг валиахд этиб тайинланганлиги ва тезда Самарқандга етиб келиши зарурлиги хусусида мактуб жўнатилади. Гарчи Шарафуддин Али Яздий Пир Муҳаммад мирзога юборилган мактуб ҳақида хабар берса-да, бу хабар ўз вақтида етиб бормаган кўринади. Чунки Пир Муҳаммад мирзо Балхга етиб келган вақтдан аввал, 1405 йилнинг 3 мартадаёқ Шоҳруҳ мирзонинг Ҳиротда ўз номига хутба ўқитгани ва 18 мартда Самарқанднинг Халил Султон томонидан эгалланганлиги маълум[6].

Амир Темурнинг бемор эканлиги хусусида хабар берилган Султон Ҳусайн мирзо ва Халил Султонлар Ўтрорга келишмайди. Биринчидан, бу Амир Темурнинг аслида вафот этганлиги хабари уларга ҳам етиб борганлигидан далолат беради. Иккинчидан, бундай шароитда олий ўрдуга етиб келиш уларнинг шахсий ҳаёти учун ҳам хавфли эди.

Шундан сўнг амирлар Чукалак мавзесида тўпланиб, кўшин орасида ёши улуғи бўлган Халил Султонни подшоҳ кўтарган ҳолда Хитой юришини давом эттиришни ва Хитой юришидан қайтгандан сўнг, васият бўйича иш кўришни маслаҳат қиладилар[7]. Аслида бу ҳаракатлардан асосий мақсад кўшинни бир жойга жамлаш ва бутун назоратни амир Шайх Шоҳмалик ва амир Шайх Нуриддин кўлида бўлишини таъминлаш эди. Чунки бу вақтда улар кўлида фақат ғулга тегишли ҳарбий қисмлар бор эди, холос.

Шу билан биргаликда йирик амирлар ва ҳарам аҳли Шоҳруҳ мирзони биринчи бўлиб Самарқандга етиб келишига умид қилиб унга ҳокимиятни топширишга келишиб ҳам оладилар. Бу ишни амалга ошириш учун Амир Темурнинг хотинлари Сароймулкхоним ва Тукал хонимларини Самарқандга бориши маъқул кўрилади[8]. Бундан кўринадики, оғолар ҳамда амир Шоҳмалик, амир Шайх Нуриддинлар Султон Ҳусайн мирзо ва Халил Султонларни имкон қадар узоқ вақт шу ерда олиб қолишга, иложи бўлса Хитой юриши баҳонасида уларни мамлакатдан узоқроққа олиб кетишга ҳаракат қилишган. Бу билан улар Шоҳруҳ мирзони Самарқандга келиб тахтни эгаллаб олиши учун шароит яратишга интилганлар.

Ҳарам аҳли Самарқанд томон йўлга чиққач, лашкарнинг марказий қисми Иброҳим мирзо байроғи остида амир Шоҳмалик ва амир Шайх Нуриддинлар бошчилигида Ўтрордан йўлга чиқадилар ва Уч ариқ мавзеидаги Қалдирама кўпригида тўхтайдилар. Шу ердан яна Султон Ҳусайн мирзо ва Халил Султонларга мактуб жўнатиб, уларни Ўтрор яқинидаги Чукалак мавзегга етиб келишларини сўрайдилар.

Биринчи бўлиб тахт учун кескин ҳаракатни Султон Ҳусайн мирзо бошлайди. У Амир Темур тўғрисидаги хабарни эшитганидан сўнг ўз кўшинларини тарқатиб юборди ва икки минг киши билан Самарқанд сари йўл олди[9]. Амир Шоҳмалик ва амир Шайх Нуриддин Султон Ҳусайн мирзонинг исёнидан хабар топишлари билан Самарқанд амирларини ва шаҳар томон йўл олган ҳарам аҳлини огоҳлантириш учун чопар жўнатдилар. Шунингдек, Халил Султон мирзога ҳам бўлган воқеа етказилиб, унга кўшин билан Ақар яйловига боришни тайинлаб ўзлари ҳам ўша ерда боришларини ва маслаҳатлашиб чора-тадбир кўришларини билдирдилар. Лекин Халил Султонга бу хабар етказилганига қарамай амир Шайх Нуриддин ва амир Шоҳмаликлар Самарқанд томон йўл олдилар ва тезда Самарқанд томон бораётган ҳарам аҳлига бориб кўшилдилар.

Бу вақтда ҳали ҳам Тошкентда турган ўнг қанот беклари Халил Султон номига қасамёд қилдилар. Гарчи Яздий Халил Султон номига байъат қилинишига асосий сабаб

сифатида Султон Ҳусайн мирзонинг Самарқанд тахтини эгаллаб олиш мақсадида исён кўтарганлиги оқибатида ўнг қанот амирлари орасида саросима содир бўлганлигини кўрсатса-да, бунинг сабаблари анчагина кенг эди.

Биринчидан, Султон Ҳусайн исёни ўзаро тахт учун курашни бошлаб берди. Бу эса ўнг қанот кўшинлари учун ҳам ўз номзодини илгари суришга йўл очди. Улар бу орқали ўзларининг ҳокимиятдаги мавқеларини мустаҳкамлаш ва янада кенгайтириб олишни, бошланаётган янги даврда ўз ўринларига эга бўлиб олишни мўлжаллаётган эдилар.

Иккинчидан, сўл қанот кўшинининг тарқаб кетиши, ғулдаги асосий амирларнинг Самарқандга томон йўл олиши ўнг қанот амирларини саросимага солиши табиий эди. Улар Тошкентда вазиятни кузатувчи сифатида қолишдан ва тож тахт масаласи кимнинг фойдасига ҳал бўлса, сўнгра унга бўйсунушдан манфаатдор эмасдилар.

Учинчидан, Амир Темурнинг қизи Ўғи бегимнинг ўғли бўлмиш Султон Ҳусайн мирзонинг Самарқанд тахтини эгаллаб олиш эҳтимоли жуда кам бўлиб, унинг ортидан кўпчиликнинг эргашмаслиги аниқ эди. Бундай шароитда ҳарам аҳли ва амир Шайх Нуриддин, амир Шоҳмаликлар қўллаган шаҳзоданинг тахтни эгаллаши табиий бўлиб, ҳокимиятнинг юқори қисмида катта ўзгариш бўлмасди. Айни шу ҳолат йирик амирлардан кейинги мавқеда турувчи ва юқори мавқега чиқишни истаган кўплаб амирларга маъқул эмасди. Бундай амирлар Тошкентда турган ўнг қанот амирлари орасида ҳам кам бўлмаган.

Тўртинчидан, Тошкентда турган амирларнинг кўпчилиги айнан 1402 йилдан бери Халил Султон билан бирга эдилар. Булар орасида амир Худойдод Ҳусайний, амир Соадат Темуртош каби амирлар бор эди. Уларнинг ўзаро яқинлиги тож тахт учун кураш йўлида ўзаро иттифоқ тузишларига маълум даражада асос бўлган.

Тошкентда Халил Султон номига байъат қилиниши амир Шайх Нуриддин ва амир Шоҳмаликларни ташвишга солиб қўйди. Улар зудлик билан Тошкентдаги бекларга мактуб жўнатиб, Амир Темур васияти бўйича иш тутиш тўғрисида кўрсатма бердилар. Шарафуддин Али Яздий ғул амирларининг мактубларини олгандан сўнг Тошкентдаги беклар ўз қилган ишларидан пушаймон бўлганликларини таъкидлаган бўлса-да, бунга ишониш қийин. Ўзаро курашнинг кенгайишидан манфаатдор бўлган амирлар, жумладан амир Худойдод Ҳусайний ва Шамсуддин Аббослар ўз мақсадлари йўлида ҳаракат қилганлар. Улар амирлар амир Бурундук орқали Шайх Нуриддин ва Шоҳмаликка йўллаган жавоб мактубларида “бу ишни бизлар давлат маслаҳати учун ва давлат заботи учунким, асру улуг воқеъа бўлди, кўрқтукким, ғавғойи ва фитна бўлмағай, йахшилик жиҳатидин қилдукким, аромизда бир боши бўлғай, то ҳар киши бош чиқара олмағай ва салтанат бу хонадонда қарор топқай ва олам бир-бир бўлмағай”, дея ўз ҳаракатларига тушунтириш бердилар. Шунингдек, ўзларининг Амир Темур васиятидан хабарсиз эканликларини билдириб, соҳибқирон васияти бўйича иш кўришга ва ғул амирларининг маслаҳатларига бўйсунушга тайёрликларини билдирдилар [10]. Аслида бу ўз ҳаракатларини оқлаш ва уларни чалғитишга ҳаракатлардан бири эди. Гарчи хатнинг мазмунидан келиб чиқсак, ушбу мактубдан Халил Султоннинг беҳабарлиги англашилади. Бу эса Тошкентдаги амирлар ҳам ўз ҳаракатларини давом эттириш бўйича бир неча вариантларга тайёр эканликлари, Халил Султоннинг тахтга чиқиши шу вариантлардан бири эканлигидан далолат беради.

Амир Шоҳмалик ва Шайх Нуриддин Тошкентдаги амирларни ўз томонларига оғдириб олиш, уларни ҳеч бўлмаганда бетараф вазиятга тушуриш ниятида уларнинг ҳар бирига алоҳида мактублар ёзадилар. Худойдод Ҳусайний, Ёдгоршоҳ Арлот, Шамсуддин Аббос ва бошқа амирларга жўнатилган бу мактубларда Амир Темур васиятига содиқ қолиш, Пир Муҳаммад мирзо номига янгидан аҳд қилиш ва бунга Халил Султонни ҳам кўндириш талаблари акс этган эди. Шунингдек, ғул амирлари Пир Муҳаммад мирзо номига қилинган янги аҳдномаларни тасдиқлаб ўзларига жўнатилишини, бу аҳдномалар Пир Муҳаммад мирзога юборилишини ҳам таъкидлайдилар. Мактублар амир Бурундук орқали Тошкент турган амирларга етказилади.

Мактублардан сўнг Тошкент қароргоҳидаги амирлар Пир Муҳаммад мирзо номига янги аҳдномаларни тузиб, уни тасдиқлайдилар. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича

ахдногани Халил Султон ҳам имзолашга мажбур бўлган[11]. Халил Султон янгиланган ахдногани ғул амирларига уларнинг таъсирига тушиб қолган амир Бурундуқ эмас, амир Аталмиш олиб боришини талаб қилади. Амир Бурундуқнинг амир Шоҳмалик ва Шайх Нуриддинга қайтиб келиб келишга ваъда берганлиги ҳам шундан далолат беради. Шунингдек, у амир Аталмишга ахдномаларни амир Шоҳмалик ва Шайх Нуриддинларга кўрсатганидан сўнг уларга топширмай, ўзи Пир Муҳаммад мирзога олиб боришини ва ушбу сўзларни етказишни сўрайди: “Биз амирзода Пир Муҳаммадқа ниёзбандбиз ва ихлос била арзадошт қилиб, ҳавоҳодурбиз. Ва Соҳибқирони саъид мағфурнинг васияти бирла сизни ул ҳазратнинг қоим мақоми деб билурбиз”[12]. Юқоридагилардан кўринадики, ғул амирларининг мактублари таъсирида Тошкентдаги амирлар орасида ҳам иккиланиш ва бўлиниш бошланган. Амир Бурундуқнинг амир Шоҳмалик ва Шайх Нуриддинлар олдида фақат уларнинг мактублари билан эмас, балки катта ваъдалари билан қайтганлиги табиий. Албатта. Бу ҳам амирларга ўз таъсирини ўтказган. Халил Султон албатта, буларни ҳисобга олган ва ён беришга мажбур бўлган. Лекин, ғул амирларида Тошкентдаги вазият ҳақида аниқ тасаввур бўлмалиги учун ахдномаларни амир Аталмиш орқали жўнатган. Халил Султоннинг ахдномаларни Пир Муҳаммад мирзога Аталмиш етказишини талаб қилиши унинг амир Шоҳ Малик ва Шайх Нуриддинга ишонмаслигидангина эмас, балки Пир Муҳаммад мирзо билан тўғридан тўғри алоқа боғлаб, у ердаги вазиятдан тўлиқ хабардор бўлишга интилганидан далолатдир.

Шу билан биргаликда Халил Султон тахт учун жиддий ҳаракатни бошлаб юборади. У дастлаб Тошкент ва Сайрамда турган заҳирадаги барча от, ҳачир ва туяларни, шунингдек, маблағ ҳамда қурол яроғни ўзи билан ҳамфикр бўлган бек ва навкарларга тарқатди. Амир Бурундуқни лашкардан ажратиш мақсадида уни аввалроқ дарёдан кечиб ўтиш учун жўнатди ва ўзи ҳам лашкар билан унинг ортидан Самарқанд томон йўл олди. Бу вақтда Халил Султон ҳузуридаги йирик амирлар ўзаро тил бириктириб, унга қарши чиқишга келишиб оладилар. Ўзаро келишувга кўра амир Бурундуқ амир Шоҳмалик ва Шайх нуриддинларга бориб кўшилиши, амир Худойдод Хусайний ва Шамсуддин Аббослар эса ўз аскарлари билан Очик Фаркат мавзесига йўл олиб, у ердан вазиятга қараб иш тутишлари керак эди.

Биринчи бўлиб амир Бурундуқ, Рустам Тағай Буға ва Абдулкарим Ҳожи Сайфуддинлар ўз аскарлари билан Сирдарёдан ўтадилар ва Халил Султоннинг дарёдан ўтишига йўл қўймаслик учун кўприкни бузиб ташлайдилар[13]. Худди шу вақтда Амир Худойдод Хусайний ва Шамсиддин Аббослар ҳам ўз кўшинлари билан Халил Султондан ажралиб чиқиб, Оҳангарон яйловлари томон йўл оладилар. Лекин Халил султон ўзи билан бирга қолган лашкар билан кўприкни қайта тиклаб, дарёдан ўтади ва Самарқанд томон юриш бошлайди.

Амир Темур вафот этган вақтда Халил Султон билан бирга бўлган амирлардан Худойдод Хусайний, Шамсуддин Аббос, Бурундуқ, Рустам Тағай буға, Абдулкарим Ҳожи Сайфуддин кабиларни Халил Султон лашкари сафини тарк этгани ҳисобга олсак, у билан бирга шахзода Аҳмад мирзо амирлардан фақат Ёдгоршоҳ арлот, Муҳаммад Дарвеш барлослар қолган эди. Бу вақтда Халил Султон лашкарининг асосий қисмини Хитой юришига жалб этилган қора таторлар ҳамда Олд Осиёдан келтирилган бошқа ҳарбий қисмлар ташкил этган бўлиши керак. Чунки ҳали Мовароуннаҳрлик бирор бир йирик амирлар билан яқин алоқага киришга улгурмаган бу ҳарбий қисмларни Мовароуннаҳрнинг бирор бир вилоятини эгаллаб олиб бошқаришдан кўра Халил Султон ваъда қилаётган бойликлар кўпроқ қизиқтириши табиий эди. Асли Мовароуннаҳрлик бўлмаган бу ҳарбий қисмлар учун Халил Султон атрофида уюшиш ва у орқали мавқега эга бўлиш келажак учун ягона йўл эди.

Шарафуддин Али Яздий Халил Султон ҳарам аҳли ва ғул амирлари Самарқанд томон йўл олган ва Тошкентда Пир Муҳаммад мирзо номига қайта ахдномалар тузилган вақтдаёқ Самарқанд ҳокими Арғуншоҳ билан яширинча ўзаро битимга эриша олганлигини таъкидлайди[14]. Шунинг учун ҳам Халил Султон Пир Муҳаммад мирзо номига

ахдномаларни тасдиқлаган бўлса-да, тахтни эгаллаш учун очиқ ҳаракатни бошлаб, Самарқанд сари йўл олишга журъат этган.

Ғул амирлари Шайх Нуриддин, Шоҳ Малик ва ҳарам аҳли 1405 йилнинг 2 март куни Самарқанд яқинига етиб келадилар. Дастлаб амир Шоҳмалик аввалроқ етиб келиб, шаҳарга киришга уриниб кўради. Лекин Самарқанд ҳокими амир Арғуншоҳ ва амир Хожа Юсуф Самарқандга фақат Пир Муҳаммад мирзо киритилишини, у етиб келгунга қадар ҳеч ким шаҳарга киритилмаслигини билдиради. Эртаси куни яъни 3 март куни Шайх Нуриддиннинг шаҳарга кириш мақсадидаги уриниши ҳам самарасиз яқунланади. Шаҳарга киролмаган ғул амирлари лашкарида ҳам саромима бошланади. Қўшин орасида Самарқанд ҳокими Арғуншоҳнинг Халил Султон билан пойтахтни унга топшириш бўйича келишиб олганлиги овозаси тарқалган бўлса керакки, баъзи беклар ғулдан ажралиб чиқиб, Халил Султонга бориб қўшилишга қарор қиладилар. Халил Султоннинг ҳам лашкар билан Самарқандга келаётганлиги хабари етиб келгач, 5 март куни Шайх Нуриддин ва Шоҳ Малик Мирзо Улуғбек ҳамда Иброҳим мирзоларни олиб Бухорога йўл оладилар. Халил Султоннинг Самарқандга келаётганлиги хабарини унинг лашкаридан ажралиб чиққан Рустам Тағай Буга келтирган бўлиши керак. Чунки у Шоҳ Малик ва Шайх Нуриддинлар томонидан Бухорога юборилади.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Самарқанд ҳокимининг пойтахтга фақат Пир Муҳаммад мирзо учун киритилиши ҳақида ваъдалари ғул қўшини орасида яна Пир Муҳаммад мирзонинг тарафдорларини кўпайишига сабаб бўлган кўринади. Чунки ғул амирлари ва ҳарам аҳли Самарқанд томон йўлга чиққанларида, Пир Муҳаммад мирзонинг узоқдалиги ва набира эканлигини баҳона қилиб Шоҳруҳ мирзони эса яқиндалиги, Самарқандга биринчи бўлиб етиб келиши, қолаверса Соҳибқироннинг ўғли эканлиги каби важлар билан уни тахт чиқариш тўғри бўлишига келишиб олишган эди. Самарқандга кира олмаганларидан кейин эса амир Шайх Нуриддин ва Шоҳмаликлар аввал бухорога бориб, сўнгра Пир Муҳаммад мирзо қошига боришга қарор қилганликларини билдирадилар. Шунингдек, Аталмишбек, Тўкал қарқара, Ҳасан Чигдовул, Арислон тархон, Уставий, Шамсуддин Алмолиғий, Муса, Камол, Бастарий Вафодор каби Амир Темурнинг хос беклари Пир Муҳаммад мирзога содиқ бўлишга аҳд қиладилар.

4. Хулосалар:

Шу ўринда хулоса сифатида айтиш мумкинки, амирларнинг тўғри Пир Муҳаммад мирзо хузурига бормаи Бухорога йўл олишлари икки хил фикрни вужудга келтиради.

Биринчиси, улар Пир Муҳаммад мирзо келгунга қадар Мовароуннаҳрнинг йирик жиҳатидан ўша вақтдаги иккинчи шаҳри Бухорони ўз қўлларида тутиб туришни мақсад қилишган. Бу Самарқанд амирлари ўз сўзларида турмай шаҳарни бошқа шаҳзодага топширган тақдирда келажакдаги курашларда асқотиши мумкин эди.

Иккинчиси, улар Пир Муҳаммад мирзо номига аҳд қилсаларда унга қўшилмай Бухорога бориб Шоҳруҳ мирзонинг қандай йўл тутишларини кутишни ва шунга қараб ҳаракат қилишни мўлжаллаган эдилар. Бизнингча, улар иккинчи фикрда бўлишган ва шу ниятда Бухорога йўл олишган.

Шайх Нуриддин ва Шоҳ Маликнинг Самарқандга кира олмаганлиги Халил султоннинг мавқеини кескин ошириб юборган.

Биринчидан, ғул амирларидан баъзилар мисол учун амир Жамол Бовурчи Халил Султон лашкарига бориб қўшилган.

Иккинчидан, Халил Султон қўшинидан ажралиб чиқиб ғул амирларига қўшилиш учун йўлга чиққан амирлардан Бурундукбек ўз қўшини билан ортга қайтади ва яна унинг номига аҳду паймон қилади.

Энг асосий хулоса шундан иборатки, Амир Темур вафот этган вақтда унинг ёнида бўлган ва унинг васиятини бажаришга қасамёд қилган ғул амирлари Амир Шайх Нуриддин ва Шоҳмаликлар аҳдларини бажаришга тўлиқ ҳаракат қилмадилар. Улар Пир Муҳаммад мирзонинг узоқдалигини сабаб қилиб кўрсатган ҳолда Шоҳруҳ мирзони қўллаб қувватлашга

интилдилар, Халил Султон ва унинг тарафдорларининг мавқейига етарли эътибор қаратмадилар. Бу эса ўзаро низоларнинг авж олиб кетишига олиб келди.

Иктибослар/ Сноски/References:

1. Sharafuddin Ali Yazdiy. Zafarnoma. / Foreword, modification, comments and indicators by A.Akhmad and H.Bobobekov, -T.: Sharq, 1997. - 384 p.;Nizamiddin Shamiy. Zafarnoma / Translator from Persian - Yu. Khakimjanov, editor of the translation and editor-in-chief - A. Urinbaev, compiler of comments and dictionaries - H. Karomatov (commentary on geographical names - O. Borievniki), O. Boriev, translator and commentator of Hafizu Abruni's "Zayl" ("Appendix") from "Zafarnoma" - T.: Uzbekistan, 1996. - 528 p.; Mirxond. Ravzat al-safo fi siyrat al-anbiyo val muluk val xulofo. Handwriting *الصفافى سئره الانبيائى و الخلفا* E-version book of Michigan University in USA; Muiniddin Natanziy . Muntaxab ut-tavorixi Muiniy. / Persian translation, foreword and comments by Gulom Karimi - T.: Uzbekistan. 2011. - 264; Fasix Xavafi. Mudjmal-i Fasixi / Translation of the previs. note. and pointers by D. Yu. Yusupova. - T.: Fan, 1980. -- 346 p; Abdurazzoq Samarqandiy. Matlai sad'ayn va majmai baxrayn. Handwriting. *مطلع السعدين و مجمع البحرينعبدالرزاق سمرقندوى* E-version book of Michigan University in USA; Xondamir Giyosiddin. Habib us-siyar fi axbori afrodi bashar / Translation from Persian, authors of the introduction - Jalil Hazratkulov, Ismail Bekjanov, Authors of comments - Ashraf Ahmedov, Ismail Bekjanov, - T.: Uzbekistan. 2013. - 1272 p; Ibn Arabshoh. Ajoyibal-maqdurfitarixi Taymur: The wonders of destiny in the history of Timur. / Foreword, translation and commentary from Arabic by U.Uvativ. K. II. – T.: Mehnat, 1991. - 192 p; TĀĞ as-Salmānī. Šams al-ḥusn. / Universitдts- und Landesbibliothek Sachsen-Anhalt. Digitale Bibliothek des Sondersammelgebietes Vorderer Orient. Wiesbaden, 1956. – P. 339.
2. Istoriya Uzbekistana. Epoxa Amira Temura i Temuridov. / Editors: E.V. Rtveladze, D.A.Alimova. - T.: Fan, 2017.– P. 75;Amir Temur in world history / Responsible editor H. Karomatov. Completed and revised second edition - T.: Sharq, 2001. –P. 129-130;History of Temur and Ulugbek period / Editor-in-chief academician A. Askarov - T.: Qomuslar Bosh tahririyati, 1996. – P. 89.
3. Yakubovskiy A.Yu. Timur's state. Movarounnahr and Khorasan during the Timurids. // History of the Uzbek SSR. I tom. The first book - T., 1956. – P. 369.
4. Bartold V.V. Ulugbek and his time. // Works, Vol. 2, Part 2. – M.: Nauka, 1964. P.25-197; Ahmedov B. Lessons from history - T.: Teacher, 1993. - 432 p; Fayziev T. The tree of the Temurids - T.: Writer, Treasure, 1995. - 350 p.
5. Aka, İsmail Timur and his State, Ankara, Turkish Tarix Institution press house, 1991.-- 172 p; Muhammadjanov A. Temur and the Kingdom of the Temurids (Historical Essay) - T.: Encyclopedia General Editor. 1994. - 158 p; Bartold V.V. Essay on the history of Semirechye. // Works, Vol. 2, Part 1. - M.: Publishing house of oriental literature, 1963. -- P. 21-106; Ahmedov B. In memory of Amir Temur - T.: Uzbekistan, 1996. - 368 p; Manz Beatrice Forbes. The rise and rule of Tamerlane. – Cambridge University Press, 1989. – 227p; Yakubovskiy A.Yu. Temur: Opiyt kratkoy politicheskoy xarakteristiki. // Voprosiy istorii. - M., 1946. No. 8-9. P.42 - 74; Boriev O. In the written sources of the Timurid period, Central Asia (Historical and geographical plates) - T.: Uzbekistan. 1997. - 186 p; Fayziev H. T. Mirzo Shohruh and his foreign policy - T.: Navruz, 2016. - 132 p.
6. Yazdiy Zafarnoma. – P. 298; Fasix Xavafi. Mudjmal-i Fasixi. – P. 126;Samarqandiy. Matlaila'sdayn... . – P. 47; Fayziev H. Shohruh Mirzo and his foreign policy. - B. 14.
7. Sharafuddin Ali Yazdiy. Zafarnoma. - P. 299.Bartold V.V. Ulugbek and his time. - P. 73
8. Sharafuddin Ali Yazdiy. Zafarnoma. – P. 299; Bartold V.V. Ulugbek and his time. - P. 72
9. TĀĞ as-Salmānī. Šams al-ḥusn.- P. 32
10. Sharafuddin Ali Yazdiy. Zafarnoma. – P. 301.
11. Sharafuddin Ali Yazdiy. Zafarnoma. – P.303.

12. Sharafuddin Ali Yazdiy. Zafarnoma. – P. 303.
13. Ibn Arabshoh. The history of the great al-maʿdūr fi Taymur. - P. 11.
14. Sharafuddin Ali Yazdiy. Zafarnoma. – P. 302.

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Ибройим Махкамов,

Наманган муҳандислик-технология институти
Саноатда ишлаб чиқаришни ташкил
этиш иқтисодиёти кафедра доценти
Махкамов_82@mail.ru

Хамиджон Мухамадович Шахобов,


Наманган муҳандислик-технология институти
Саноатда ишлаб чиқаришни ташкил
этиш иқтисодиёти кафедра катта ўқитувчиси

Умида Носирова,

Наманган вилоят Янгиқўрғон
туман 38 мактаб ўқитувчиси

ЖАДИДЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАРИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

For citation: Ibrayim Mahkamov, Khamidjon M. Shakhobov, Umida Nosirova, THE ECONOMIC VIEWS OF THE JADID AND ITS IMPORTANT EDUCATIONAL IMPORTANCE. Look to the past. 2020, vol. 11, issue 3, pp.55-61

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-11-8>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Абдулла Авлоний, Мунавварқори Абдурашидхонов каби жадид намоёндалари асарларида илгари сурилган иқтисодиётга оид қарашлар, уларнинг бугунги кундаги тарбиявий аҳамияти, ёш авлодни илм-хунар эгаллашга, тадбиркорликка, меҳнатга, ўз мулкидан самарали фойдаланишга бўлган муносабатларини шакллантиришга қаратилган фикрлари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: маънавий-иқтисодий меърос, маросимлар, иқтисодий ислохотлар, иқтисодий тафаккур, жадидчилик, илм-маърифат, узлуксиз таълим, касб-хунар, инновация, мулкчилик, тадбиркорлик, сармоя, рақобатбардошлик, интеграция.

Ибрайим Махкамов,

Наманганский инженерно-технологический институт,
доцент кафедры экономики промышленных организаций
Махкамов_82@mail.ru

Хамиджон М. Шахобов,

Наманганский инженерно-технологический институт,
старший преподаватель кафедры
экономики промышленной организации

Умида Носирова,

Учитель 38 школ Янгикурганского
района Наманганской области.

ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ ДЖАДИДОВ И ЕГО ВАЖНОЕ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЕ ЗНАЧЕНИЕ

АННОТАЦИЯ

В данной статье исследуются взгляды на экономику, выдвинутые в трудах таких деятелей джадидизма, как Абдулла Авлони, Мунавваркори Абдурашидхонов, а также их воспитательное значение в настоящее время, формирование отношения подрастающего поколения к приобретению навыков и знаний, предпринимательству, труду, эффективному использованию собственности.

Ключевые слова: духовное и экономическое наследие, обряды, экономические реформы, экономическое мышление, джадидизм, просвещение, непрерывное образование, профессия, инновации, собственность, предпринимательство, инвестиции, конкурентоспособность, интеграция.

Ibrayim Mahkamov,
Namangan Engineering and Technological Institute,
Associate Professor of the Department
of Economics of Industrial Organizations
Maxkamov_82@mail.ru

Khamidjon Mukhamadovich Shakhobov,
Namangan Engineering and Technological Institute,
Senior Lecturer Department of
Economics of Industrial Organization

Umida Nosirova,
Teacher of 38 schools in Yangikurgan
district of Namangan region

THE ECONOMIC VIEWS OF THE JADID AND ITS IMPORTANT EDUCATIONAL IMPORTANCE

ABSTRACT

This article examines the views on economics put forward in the works of such figures of Jadidism as Abdulla Avloni, Munavvarkori Abdurashidkhonov, as well as their educational significance at the present time, the formation of the attitude of the younger generation to the acquisition of skills and knowledge, entrepreneurship, labor, and the effective use of property.

Index Terms: spiritual and economic heritage, ceremonies, economic reforms, economic thinking, Jadidism, enlightenment, continuing education, profession, innovation, property, entrepreneurship, investment, competitiveness, integration.

Биз жади́дчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меъросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри ўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.М. Мирзиёев**

1. Долзарблиги:

Ўзбек халқи жуда қадимий маънавий ва иқтисодий меросга эга. Бу мерос мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга, халқимизнинг айниқса, ёшларни

замонавий билим ва иқтисодий тафаккурга эга бўлиши ҳамда иқтидорли миллатга айланиши учун хизмат қилмоқда.

“Биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. Бунинг учун авваламбор, ташаббускор ислохотчи бўлиб, майдонга чиқадиغان стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур.[1]

2. Методлар:

Мақолада жадидларнинг иқтисодий қарашлари ва унинг бугунги кундаги тарбиявий аҳамияти тарихийлик, кетма-кетлик, шунингдек холислик тамойиллари асосида ёритилган ва илмий жиҳатдан тадқиқ этилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Фарзанд тарбиясида касб-хунарни тўғри танлаш ва унга йўналтириш масаласи нафақат оила, балки жамият учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки киши камолга етгандан сўнг жамият манфаати учун бор имкониятини ишга солувчи шахс бўлиши даркор. Бунинг учун муҳим шарт-шароитлар бўлмоғи лозим.

Одамзод пайдо бўлибдики, доимо касб-хунарга эҳтиёжи бор, чунки касб-хунар унинг барча ижтимоий заруратлари ечими ҳисобланади. Бугунги кунда касб-хунар эгаллаш ҳар бир ёш авлоднинг энг устувор вазифаси бўлиб келмоқда. Боиси, юқори малакага эга бўлган мутахассисларгина замон билан ҳамнафас бўлиши мумкин.

Умуман айтганда, маънавият ва маърифат масалалари ўтмишдан инсониятнинг камолга етиши учун энг муҳим омил сифатида қаралган. Бу борада ўтмишда мамлакатимизда яшаб ижод қилган бир қатор олиму-фузалоларимиз фикрларини ўз асарларида ёзиб қолдиришган. Айниқса, улар қаторида Форобий, Ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий, жадидчилик ҳаракатининг вакиллари Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Муҳаммадхўжа Бехбудий ва бошқаларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Туркистон жадидчилик ҳаракатининг ҳақиқий маънодаги асосчилари одамларни илмли ва хунарли бўлишга доимо ҳараат билан яшашга, тадбиркорлик, тежамкорлик ҳислатлари орқали иқтисод илмини эгаллашга чақирадилар. Жумладан, Абдулла Авлоний “Иқтисод деб пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмоққа айтилуру. Мол қадрини билувчи кишилар ўринсиз ерга бир тийин сарф қилмас, ўрни келганда сўмни аямас...Иқтисодни риоя қилган кишилар ҳамма вақт тинч ва роҳатда яшарлар, арилар киш кунида емак учун бол йиғганидек, бошларига келадурган қора кунларни ўйлаб, оқ пул йиғурлар. “Тома тома кўл бўлур, - дермишлар. Ҳар нарса оздан кўпаюру” [5,62]

Бундан кўринадики, меҳнат билан топилган бойликни тежаб-тергаб фойдаланиш зарурлигини ва ана шунда одамлар фаровон яшашлари мумкинлигини кўрсатиб берилмоқда. Шунингдек, мол-мулк топмоқликни барокотли йўллари- хунармандчилик, деҳқончилик, савдогарлик эканлигини ва бунинг учун ёшларга тўғри тарбия бериш билан бирга билим олиш ҳам зарурлигини уқтиради. Жадидчиларнинг яна бир вакилларидан бири бўлган Маҳмудхўжа Бехбудий ўзининг бола тарбиясига эътибор қаратишни зарурлигини ва буни оқибатларини “Падаркуш” драмаси орқали баён этади.

Асар муаллифи эътиборни оталар ва болалар муаммоси – ўғил тарбиясида ота-онанинг ўрни масаласига қаратади. Эътибор беринг, асарда ота каттагина бой, аммо бу бойлик тарбия кўрмаган болани ҳам, отани ҳам фожеа гирдобига тортиб кетади. Оила ва мактаб тарбияси биргаликда, узвий олиб борилгандагина, ўз олдига қўйган улкан вазифани бажара олади, деган фикр асарни ҳаракатга келтирувчи кучдир. Ота тарбия кўрмаган, дунё воқеаларидан бутунлай узилиб қолган, ҳатто муомала маданиятидан ҳам беҳабар, унинг домла, зиёли билан муомаласи Тошмурад (ўғли) нинг отаси билан муомаласига ўхшаб кетади, яъни отанинг тарбиясизлиги, жоҳиллиги ўғлида ҳам ўз аксини топган.

Бехбудий бу воқеаларни бой билан домулло ўртасидаги суҳбатда кўрсатиб беради. Улар суҳбатлашиб ўтирган хонага бойнинг ўғли Тошмурад кириб, томошага бориш учун пул сўрайди ва у чиқиб кетганидан сўнг, домулло бойга қараб, унинг ўғли катта бўлиб қолганини айтиб, худодан умр сўрайди.

Бойдан ўғлининг усули жадид мактабида ёки эски мактабда ўқишини сўрайди. Бой ҳар иккисига ҳам бормаслигини ва ҳатто уйда ҳам ўқитмаслигини айтади. Домулло ўғлини ўқитишини, ҳисоб-китоб дафтарини юритишни, халқ илмиларни ҳурмат қилишини, мусулмончилик йўл-йўриқларини англантиш, хат ва саводи йўқ одам ҳеч нимага ярамаслигини бойга уқтиришга уринади. Бой бўлса, бу фикрларга беписандлик билан, мени саводим йўқ, бироқ шаҳарнинг катта бойлариданман, шунинг учун халқ бизнинг бойлигимизни ҳурмат қилади, мусулмонлар нари турсин, ўрис ва арманларда иззат қилишини айтади ва ўғлининг илм олишига бефарқлигини билдиради.

Бундай кайфиятни бой билан зиёли ўртасидаги суҳбатдан ҳам кўриш мумкин. Зиёли бойга замон ўзгарганлигини, бу замонда илм ва ҳунарсиз халқнинг бойлиги, ери, асбоблари ва ахлоқ ҳамда обрўи ҳам қўлдан кетиши, дини заиф бўлишини айтади. Бунинг учун мусулмон болаларини ўқитишга ҳаракат қилмоғи лозимлигини таъкидлайди. Уларни аввало, мусулмонча хат-саводини чиқариб, ҳукумат мактабларида, яъни гимназия ва шаҳар мактабларида ўқитиш, уни тамомлагач, Петербург ва Москва, ҳатто бошқа хорижий мамлакатлар дорилфунунларига таълим олмоққа юбориш лозимлигини айтади. Бироқ, бой бу фикрларга ҳам лоқайд қарайди. Ёшлиқдан пулга ўрганган фарзанднинг истаклари бетайин бўлади, нафси ҳар томонга шоҳлаб кетади. Оқибатда у кўча безориларига қўшилади. Ресторанда маишатга пули етмай, шерикларини тунда уйга бошлаб келади. Бой уйғониб, уларни сезиб қолади, лекин уни ўлдириб, пулни олиб кетадилар. Натижада, ўғли Тошмуроднинг тарбиясига эътиборсизлик туфайли жожеали ўлим топади. Жаҳолат ва нодонлик отанинг ҳам боланинг ҳам бошига етади.

Беҳбудий бу саъй-ҳаракатлари ортида ёшларни илм олишга ундайди, чунки илмсизлик оқибатини “Бу кетишни охири ёмондур, ўкумок, ўкутмок керакдур. Туркистон меваси, донаси, тоши, тупроғи эски нимарсалари Оврўпа бозорига кетар. Муни Оврўпа долларлари келиб оз баҳога олиб кетар, меҳнатни биз қилурмиз, фойдани улар кўрар. Ўз нимарсаларимизни Оврўпа бозорига элтиб, яхши баҳога сотатурғон бизда бирор дам йўқ. Азбаски, Оврўпа ила савдо қиладурғон киши аввал ўн сана замона илмини ўқимоғи лозим”, - деган фикрларни билдиради. [3,200]

Жадидчилар миллат обрўсини ўзларининг ҳаёти мазмуни, уни ривожлантиришни асл мақсад деб биладилар. “Бизим Туркистон мамлакатини туфроғ, сув ва ҳаво жихатидан энг бой мамлакатларда бўла туриб, на учун ўзимиз бундан фойдалана олмаймиз?. Бунинг учун илмсизлик ва нодонликдан қутилмоқ зарур, - дейди Мунавварқори. Жадидчилар замонлар ўзгариб бораётганлигини, илм-маърифати ривожланган давлатлар катта ютуқларни қўлга киритаётганликларини эътироф этишади. “Америкаликлар бир дона буғдой экуб, йигирма қадок буғдой олурлар, ёврополиклар ўзимиздан олган беш тийинлик пахтаимизни келтуриб, ўзимизга йигирма беш тийинга сотурлар. Аммо биз осиеликлар, хусусан, туркистонликлар, думба сотуб, чандир чайнаймиз, қаймоқ беруб, сут ошиимиз, нон ўрнига кесак тишлаймиз. Сўзнинг қисқаси, ҳозирги замонга мувофиқ киши бўлмак учун илм ва маърифат ила баробар иқтисод, инсоф, туганмас саъй, битмас ғайрат лозимдур”-деб ёзади Абдулла Авлоний [5,63]

Жадидчилар ўзбек зиёли болаларни Европа ва Америка давлатларига юбориб, ўқитиш зарурлигини таъкидлайдилар. Болалар ўқиб, илм-ҳунар ўрганиб келсалар мамлакатимиз ривожига катта ҳисса қўша оладилар ва бунинг учун уларга кўмаклашувчи пул фондларини ташкил этиш ташаббуси билан чиқишган.

Жадидчилар миллий кадрларни тайёрламасдан туриб, истиқлолга эришиб бўлмаслигини, бунинг учун илм-маърифатни омма онгига сингдириш керак деган ғояни илгари суришади. “Мана бу йўллар билан бугун Оврूपо ва Амриқо халқлари ҳавода учар, денгиз остида сузар, дунёнинг энг нариги бўлақлари билан воситасиз хабарлашар бир холға, бир маданиятга етишдилар”-деб ёзади Мунаввар қори [4,119]

Жадидчилар илм маърифатни, касб-ҳунарни ривожлантириш орқали халқимизни истиқлолга олиб чиқиб, мамлакатимиздаги табиий бойликлардан ўз манфаатларимиз йўлида фойдаланиш асосида ватанимизни жаҳондаги ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашини орзу қилган эдилар. Уларниг орзулари бугунги кунда рўёбга чиқмоқда.

Мамлакатимизда “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва “Ёшлар келажагимиз” дастурларининг қабул қилиниши ҳамда “Эл-юрт умиди” жамағармасини ташкил этилиши юқоридаги фикримизни далилидир. Мазкур дастурларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у яхлит самарали тизимга асос бўлиб, шахс, давлат ва жамият манфаатларига хизмат қилади. Узлуксиз таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш бу яхлит жараённинг узвий таркибий қисмларидир. Мазкур дастурлар мамлакатимиз иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳалари учун юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашувини таъминлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий тарбиялаш, шунингдек таълим тизимини босқичма-босқич такомиллаштириб бориш вазифасини муваффақиятли ҳал этишга хизмат қилмоқда.

Айни вақтда мамлакатимизда 100 дан ортиқ олий таълим муассасалари, бир қатор техникумлар ва касб-ҳунар коллежлари ва мактаблар ҳамда академик лицейлар, 4 та Президент мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, бундай ўқув юртлари мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунга келиб, мазкур ўқув юртларида бир неча миллиондан ортиқ ўғил-қизларимиз билим олмоқда.

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичи ғоят масъулиятли ва мураккаб даврдир. Буюк келажагимиз, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида қандай ўрин эгаллаши ҳам ёшларимизнинг нечоғлик замонавий билимларни, касб-ҳунарларни эгаллашларига боғлиқдир. Чунки, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни ривожлантириш кўп жиҳатдан кишиларни замонавий билимларни эгаллашларига, иқтисодий тафаккурга, иқтисодий идрокка боғлиқдир.

Жадидчиларнинг қарашларида жамият тараққиётига тўсқинлик қилиб келаётган эскича урф-одатларни, ақидаларни ислоҳ қилиш таклифлари ислом ахлоқини мустаҳкамлаш ғоялари билан чирмашиб кетган. Улар орзу-ҳавас ва сохта обрў топиш учун одамлар мол-мулкларини, экин ерларини, ҳовли-жойларини сотиб, ўзлари қийин аҳволга тушиб қолишларини қоралайдилар. Жумладан, М. Бехбудий 1914 йилда “Ойна” журналида чоп этилган “Зўраки бой”, “Бизни кемирувчи иллатлар”, “Эҳтиёжи миллат” каби мақолалари бунга мисол бўлади. “Биз бир таноб ерни 200 сўмга сотиб тўй қилмоқчи бўлсак, “ерни кўп пулға урдим” деб мажнунона шодланурмиз. Инсонни бу қадар аҳмоқлиги ажабдур. Бизга лозимки, тўй ва таъзияларни кичик қилиб ва ҳолимизча ҳаракатда бўлиб, келар замонамизни ўйлайлук. Валлох, хору зору мунқариз бўлмоқ эртаға офтобни чиқишидек муқаррардир. [3,163]

“...Орамизда бўлиб турғон баъзи бидъат ва исрофот ишларини, чунончи, тўй, маърака, гап, базм, ялочи, қозоқлар орасида улоқ, пойга ва жаноза куни бўладурғон исрофотни билкуллия бархам бермоқ лозим”–деб ёзади Мунавварқори [4,106].

Жадидчилар томонидан ўз вақтида танқид қилинган тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказишдаги салбий ҳолатлар бугунги кунда ҳам учраб турибди. Сўнгги йилларда халқимизнинг узок йиллик қадриятлари ва анъаналарини ўзида акс эттирган тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказишда шухратпарастлик, ўзини кўз-кўз қилиш, бошқаларнинг ижтимоий аҳолини инобатга олмаслик, исрофгарчилик, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарини менсимаслик каби иллатлар кўзга ташланмоқда.

Бугунги кунда ўтказилаётган тўйлар айрим кишилар учун обрў топиш учун воситага айланмоқда. Никоҳ тўйларида 50-100 саватлаб, тоғоралаб кийим-кечак, нозу неъматлар, шунингдек тилла тақинчоқлар яширин равишда ҳатто автомобиллар совға қилинмоқда. Тўй эгалари машҳур санъаткорларни олиб келишади, бир неча бош мол-қўй сўйилади, кўп миқдорда ош дамлаб элга тарқатишади, минглаб сўм пулларни ҳофиз ва яқин қариндошлар устидан сочишади ва кераксиз сарф-харажатларни кўпайтириб юборишмоқда. Улар ўзларича халқни едириб ичирган бўлишади. [6,45]

Шунингдек, совуқ маросимларни ўтказиш айрим кишилар учун бойлигини кўз-кўз этувчи сохта обрў ортиришга қаратилган урфга айланиб бормоқда. Ориятли кишилар, ночор

кун кечирувчилар эса бундан жабр кўрмоқда, қарз кўтариб маърака ўтказишга мажбур бўлмоқда. Катта харажатлар оқибатида қарзга ботмоқда ва ундан қутилиш мақсадида чет элга ишлаш учун чиқиб кетмоқда, муҳожирликда оғир шароитда ишлаш, ҳатто ҳаётдан бевақт ўтиш ҳолатлари кузатилмоқда ёки умр бўйи меҳнат қилиб топган мол-мулкидан ажраб қолиш ҳолатлари учрамоқда. Шундай экан кераксиз дабдабалар ўрнига, ўтганларнинг эзгу ишларини эслаб, дуо-фотиҳа қилиш уларнинг руҳини шод этади. Ортиқча маблағлар ҳисобига эса халқ учун зарур иншоотлар қуриб бериш, етим-есирларга ногиронларга ёрдам кўрсатиш, уларнинг миннатдорчилигига сазовар бўлиш чин инсоний фазилатдир.

Шунингдек, юқоридаги салбий ҳолатларнинг тобора авж олиши минг-минглаб оилаларнинг нафақат ижтимоий аҳволига, балки бутун ҳаётига, қолаверса, жамиятимизда қарор топган маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатмоқда. Мазкур ҳолатларга чек қўйиш, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш, аҳоли, айниқса, ёшларда тежамкорлик маданиятини шакллантириш мақсадида тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни қатъий тартибга солишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу мақсадда ҳукуматимиз томонидан ўтказиладиган маросимларга оид бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Бунга амал қилиш мамлакатимиз аҳолисининг маънавий ахлоқий дунёқарашига бевосита боғлиқдир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, жадидчилар ўз асарларида одамларни ўз мулкани исроф қилмасликка, тежамкор бўлишга ва тадбиркорлик асосида ўз меҳнати билан фаровон яшашга даъват қиладилар. Улар боқимандалик, ялқовлик дангасалик, илм ва ҳунар ўрганмаслик, зеҳнини чархламаслик туфайли фаҳмсизланиб, одамларга кулги бўлганларни танқид қиладилар. Жумладан, Мунаввар қори ўзини “Ялқовлик ёвимиздир” номли шеърида куйидагиларни ёзади:

Жаннат каби гўзал юртинг йиғлаб сендан иш кутади
Сенда кўргач ишсизликни, ҳасрат чекиб, қон ютадур
Тур ўрнингдан оч кўзингни,
Айт ёвингга сўнг сўзингни
Ёвинг кимдир биласанми? Нодонликдир, ялқовликдир,
Ёвга қарши курашмаслик-кўрқоқликдир, анқовликдир.

Мунаввар қори ушбу шеъри орқали одамларни хусусан ёшларни дангасалик ва ялқовлик қилмасдан оиласи ва эл-юрти учун меҳнат қилишга чорлайди. Меҳнатга яроқли кишиларни ўз меҳнати орқали ҳаёт кечирishi лозимлигини қайд этади. Фақир киши номидан гапириб: Ўзгаларни текин нонин оч қолсам олмасман, ўз кучимла бир парча нон топиб, уни тишларман, то танимда жоним бордир, ўз касбимдан қолмасман. Ҳозир мени кўзим кўрар, кўлим тутар ишларман.

Жадидчиларни ўз асарларидаги бу чақириқлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Юқорида таъкидлаганимиздек, бозор иқтисодиёти инсонларни тадбиркорлик ва тежамкорлик асосида иш юритишларини талаб этади. Шунингдек, бугунги кунда кмабағаллик муаммосини ҳал этиш масаласи турар экан аҳолини, хусусан ёшларни тадбиркорликка ўргатиш зарурий касб ҳунарга ўқитиш, иқтисодий саводхонлигини ошириш асосида меҳнат қилиб яхши ҳаёт кечирishлари учун барча шароитларни яратиш заруриятга айланмоқда.

Бугунги кунда жадидчиларнинг орзулари ва ўғитлари рўёбга чиқмоқда. Халқимиз, айниқса ёшларимизни тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб қувватлаш, уларга ўз бизнесларини йўлга қўйиш учун катта имтиёзлар берилмоқда. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек “Биз ёшларимизда тадбиркорлик ташаббусини ривожлантира олсак, уларга маблағдан тўғри фойдаларнишни ўргатсак, нафақат иқтисодий, балки қўллаб ижтимоий муаммоларни ҳал этган бўламиз” [2]

Бундан кўриш мумкинки, жамики илмларни, шу жумладан иқтисодий илмларни ўрганиш ва уни ҳаётга тадбиқ қилиб, ёш авлодга ўргатиш ҳар биримизнинг вазифамиздир. Бу борада Президентимиз Ш. М. Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожаатномасидаги куйидаги фикрларни қайд этиш жоиз: “Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг

билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қоқоқлик, жаҳолат ва албатта тўғри йўлдан адашиш бўлади. Шарқ донишмандлари айтганидек, Энг катта бойлик-бу ақл заковат ва илм. Энг катта мерос-бу яхши тарбия, энг катта кашшоқлик-бу билимсизликдир”[1].

Ғарб мамалакатларидан фарқли ўлароқ, бизнинг юртимизда нафақат таълимга балки тарбияга ҳам катта эътибор берилади ва бунга оила, маҳалла, таълим масканлари ҳам масъулдир. Фарзанд тарбияси йўлида ташланган ҳар бир тўғри қадам унинг келажақдаги ўз ўрнини топиб кетиши учун мустаҳкам асос бўлади. Шундай экан, фарзандларимиз келажақига алоҳида эътиборли бўлишимиз керак. Олий маълумот оламан, ўз устимда ишлаб илмли бўламан деган юрагида ўти бор жўшқин ёшларимизнинг таҳсил олиши учун ҳамма қулайликларни яратиб берилаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Биз юқорида буюк аждодларимиз, халқимиз орасидан етишиб чиққан истиқлол қахрамонлари бўлган жадидчиларнинг айрим вакилларинигина иқтисодий қарашларига тўхталдик. Ўзбек халқи бой тарихга эга бўлиб, унинг иқтисодий меъроси эндиликда ўрганилмоқда. Ўйлаймизки, яна қанчадан-қанча янги мутафаккирлар кашф этилади ва кўплаб иқтисодий билим манбаалари очилади. Бизнинг вазифамиз уларни чуқур ўрганиш ва ўз иқтисодий тафаккуримизни шакллантириш, бойитиш асосида иқтисодиётимизни юксалтиришдир.

4.Хулосалар:

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, маърифатпарвар боболаримиз меросини қанчалик чуқурроқ ўргансак ва бу бебаҳо меросдан халқимизни, хусусан ёшларимизни кўпроқ баҳраманд қилсак, бу олтин мерос бугунги кунда мамлакатимиз олдида турган буюк мақсадларга эришишимизда кўмакчи бўлади. Шунингдек, халқимиз ҳаёти, фаровонлигининг юксалишини ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни самарали давом эттиришни, миллий маънавиятимизни юксалтиришни таъминловчи воситага эга бўламиз. Бу восита ёшларимизни, давлат ва оила олдида турган ўз масъулиятларини чуқур англаб етувчи инсоний фазилатларга эга бўлган комил шахс этиб тарбиялашга асос бўлиб хизмат қилади.

Иқтибослар/ Сноски/References:


1. 1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий мажлисга муурожаатномаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь. №18(7521).
2. Билимли авлод –буюк келажақнинг, тадбиркор халқ фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. Президент Ш. Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. <http://xs.uz/uzkr/post/shavkat-mirziyoev-bilimli-avlod-buyuk-kelazhakning-tadbirkor-khalq-farovon-hayotning-dostona-hamkorlik-esa-taraqqiyotning-kafolatidir>.
3. Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. –Тошкент: Маънавият, 1999. – 278 б.
4. Мунавварқори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. –Тошкент: Маънавият, 2003. – 198 б.
5. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. –Тошкент: Маънавият, 2006. -304 б.
6. Хамидхон Набиев. “Қадриятларимиз бўстони”. – Наманган, 2004. – 78 б.

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Гулчехра Собиржоновна Рахимова,
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Қўқон давлат педагогика институти
rakhimova.80@bk.ru

БУХОРО ВИЛОЯТИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРДАГИ ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

For citation: Gulchekhra Rakhimova, CONSEQUENCES OF ECONOMIC PROBLEMS AT INDUSTRIAL ENTERPRISES IN BUKHARA REGION. Look to the past. 2020, vol. 11, issue 3, pp.62-71

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-11-9>

АННОТАЦИЯ

Мақолада XX асрнинг 40-80 йилларида Бухоро вилоятида саноатлаштириш сиёсатининг олиб борилиши, саноат корхоналарининг шаҳарга марказларига, аҳоли гавжум худудларга жойлаштирилиши, саноат корхоналардаги ишлаб чиқариш маҳсулотларининг айниқса Бухоро вилоятида табиий газ маҳсулотларни ўлкага эмас балки, собиқ иттифок манфаатлари учун хизмат қилгани тарихий манбалар асосида баён этилган. Ишлаб чиқаришнинг тез суръатларда бажарилиши саноат корхоналарнинг моддий техник базаларига эътиборсизлиги, техник ускуналарнинг етишмаслиги оқибатида, саноат корхоналарнинг чикиндилари атроф-муҳит аҳолига етказган зарарлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: саноат корхоналари, атроф-муҳит, инсонлар, ишлаб чиқариш, сув, тупроқ, саломатлик, атмосфера ҳавоси, касалланиш.

Гулчехра Рахимова,
Доктор философии по истории (PhD)
Кокандский государственный педагогический институт
rakhimova.80@bk.ru

ПОСЛЕДСТВИЯ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ПРОБЛЕМ НА ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье на основе исторических источников описывается, что в результате политики индустриализации Бухарской области в 40-80-е годы XX века промышленные предприятия располагались в городских центрах, густонаселенных районах, промышленная продукция, особенно природный газ в Бухарской области, служила интересам бывшего Советского Союза. Имеются сведения о быстром внедрении производства, запущенности материально-технической базы промышленных предприятий, отсутствии технической

недостатки, в результате повреждение промышленных отходов на окружающую среду и населению.

Ключевые слова: промышленные предприятия, окружающая среда, люди, производство, вода, почва, здоровье, атмосферный воздух, болезнь.

Gulchekhra Rakhimova,
Doctor of Philosophy in History (PhD)
Kokand State Pedagogical Institute
rakhimova.80@bk.ru

CONSEQUENCES OF ECONOMIC PROBLEMS AT INDUSTRIAL ENTERPRISES IN BUKHARA REGION

ABSTRACT

This article, based on historical sources, describes that as a result of the industrialization policy of the Bukhara region in the 40-80s of the twentieth century, industrial enterprises were located in urban centers, densely populated areas, industrial products, especially natural gas in the Bukhara region, served the interests of the former Soviet Union ... There is information about the rapid introduction of production, the neglect of the material and technical base of industrial enterprises, the absence of technical deficiencies, as a result of damage to industrial waste on the environment and violence

Index Terms: industrial enterprises, environment, people, manufacturing, water, soil, health, atmospheric air, disease.

1.Долзарблиги:

Ҳозирги даврда иқлимнинг глобал ўзгариши, турли касалликларнинг тарқалиши, атроф-муҳитнинг турли компонентлари ва инсониятнинг эко тизимига таъсир етказмоқда. Ўзбекистон ҳудуди бўйича мониторинг маълумотлари XX ва XXI аср бошларида исишнинг тургин тамойилларини кўрсатиб келмоқда, шимолий ярим шар бўйича исишнинг ўртача суръатидан 40 фоизга ортган [1]. Ўзгаришларнинг сабаблари ўрганилганида ер юзида саноат корхоналарнинг ҳаддан ортиқ кўп қурилгани, атроф-муҳитга кимёвий зарарларнинг кенг тарқалиши натижасида заҳарланишлар, сувларни исрофгарчилиги ва аҳоли томонидан табиатга меҳр шавкатнинг йўқолиб бориши билан изоҳланмоқда.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Бухоро вилоятида совет даврида жуда кўплаб саноат корхоналари қурилган. Саноат корхоналари орасида Бухоро газ саноати жуда катта собиқ иттифоқга манфаат келтирганди. Лекин Бухоро газ саноатининг атроф-муҳитга келтирган зарарлари мисли кўрилмаган зарарларни келтирганди.

Бухоро вилоятининг саноати ва иқтисодий ҳолатлари бўйича бир қанча тадқиқот ишларини кўриш мумкин. Тадқиқот ишлари совет даврида олиб борилганлиги боис Бухоро вилоятидаги саноат корхоналарнинг иш жараёнлари ва фаолиятидаги масалаларга бағишланган, саноат корхоналарнинг собиқ иттифоқ иқтисодиётига келтирган даромадлари ҳақида ёртиб берилган. Жумладан, О.Ҳакимов, А.Гуртоненш, В.Сааков, А.Дульман, О.Журақулов, Н.Раимова ва бошқалар[2] Бухоро вилоятидаги саноат корхоналарнинг фаолияти ҳақида илмий изланишлар олиб боришган.

А.Дульман Ўзбекистонда саноат иқтисодий марказларидан бири бўлган Навоий ва Бухоро вилоятидаги нефть ва газ саноатининг 1950-1960 йиллар давомида газ, нефть ишлаб чиқариш механизмларидаги янги ютуқларга эришгани, марказга 1965 йилда 205 минг тонна, 1969 йилда 445 минг тонна нефть маҳсулотларини етказиб берганлиги ҳақида ўз монографисида мактаб ёритиб ўтган[3].

Бухоро вилоятининг ижтимоий аҳоли, аҳоли орасидаги касалланишларнинг сабаблари, экологик вазияти ҳақида ҳам илмий тадқиқот ишларини кўришимиз мумкин.

Жумладан, Л. Бредник, Г.Саидова, Каримова Р[4]лар Бухоро вилоятининг ижтимоий муаммоларини ёритиш борасида илмий изланишлар олиб борган.

Жумладан, Р. Каримова ўз тадқиқотларида Бухоро вилоятининг Бухоро шаҳри худудларида болаларда аллергия касаллиниш кўрсаткичлари кескин ортиб бораётганини, айниқса касалликлар 6-10 ёшдаги болаларда юқори даражада аллергия касалликлар билан болалар шифохоналарига рўйхатда бўлганликларини мақолалари таъкидлаб ўтади. Муаммоларнинг сабаблари ўрганилганида Бухоро вилоятидаги табиий газ саноати корхоналаридаги чиқинди газларнинг атмосфера хавосида меъеридан ортиқ эканлигини ёритиб ўтилган[5]. Лекин олиб борилган тадқиқотларда Бухоро вилояти саноат корхоналарининг атроф-муҳитга, экологик ҳолатга келтираётган зарар ва оқибатлари алоҳида ўрганилмаган.

3. Тадқиқот натижалари:

1940-йилларда Бухоро вилоятида саноат корхоналарни қурилишини жадаллаштириш мақсадида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати йўлга қўйилганди. Жумладан, цемент, ғишт ва бетон маҳсулотларини ишлаб чиқариш кенгайтирилганди. Уй-жой, саноат корхоналар объектларини тезлик билан қурилиш ишларида табиий ресурслар катта аҳамият касб этарди. Бухоро вилоятининг бой табиатини марказнинг саноатлаштириш сиёсатига жуда қўл келди. Худуднинг барча табиий ресурсларидан мислсиз даражада қўп фойдаланишни сиёсат тақозо этарди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Бухоро вилоятида оғир саноатни ривожлантириш бўйича бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилганди. Саноат корхоналари жадаллаштирилган ҳолда қурилиши бир қанча камчиликлар келтириб чиқарди. Бухоро вилоятида пахта тозалаш, ёғ-мой, пойафзал, тикувчилик, ипак қурти уруғи фабрикалари, ғишт, цемент, бетон ва шу каби қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, металл таъмирлаш заводлари фаолият юритиб келганди[6]. Чала битказилиб ишга туширилган объектлар ишлаб чиқариш фаолияти давомида атмосферага чанглари, чиқинди сувларини назоратсиз ариқ ва каналларга ташлаб келди. Атроф-муҳитга зарар келтирган чиқиндилар ўз навбатида аҳоли саломатлигига ҳам салбий таъсирларни кўрсатиб келди. Бухоро вилоятидаги аҳоли саломатлигида жиддий ўзгаришлар Ўзбекистон раҳбариятини ташвишга солсада, марказ бундай ижтимоий муаммоларга бепарволик назарида қараб келди. 1947-йилларда Бухоро вилояти аҳоли орасида моляр (сувдан заҳарланиш) ошқозон-ичак касалликларнинг тез тарқалиши кўрина бошланди[7].

Бухоро вилояти	1947 йил	1948 йил	1949 йил	1950 йил
Моляр касаллиги	451	1612	620	551

Агар бу касаллиниш кўрсаткичларини республика бўйича таққослаганда ҳам барча вилоятларга нисбатан Бухоро вилоятида хаддан ортиқ касаллик авжлангани кўринарди.

Ўзбекистон республикаси бўйича моляр(сувдан заҳарланиш) касаллигининг динамикаси[8].


Вилоятлар	1948 йил	1949 йил	Фарқлар
Тошкент вилояти	10226	6331	-
Бухоро	29625	49024	+65.6
Самарқанд	54924	38921	-
Қашқадарё	10431	7807	-
Сурхондарё	9398	8566	-
Хоразм	8351	5179	-
ҚҚ АССР	6435	4545	-

Ўзбекистон республикаси вилоятлар кесимида барча вилоятларда касаллиниш йилларга нисбатан камайиб борган бўлса-да, Бухоро вилоятида аксинча йиллар давомида

кескин ортиб бориши аниқланганди. Сувлар ва табиатнинг саноат корхона чиқиндиларидан ифлосланиши аҳоли орасида ижтимоий муаммоларга сабаб бўлганди.

Ўзбекистонда кимё саноат корхоналари Бухоро вилоятининг марказий шаҳарларига жойлаштирилган бўлиб, оғир кимё, қурилиш саноат корхоналарнинг йил давомида ишлаб чиқариш ҳажми бошқа ишлаб чиқариш маҳсулотларига қараганда анча кўп бўлган[9]. Бухоро вилояти табиий газ захирасининг макони ҳисобланиб, 1950-йилларда Бухорода улкан газпровод магистраллари қурила бошланди. Мақсад, Бухоро-Урал магистраль қувирлари орқали табиий газ олиб кетиш йўлга қўйилган. Газ қувирларининг йиллар давомида таъмир ишларини олиб борилиши қаттиқ назорат остида бўлган. 1958-1965 йилларда Бухоро-Урал газ саноатида ишлаб чиқариш газни қазиб олиш, бурғалаш ва тармоқ цехларида газни қайта ишлаш кескин ўсган. Лекин, газ ишлаб чиқариш саноат корхонасининг техник аҳволи 1970-йилларга келиб талабга жавоб бермади. Газни олибкетиш мақсадида қурилган қувирлар доимий тозаланиб турилмаган, газ чиқиндиларини фильтрлаш иншоотлари экирган ва талабга жавоб бермасди. Бухоро газ саноати корхонасида ҳам ижтимоий техник санитария аҳволи етарлича таъминланмаган. Оқибатда қувирларда тўпланган захарли газлар Бухоронинг иссиқ кунлари атмосферага кўтарилиши атмосфера ҳавосини ифлослаб келган. Бухоронинг табиий ресурсларидан руда қазиб олиш фаолияти ҳам саноат корхонада бир мунча техник камчиликларга эга бўлган.

Айниқса уй-жой қурилишида, объектларни қурилишида пишган ғишт асосий аҳамият касб этди. Ер, сув ресурслари ғишт саноати учун хизмат қила бошлади. Ғишт саноатини ривожлантириш Бухоро вилоятида 1960-йилларда хаддан ортиқ кўплаб ғиштиларни ишлаб чиқаришга олиб келган[10].




Собиқ Иттифоқ даврида 1962 йилдан бошлаб Қизилкум ерларидан рудалар қазиб олиниб, улардан олтин ва қимматли металллар ажратиб олиш жараёнида миллионлаб тонна чиқиндилар ер бетига ташланган, чиқиндилар таркибида анча миқдорда олтин каби металллар қолдиқлари аниқланган[11]. Бундан маълумки, собиқ Иттифоқ ўлканинг ер ости ва ер усти бойликларини тежамкорлик билан ишлата олмагани, уларни исроф этиш билан биргаликда ер ости ресурсларининг қимматли металлларини ҳам чала чиқинди ҳолатида ташлаб кетганлиги аниқланди. Ер ости бойликларини қазиб олиш билан бирга, улардан эффектив, кам чиқиндисиз фойдаланиш технологияларини қўлланилмаслиги республикага нисбатан илмий-техник тадқиқотларнинг ва замонавий тежамкор техникаларнинг олиб келинмаганлиги маълум эди.

Техник тозалаш, фильтр, чангларни ушлаб қолувчи қурилма, винтеляция ускуналарнинг етишмаслик каби камчиликлар билан бунёд этилаётган корхоналар йиллар давомида уларнинг сони ортиб борди. 1963-йилга келиб, Бухоро вилоятида янги пахта тозалаш, тери тозалаш, пилла тозалаш, пайяфзал ишлаб чиқариш, ёғэкстракти тайёрлаш, сут маҳсулотларини тайёрлаш, нефть маҳсулотлари, ғишт ва улкан газ саноат корхоналари бунёд этилди[12]. Саноат корхоналарни қувват билан таъминлашда электростанциялар ҳам саноат корхоналари яқин ҳудудларига жойлаштирилди. Айниқса, Бухоро вилоятининг Ғазалкент туманидаги газ саноат корхонаси учун қувватловчи манба электростанция янги технологиялар асосида қурила бошлаганди.

Бухоро вилоятининг табиий ресурслардан фойдаланишга асосланган учта маъдан конлари мавжуд бўлиб, Шимолий, Марказий ва Жанубий маъдан конлари бошқармалари

фаолият кўрсатиб келган. Бухоро маъдан конлари таркибидан ташқари атроф худудлардаги Учқудук, Зарафшон, Мурунгов, Навоий ҳамда, Советобод атрофидаги конларни ҳам бошқариб келганди. Биргина мисол, Мурунгов олтин конидан 1969 йилдан бошлаб то мустақиллик йилларигача олтин ёмбиси ишлаб чиқариб, маҳсулотни марказга жўнатиб келди[13]. Марказ томонидан белгиланган режадаги мажбуриятлар табиий ресурсларни зудлик билан қазиб олиш, биродарчилик борасида марказга йўлланиши назарда тутилганди. Лекин вақтлар келиб қазиб олинаётган табиий ресурсларни ўрнини босадиган қўшимча таъминотларни тайёрлаш умуман марказни қизиқтирмади.

Ўзбекистонда қора металл қазиб олинishi[14]. 1940-1965 йиллар.



Марказ учун йўлланаётган табиий бойлик ва ресурслар Ўзбекистон халқига манфаат келтирмади. Аксинча аҳоли совет даврларида чекка кишлокларда газ, нефть маҳсулотлари нима эканлигини билмай ҳаёт кечирдилар. Газ ва нефть саноатини ривожлантириш учун собиқ иттифок ҳар қандай ишларга ва маблағларни сарф этишга тайёр эди. Йиллар давомида олиб кетилган бойликларнинг ўрнида вужудга келган Ўзбекистондаги газ ва нефть саноатида юзага келаётган иқтисодий, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда эса иттифокнинг маблағлари етарли бўлмай қолганди. Иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ўз вақтида ҳал этилмаслиги саноатлаштириш сиёсатининг катта хатоларидан бири бўлиб қолаверди.

Саноат корхоналаридаги иқтисодий муаммолар, техник таъминоти учун маблағларнинг етарли эмаслиги кетидан ижтимоий муаммоларни юзага келтирганди. Заҳарли чиқиндилардан атроф-муҳитнинг ифлосланиши, аҳоли орасида касалликларнинг ортиши билан боғлиқ муаммолар республика раҳбариятини назоратга чорлай бошлади. Бухоро вилоятида табиатни муҳофаза қилиш борасида Халқ назорати комиссарлари томонидан назоратлар олиб борилди. Назоратлар давомида 1979-йилда вилоятнинг пахта тозалаш заводлари учун ажратилган техник ускуналарнинг режада қандай таъминланганлиги ўрганилиб, пахта тозалаш заводларидаги атмосфера ҳавосига ва сувларга етказилган зарарлар текширилди. Маълумотларда, Бухоро вилоятининг барча пахта тозалаш заводлари учун режада 300 та тозалаш фильтрлари, кондиционерлар, винтеляциялар олиш учун маблағлар ажратишга қарор қилинган. Лекин, ушбу қарор ижроси бўйича 183 та техник тозалаш ускуналари олиб келинган[15]. Қолган техник ускуналар маблағларнинг етарли эмаслигидан тўла таъминотга эга бўлмаганди. Пахта тозалаш заводларида пахта тозалаш жараёни давомида пахта кимёлашган воситалар ёрдамида ювилган, қуритилиб, станоклар ёрдамида ўраб олинган. Пахтанинг қуритилган қисмидаги чанглар сушелка ускуналари ёрдамида филтердан ўтказилиб, қолган қисми атмосфера ҳавосига ташлаб келинган, пахтани кимёлаштирилган чиқинди сувлари тозалаш техникалари ёрдамида ушлаб қолиниб, тозаланган қисми канализациялар орқали ахлат майдонларига ташлаб турилган. Техник таъминот атроф-муҳитнинг муҳофаза тизимидаги асосий омил эди. Саноат корхона техник жихатдан тозалаш ускуналарига эга бўлмаса чиқинди сувлар ариқ ва каналларга ташлаб келинган ва чиқинди чангалар эса атмосфера ҳавосига ташлаб юборилган.

Бундан ташқари, Бухородаги пахта тозалаш заводлари таъмир талаб даражасига етиб қолганди. 1979-йилда белгиланган ва режалаштирилган ремонт ишлари республиканинг атиги 12 та пахта тозалаш заводларида олиб борилган. Бухоро вилоятининг пахта тозалаш заводлари бирорта ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилмади[16]. Натижада, пахта тозалаш заводлари чиқиндиларидан яқин атрофдаги табиат ва аҳоли зарарланганди.

Экологик муаммолар нафақат аҳолига, балки уни ўраб турган табиати, жонзотларига ҳам салбий таъсир этади. Бухоро вилоятининг ўзига хос бой табиатида ўзгача хайвон турлари ҳам мавжуд бўлган. Тарихан Бухородаги жайронлар бутун дунёни ўзига ром этиб келганди. Саноат корхоналарнинг кўплаб қурилиши хайвонот дунёсидаги ер майдонларининг қисқаришига ҳам сабаб бўлган. Саноат корхоналарнинг шовқини, чиқиндилари хайвонларнинг маълум миқдорда кўпайишига салбий таъсир этиб, уларнинг худудда йўқолиб боришига сабаб бўлади. Марказга Бухоро худудларидаги хайвонларнинг баъзи турларини камайиб бориши, табиатдаги вазиятларнинг ўзгариши каби муаммоларга бағишланган мурожаатлар 1976 йилда республикада биринчи марта Бухоро вилоятида 5145 га майдонда жайронларни боқиш бўйича ихтисослаштирилган питомник ташкил қилинишига олиб келди. 1989 йилда питомник ноёб хайвон турларини кўпайтириш бўйича республика илмий-ишлаб чиқариш маркази – “Жайрон” экомарказига айлантирилди ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси таркибига кўшилди[17]. Лекин, табиатга жиддий зарар келтираётган саноат корхоналар фаолиятини чеклаш тадбирлари амалга оширилмади.

Табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари давомида 1983 йилда Бухоро вилоятининг 25 та Бухоро, Ғиждувон, Когон шаҳарларида жойлашган пахта тозалаш заводлари атмосфера хавосига чиқинди чанглари[18] ва заҳарли моддаларни чиқариб ҳавони ифлослаб келаётгани аниқланганди.

№	Моддалар	Миқдори
1.	Углерод оксиди	1.6
2.	Двухоксид азот	5
3.	Серний газ	5

Саноат корхоналарнинг чанг тозалаш техник ускуналари етарли бўлмаганлиги боис корхона заҳарли чанглари атроф худуддаги атмосфера ҳавосини ифлослантирган. Бухоро вилоятининг пахта саноат корхоналаридан ташқари, оғир саноати тармоғи: кўмир конлари, нефтьни қайта ишлаш ва газ саноати ҳам атмосфера ҳавосини ифлосланишига катта таъсир этган.

Бухоро вилоятининг кон, кўмир ва нефть саноати совет иттифоқи даврида ривожланган тармоқлардан бири эди. Табиий газ, нефть, кўмир ва маъдан қазилмаларни олишда, уларни меъёрига етказиб тозалаш ва ишлатиш жараёнида инсон ҳаёти учун хавфли бўлган олтингугурт ва бошқа газлар ажралиб чиққан. Шу жумладан Бухоро вилоятида кўплаб табиий газ қазиб олиш давомида табиатнинг барча тирик организмларига ҳар томонлама салбий таъсирлари сезилган. Шунинг учун газ саноати бутун дунёда табиатга тез таъсир этувчи оғир саноат ҳисобланади. Ўзбекистонда газ қазиб олишда табиатни муҳофаза қилиш тизимини жорий этиш учун газ саноати билан боғлиқ ҳолда, газни қўшимча компонентлардан тозалайдиган маркази Муборак газ вужудга келган. Табиий газни атмосферага тарқалишини олдини олиш ўта муҳим эди. Шу сабабли ёнилғи-энергия саноати комплексига тегишли корхоналар ишини такомиллаштириш, уларни чиқитсиз тизимга ўтиришини тезлаштириш муҳим бўлган[19]. Ўзбекистонда газ ва нефтьни қазиб олиш суръатлари жуда тезликда амалга оширилди. Барча транспортлар, поездлар саноат иқтисодий шаҳарларнинг марказларига қурилган бўлиб, саноат корхона маҳсулотларини ташишга мослаштирилди.

Ўзбекистонда 1940-йилдан то 1974-йилгача қазиб олинган газ ва нефть ҳажми[20].

Йиллар	Табиий газ-млн.м3	Нефть, газ конденсати билан минг тонна
1940 й	0.7	119
1965 й	16474	1800
1970 й	32091	1805
1971 й	33653	1753

1972 й	33739	1595
1973 й	37104	1535
1974 й	37064	1395

Жадвалда газ ва нефть қазиб олиш 1965 йилларда кескин оширилган, 1970-йилларга келиб эса нефть қазиб олишда нефть маҳсулотларининг ҳажми камайиб бориши кузатилган. Бу эса нефтьнинг Ўзбекистон ҳудудларида камайиб бораёганини кўрсатганди. Бирок, газ қазиб олишда Бухородаги табиий газнинг режасиз, назоратсиз қазиб олиб кетилиш жараёни катта ҳажмда бўлганлигини Ўзбекистоннинг вилоятлари кесимида кузатилганида қуйидаги манзара пайдо бўлган. Газ қазиб олиш саноат корхоналаридаги ишлаб чиқариш ҳажми (миллион куб метр) [20].

Вилоятлар	1940 й	1965 й	1970 й	1971 й	1972 й	1973 й	1974 й
Андижон	0.1	165.3	144.7	139.2	127.8	133.3	109.7
Бухоро	-	15990	28237	29038	27935	29413	28940
Фарғона	0.6	303	464	475	488	499	536
Қашқадарё	-	-	3232	3980	5166	7031	7453

Маълумки газ, нефть маҳсулотлари дунёнинг қора олтини ҳисобланади. Нефть конларининг бурғаланишида йўл қўйилган хатолар нефтьнинг увол бўлиши ва нефтьнинг оқимларига катта таъсир этади. Нефтни ногўри қазиб олиниши нефть ўзанида ўзгаришлар юзага келтиради. Нефть ўз оқимини ўзгартириш ва умуман бошқа йўналишларга кетиб қолиши собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистон ҳудудларида кўп кузатилганди. Нефтни меъеридан ортиқ қазиб олиниши нефть захираларига катта таъсир этди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда нефть маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ҳажми пасайишига сабаб бўлган.

Собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистонда нефть қазиб олишининг ҳажми [20].

Вилоятлар	1940 й	1965 й	1970 й	1971 й	1972 й	1973 й	1974 й
Андижон	15	992	629	620	589	558	527
Бухоро	-	205	455	419	258	249	187
Қашқадарё	-	29	334	339	356	407	374
Наманган	-	15	-	-	-	-	-
Сурхондарё	82	211	198	192	171	160	156

Қазиб олинаётган табиий газ ва нефть маҳсулотларининг саноат корхоналари келажаги, техник аҳволи иттифоқ қарори ва белгиланган режаларига киритилмаганди. Лекин бутун Иттифоқни газ билан таъминлаб келган Бухоро вилоятидаги Муборак газ саноати етарлича техник таъминотга эга бўлмади. Йиллар давомида газ ишлаб чиқариш билан боғлиқ жараёнлардан саноат корхонанинг техник ускуналари емирила бошлаганди. 1979-йилда Бухоро вилоятида жойлашган Муборак газ саноати авария ҳолатига келиб қолди. Захарли газларни тутиб қолувчи тезник ускуналар эскириши газларни тозаланмасдан атмосфера ҳавосига ташланишига олиб келди. Оқибатда, 1979-йилда Бухоро вилояти атмосфера ҳавосида захарли газларнинг чиқинди миқдори 1.5-2.5 бараварга ортган [21]. Вилоят сувларида ҳам газ саноати корхонасининг чиқинди сувларидан ифлосланиши ҳудуд экологик вазиятини ўзгаришига сабаб бўлганди. Атроф-муҳитнинг кескин ўзгариши Муборак газ саноатининг таъмирланишга муҳтож эканлигидан дарак берарди. 1976-йилда собиқ Иттифоқ томонидан Бухоро газ саноатини таъмирлаш ишлари учун маблағ ажратилганди. Таъмирлаш ишлари режасида Муборак газнинг ёрдамчи Газли, Учқир, Шўртан газ саноати корхоналари таъмирланиши зарур бўлган. Аммо, 3 йил давомида ҳам режалаштирилган ишлар амалга оширилмади. Натижада, саноат корхонанинг фаолиятида иқтисодий муаммолар юзага келди.

Техник носозлик, ускуналарнинг эскириб ишламаслик ҳолати заҳарли чиқиндиларни атроф-муҳитга тарқалишини кескин ортишига сабаб бўлди[22].

Бухоро вилоятининг газ, нефть саноати корхоналари йиллар давомида техник таъмир этилмади. 1984-йилда олиб борилган текширувлар натижасида Бухоро вилоятида жойлашган саноат корхоналарнинг техник аҳволи текширилган. Саноат корхоналарда техник тўминотнинг йўқлиги, тозалаш ускуналарнинг етишмаслиги, филтер ва кондиционерларнинг эскириб ишдан чиққанлиги аниқланганди. Саноат корхонанинг чиқинди сувлари тозаланмаслиги ер ости сувларининг ифлосланишига олиб келган. Натижада, Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида сувларнинг нефть, газ қолдиқлари билан ифлосланиш ҳолатлари кузатилганди[23]. Бундан ташқари сувларнинг ифлосланиши ер ости сувлари билан бирикиши натижасида, аҳолининг ичимлик сувларида ҳам нефть, газ қолдиқлари зарралари топилган. Аҳоли ичимлик сувлари ичишга яроқсиз деб эътироф этилганди. Сув билан боғлиқ барча экологик тизимдаги хайвон ва ўсимликлар чиқинди сувлардан заҳарланганди. Мазкур ҳолатлар юзасидан марказий раҳбарият ҳеч қандай атроф-муҳитни муҳофазаси борасида чора-тадбирларни амалга оширмаган.

Бухоро вилояти экологик аҳолининг муаммоларини кескинлашувида Навоий азот кимё саноат корхонаси ҳам таъсири катта бўлди. Бухоро вилоятининг аҳоли ичимлик сувларида Навоий азот кимё саноати корхонаси чиқинди сувларидаги заҳарли кимё бирикмалар аниқланганди. Навоий азот кимё саноат корхонаси текширувлари давомида корхонада ишлаб келаётган техник тозалаш ускуналари 20 фоизи ишдан чиққан бўлиб, чиқинди сувларни тозалаш ишлари сифатсиз амалга оширилиб келингани таъкидланган[24]. Натижада, Бухоро вилоятининг ариқ ва каналларидаги сувлар фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келиб қолган. Сувларнинг ерга сингиб бориши эса тупроқнинг сифатига ҳам таъсир этганди.

1984-1985-йилларга келиб Бухоро вилоятида экологик вазият кескинлашганди. Бухоро вилоятининг аҳолиси ичимлик сувларида ифлосланиш миқдори юқори бўлди. Натижада, аҳоли чорвачилик, боғдорчиликда фойдаланиб келаётган яқин каналлар ва ариқларнинг ўсимлик дунёсида касалланиш сони ортган[25]. Ариқ ва каналларнинг ифлосланган сувлари дехқончилик ва боғдорчиликга таъсир кўрсатиб келган. Турли саноат корхона чиқиндилари билан ифлосланган сувлар ўсимликларнинг қуришига сабаб бўлганди. Аҳоли истеъмол қиладиган табиий озиқ-овқат маҳсулотларида танқисликлар кўзга кўрина бошлади. Бундай ижтимоий муаммоларга қарши маъмурият ёки саноат корхоналарнинг раҳбарлари табиатни муҳофаза қилишда ҳеч қандай чора-тадбирларни амалга оширмади.

1988 йилга келиб Бухоро вилоятида саноат корхоналарнинг сони 280 тага етган. Техник моддий таъминоти етарли бўлмасида фаолият юритиб келаётган ушбу саноат корхоналардан 256 минг тоннадан зиёд турли заҳарли газларни атмосфера хавосига ташлаб келди. Табиатни муҳофаза қилиш учун ташкил этилган назорат органлари 1985 йилларга келиб табиатдаги баъзи муаммоларни секин аста овоза қила бошлаганди. Халқ назорати органлари томонидан табиатга етказилган зарарларни қоплаш борасидаги ишлар марказ буйруғи билан амалга ошириб борган. Лекин, 1986 йилларда ташкил этилган табиатни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига Ўзгедрометирология бўлимлари ташкил этилиб саноат корхоналарнинг чиқиндиларини назорат қилиш бўйича чора-тадбирларни олиб бордилар. Саноат корхоналаридаги техник ҳолатлар назоратида давомида Бухоро вилоятидаги 200 дан ортиқ саноат корхоналарида 46 фоиз газ-чанг ушлагич мосламалари ўрнатилганлиги[26] аниқланди. Бундан кўриниб турардики, саноат корхоналарнинг қолган 64 фоизидаги чиқинди газлар атмосферага ташлаб келинганлиги аниқ эди.

Бундан ташқари аҳоли ичимлик сувлари ва яқин ариқлардаги ҳолатлари текширилганида 1989-йил Бухоро вилояти аҳоли ичимлик сувларининг нефть маҳсулотларидан зарарланган ҳолатлари аниқланганди[27]. Аҳолининг ичимлик сувлари сифатсиз ва истеъмолга яроқсиз эканлиги, нефть ишлаб чиқариш саноат корхоналаридаги техник носозликларнинг мавжудлигидан дарак берган. Давлат табиатни муҳофаза қилиш органлари текширувлари фақат қоғозларда қолиб кетди. Улар томонидан текширилган саноат корхоналаридаги техник носозлик, ускуналарнинг етишмаслиги каби моддий

таъминотлар билан боғлиқ муаммолар олди олинмади. Теширувлар Марказий Комитет ва Компартиялар томонидан съездларда таъкидланиб ўтилсада, саноат корхоналарнинг моддий техник базаси таъминоти учун маблағлар ажратилмади. Натижада, саноат корхоналарнинг техник носоз фаолияти яна давом этди. Бундан табиат ва аҳоли азият чекиб келди.

4. Хулосалар:

Хулоса ўрнида, Бухоро вилоятидаги саноат корхоналари марказнинг манфаатларига хизмат қилди. Айниқса, Бухоро вилоятидаги табиий газ саноати марказга маҳсулотини етказиб беришда, барча саноат корхоналари бир-бирига боғланган ҳолда фаолият олиб борди. Қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш саноат корхоналари газ қувирларини ишлаб чиқаришга, табиий газни жиловлашда тозалаш цехларини яратилишига, нефть маҳсулотларини қайта ишлашга мослаштирилган. Йиллар давомида Бухоро вилоятдан олиб кетилган табиий газ Ўзбекистон аҳолисини таъминлаш режасига киритилмади. Лекин, табиий газ учун хизмат қилиб келган саноат корхоналарнинг моддий техник ҳолати янгиланмади. Замонвий технологиялар билан таъминланмади. Газ саноати корхоналарининг чиқинди газлари, чиқинди сувлари атрофга назоратсиз ташлаб келиниши, табиатни, аҳолини экологик ҳолатини зарарлаганди.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. National report on the state of the environment and use of natural resources in the Republic of Uzbekistan-2008. (Retrospective analysis for 1988-2007). – Tashkent: Chinor ENK. 2009. – P. 31.
2. Khakimov O. The history of the development of the gas and oil industry of Uzbekistan in 1950-1970 (On the mater. Bukhara region: Dist...cand...hist..scien: - Tashkent, 1974.; Gurtoiyensh A. From the history of the development of industrial capitalism and the emergence of the proletariat from the indigenous population in Uzbekistan at the end of the 19th and the beginning of the 20th centuries. Dist...cand..histor...scienc: -Tashkent,1954. -P. 342; Saakov V.T.Workers in the struggle for the development of industry in Bukhara region (1959 -1965). Dist...cand..histor...scienc: -Tashkent, 1967.; Dulman A.D Economic efficiency in the development and location of the chemical industry in Bukhara - Navoi industrial region: (Review). - Tashkent, 1971; Dzhurakulov O. History of the creation and development of the gas industry of Uzbekistan: Dist...cand..histor...scienc: -Tashkent, 1967. –P.272. Raimova N. Workers of Uzbekistan in the struggle for the development of the cotton ginning industry (1959-1965): Dist...cand..histor...scienc: -Tashkent, 1968.
3. Dulman A.D Economic efficiency in the development and location of the chemical industry in Bukhara - Navoi industrial region: (Review). - Tashkent, 1971. –P. 127.
4. Berdnik L. Socio-ecological adaptation of the population in conditions of radioactive contamination. Author's abstract, dissertation, cand. social sciences. Yekaterinburg. 2005. -P. 28.; Saidova G. Origins of mining and processing industries in Uzbekistan // Historical sciences. 2018. No. 2. –P. 24.; Karimova R. Clinical forms of manifestation of acute allergic conditions in children // Bulletin of the Council of Young Scientists and Specialists of the Chelyabinsk Region No. 2 (17) T. 3 2017. –P. 40-45.; Yuldasheva Sh, Ismatova N. Ensuring the ecological purity of dietary food products // Ecological Bulletin. 2018. No. 1. –P. 34-38.
5. Karimova R. Clinical forms of manifestation of acute allergic conditions in children // Bulletin of the Council of Young Scientists and Specialists of the Chelyabinsk Region No. 2 (17) T. 3 2017. – P. 40-45.
6. National economy of the Uzbek SSR in 1965. Static yearbook. Tashkent. Uzbekistan. 1966. – P. 71.
7. Ahmedov E, Saydaminova Z. Republic of Uzbekistan. –T.: Uzbekistan. 1998. –P. 96.
8. National Archive of the Republic of Uzbekistan. Fund-837, list-33, work-6564, sheet-27.
9. National Archive of the Republic of Uzbekistan. Fund-837, list-33, work-6564, sheet-29.
10. Chemical Industry Economics Uzbekistan. Tashkent. 1972. –P. 54.


11. Ergashev A, Ergashev T. Ecology, biosphere and nature protection. - Tashkent. "The new generation". 2005. –P. 281.
12. Ulmasbaev Sh, Sliva S. Industrial development of Uzbekistan for the years of the Soviet power. Tashkent. Fan. 1965. –P. 230,
13. Zokirov M. Gold of Uzbekistan. "Labor." 1993. 21 May.
14. The national economy of the Uzbek SSR in 1965. Static yearbook. –Tashkent: Uzbekistan, 1966. –P. 62.
15. National Archive of the Republic of Uzbekistan. Fund-2772, list-1, case-921, sheet-14.
16. National Archive of the Republic of Uzbekistan. Fund-2772, list-1, case-921, sheet-73.
17. National Report on the state of the environment and use of natural resources in the Republic of Uzbekistan-2008. (Retrospective analysis for 1988-2007). – Tashkent: Chinor ENK, 2009. –P.25
18. National Archive fund of the Republic of Uzbekistan Fund -2742, volume-1, case-273, sheet-29
19. Saidov A. We preserve Mother Nature. Tashkent. "Fan". 1986. –P. 38
20. The national Economy of Uzbek SSR in 1974. Static Yearbook. –Tashkent: Uzbekistan, 1975. – P. 79.
21. National Archive of the Republic of Uzbekistan. Fund-2742, volume-1, case-169, sheet-91.
22. National Archive of the Republic of Uzbekistan. Fund-2742, volume-1, case-169, sheet-94.
23. National Archive of the Republic of Uzbekistan. Fund-2742, volume-1, work-330, sheet-197.
24. National Archive of the Republic of Uzbekistan. Fund-2742, volume-1, case-204, sheet-224.
25. National Archive of the Republic of Uzbekistan. Fund-2772, list-1, work-330, sheet-90.
26. Yuldasheva B. From the history of approaches to environmental issues in the 80s of the XX century (on the example of Bukhara region) // A look at the past. Tashkent. 2020. Special issue. № 4. –P. 640.
27. Addresses of nature destroyers. Pravda Vostoka 21 June, 1989.

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Иродахон Расуловна Тишабаева,
Фарғона давлат университети
мустақил тадқиқотчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ (1960-1990 йиллар)

For citation: Irodaxon R. Tishabaeva, FORMATION OF PRESCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS IN UZBEKISTAN (1960-1990). Look to the past. 2020, vol. 11, issue 3, pp.72-79

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-11-10>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада 1960-1990 йилларда Ўзбекистонда мактабгача таълим муассасалари тармоқларининг кенгайиб бориши, мактабгача ёшдаги болаларни таълим муассасаларига қамраб олиш даражасиилмий, тарихий адабиётлар ва манбалар асосида ёритиб берилган. Шунингдек, мактабгача таълим муассасалари, шаҳар ва қишлоқ болалар боғчаларига болалар қатнови ва демографик кўрсаткичлари тадқиқот доирасига тортилган.

Калит сўзлар: режа, моддий база, қамров, тавофут, ижтимоий, объект, ҳомий, ихтисослаштирилган.

Иродахон Расуловна Тишабаева,
Ферганский Государственный Университет
кафедра история Узбекистана,
независимый исследователь

ФОРМИРОВАНИЕ ДОШКОЛЬНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ (1960-1990 гг.)

АННОТАЦИЯ

В статье на основе научной, исторической литературы и источников описывается расширение сети дошкольных учреждений в Узбекистане в 1960-1990 годах, уровень охвата дошкольников в образовательных учреждениях. В исследование также включены посещаемость и демографические казатели детей в дошкольных учреждениях, городских и сельских детских садах.

Ключевые слова: план, материальная база, охват, разница, социальное, объект, спонсор, специализированный.

Irodaxon R. Tishabaeva,
Fergana State University independent researcher.

**FORMATION OF PRESCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS IN UZBEKISTAN
(1960-1990)****ABSTRACT**

This article describes the expansion of the network of preschool education institutions in Uzbekistan in 1960-1990, the level of coverage of preschool children in educational institutions on the basis of scientific, historical literature and sources. The study also included children's attendance and demographic indicators in preschools, urban and rural kindergartens.

Index Terms: plan, material base, coverage, difference, social, objekt, sponsor, specialized.

1.Мавзунинг долзарблиги:

Ҳар бир давлатнинг юксак тараққиёти болаликда олинган таълим ва тарбия билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистонда ёш авлод тарбиясининг бирламчи бўғини ҳисобланган мактабгача таълим тизимини юксалтириш, боғчаларни моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни мохир педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни умумтаълим муассасаларига сифатли, самарали тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро юртнинг порлоқ истиқболини яратиш, унинг номини кенг ёйиш, улуғ аждодлар томонидан яратилган миллий-маданий меросини жамиятга намойиш этиш, мустақил Республикамизнинг ривожланган мамлакатлар қаторидан жой эгаллашини таъминлаш ёш авлодни комил инсон ва малакали мутахассис қилиб тарбиялашга боғлиқдир. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан мактабгача таълим муассасалари тармоғини ҳозирги замон талаблари ва стандартлари асосида ривожлантириш, уларни реконструкция ва модернизация қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2017 йил 30 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизимини бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борада амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтарди [1].

Ўзбекистонда мактабгача таълимнинг ривожланиш жараёнининг совет ҳокимияти йилларидаги тарихини ўрганиш ҳам бугунги кунда муҳим аҳамиятига эга. 1960-1990 йилларда республикада мактабгача таълим муассасаларининг кўпайиб бориши, мактабгача ёшдаги болалар қамровининг ошиши, янги биноларнинг қурилиши, қамровни ошириш мақсадида мослаштирилган бинолардан фойдаланиш, мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш мақсадида республика йирик давлат ташкилотлари ва колхозларга бириктирилиши, турғунлик давридаги хусусиятларини ўрганиш унинг бугунги кундаги ривожланиш омиллари ва ундаги камчиликларни бартараф этишга ёрдам беради.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-манتيкий таҳлил, кетма-кетлик, ҳолислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, 1960-1991 йилларнинг даврий чегарасида мактабгача таълим муассасаларининг кўпайиб бориши, мактабгача ёшдаги болаларни таълим муассасаларига қамраб олиниши даврий нашрлар ва архив манбаларида келтирилган маълумотлар асосида таҳлил қилинди. Ушбу йилларда мактабгача таълим муассасаларига болалар қатновининг ошиб бориши, шаҳар ва қишлоқ боғчаларидаги ўртасидаги тафовут, солиштириш, қиёслаш усуллари орқали ёритишга ҳаракат қилинган.

Совет ҳокимияти йилларида мактабгача таълим тарихига оид бир неча илмий изланишлар олиб борилган бўлсада, ўша даврнинг ғоявий концепцияси асосида яратилган. Ушбу давр тарихшунослигида йирик илмий асарлар нашр этилмаган, лекин мавзунинг айрим жиҳатлари қисман ёритилган. 1960-1990 йилларда мактабгача таълим соҳаси маориф тизимини бир булагига бўлгани ҳолда, бу соҳа ёритилган асарларнинг айримларида қисқа маълумотларда бериб ўтилган. Хусусан, М.Хаджиева ўзининг «Социальное развитие села Узбекистана в конце 70-х и начале 80-х годов: опыт и проблемы» номли диссертациясида ўша даврдаги қишлоқ боғчаларининг ҳолати, аҳолининг мактабгача таълим муассасаларига бўлган эҳтиёжи архив материалларидан фойдаланган ҳолда ёритиб беришга ҳаракат қилган.

Бундан ташқари мавжуд муаммоларга ҳам тўхталиб, боғчалар етишмаслиги ва уларнинг қурилишига ажратилган маблағлар қисқартирилганлигини айтиб ўтган.

Совет даврида мактабгача таълим тизими ҳақида педагогика соҳаси вакиллари бир қатор асарлари нашр этилган. Бу асарларни ўрганиш давомида 1960–1990 йилларда мактабгача таълим муассасаларини кўпайиб бориши, қишлоқ ва шаҳар болалар боғчалари ўртасидаги тавофут, ажратилган маблағлар ҳақидаги статистик маълумотлар билан танишишимиз мумкин. Мисол учун, А. Никольская ўзининг «Мактабгача тарбия ёшидаги болалар тарбиясида изчиллик ва ўзаро боғланиш» номли асарида 1960 йилларда мавжуд болалар ясли ва боғчаларини битта болалар тарбия муассасаларига бирлаштиришнинг ижобий томонларини ёритиб берган.

Ушбу даврда тиббиёт соҳа вакиллари олиб борган илмий изланишларининг айримларида мактабгача таълим муассасалари фаолиятига тўхталиб ўтганини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг, барча соҳаларда бўлгани сингари мактабгача таълим соҳасини ривожлантириш, жаҳон андозаларига мос равишда институционал жиҳатдан қайта кўриб чиқишга бўлган эҳтиёжнинг кучайиши натижасида олимларимиз олдига долзарб вазифа қўйилди. Н.Эгамбердиева ўзининг «Ижтимоий педагогика» номли китобида қисқача Ўзбекистонда мактабгача таълим муассасаларинитарихига тўхталиб ўтади.

Мавзуни ўрганиш жараёнида совет ҳокимияти йилларида чоп этилган «Статический бюллетень», «Сельское хозяйство Узбекистана», «Совет мактаби», «Народное образование» каби журналлар, «Ўқитувчилар газетаси», бошқа қатор газета саҳифаларида мактабгача таълим тизими, боғча ва яслилар ҳақида эълон қилиб борилган мақолалардан кенг фойдаланилди.

Тадқиқотни амалга оширишда ушбу манбаларни ўрганиб, қиёсий таҳлил қилиб, илмий хулосаларнинг олинishi танланган мавзуни тарихий нуқтаи назардан комплекс ўрганиш ва объектив ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

3. Асосий натижалар:

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар совети томонидан 1959 йил 21 майда “Мактабгача тарбия муассасаларини янада кенгайтириш, мактабгача тарбия ёшидаги болалар тарбияси ва уларга тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш чоралари тўғрисида” махсус қарор қабул қилинди. Бу қарор билан болаларни дастлабки ойлардан бошлаб тарбиялаб бориш зарурлиги ва аҳамияти таъкидланди ҳамда Маориф министрлигига 2 ойликдан 3 ёшгача болалар учун ясли-боғчалар ташкил этиш тавсия қилинди. Бу қарорга асосан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Республика Министрлар Совети 1959 йил 5 августда тегишли қарор қабул қилдилар. Унда болалар ясли ва боғчаларига эга бўлган завод ва фабрика раҳбарларига мавжуд болалар ясли ва боғчаларини битта болалар тарбия муассасаларига бирлаштириш ва янги кўринишдаги ясли-боғча қурилишини ишлаб чиқариш вазифаси юклатилди [2]. Ўзбекистонда бу қарорнинг ижроси 1961 йилдан амалга оширила бошланди ва таълимнинг ягона тузилишини ташкил қилиш мақсадида икки турдаги таълим муассасалари битта болалар боғчасига бирлаштирилди [3]. Хусусан, Фарғона шаҳар халқ таълими бўлимига жўнатилган Ўзбекистон Маориф Министрлиги 1961 йил 8 феврал кунги №ПФУ-05-8 сонли хатига асосан Фарғона шаҳар Соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли 8-болалар боғчаси ва Фарғона шаҳар пилла заводига қарашли болалар яслиси бирлаштирилди [4].

Ўзбекистон ССРда маориф учун давлат бюджети ҳисобидан қилинган харажатлар (млн сўм) [5.]

Жадвал №1

Кўрсаткичлар	1960 й	1970й	1975 й	1980й
Маорифга қилинган барча харажатлар	293,9	789,9	1206,5	1620,4
Шу жумладан: болалар боғчалари	20,8	86,6	126,5	190,4

1960 йилларда республикада мактабгача таълим муассасаларининг бир неча тармоқлари, хусусан, болалар яслиси, болалар боғчаси, ясли-боғча, санаторий боғча ва ихтисослаштирилган боғчалар мавжуд эди. Болалар яслисига 0 ёшдан 3 ёшгача, болалар боғчасига 3 ёшдан 7 ёшгача, ясли-боғчаларга 0 ёшдан 7 ёшгача болалар қамраб олинган. Санаторий боғчаларда юкумли касалликлар билан даволанган болалар тарбияланган бўлса, ихтисослаштирилган болалар боғчаларига ақлий ва жисмоний жиҳатдан чекланган болалар жойлаштирилган. Бундан ташқари, мавсумий болалар боғчалари ва кўчма дала яслилари ҳам фаолият юритган.

1960 йил охирида Фарғона вилоятида шаҳарларида 38 та, қишлоқларида 22 та болалар боғчалари мавжуд бўлиб, шаҳар боғчаларида 2850 нафар бола, қишлоқ боғчаларида 1250 нафар болалар тарбияланган бўлса [4], 1961 йилга келиб 45 та мактабгача тарбия муассасалари, шу жумладан, шаҳарларда жами 32 та, қишлоқларда 13 тани ташкил этган ҳамда уларда 3811 нафар тарбияланувчилар тарбияланган. Улардан умумий кўринишдаги боғчалар шаҳарларда 23 тани, қишлоқларда 13 тани, санаторий кўринишидаги боғчалар эса шаҳарда 2 тани, ясли-боғчалар шаҳарда 7 та, қишлоқда 1 тани ташкил этган [6]. Бундан ташқари, болалар яслилари 163 та бўлиб, уларга 7242 та тарбияланувчи болалар қатнаган. Жумладан, шаҳар ва посёлкаларда 49 та болалар яслиси бўлиб, тарбияланувчилар 4252 тани ташкил этган. Қишлоқлардаги 114 та яслида 3098 та бола тарбияланган, совхозларда 75 та болалар яслиси мавжуд бўлиб, 1600 нафар болалар қамраб олинган [7]. Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, қишлоқларда дала шийпонлари ва далани ўзида бригада яслилари ташкил қилиниб, 0 ёшдан 1 ёшгача болалар қамраб олинган. Маориф ва Соғлиқни сақлаш министрлиги бундай турдаги болалар боғчаларини ўзига буйсунувчи ташкилот сифатида кўрмаганлар. Машғулотлар ўтказилмаган, шунчаки болаларга қараб турилган холос. Соғлиқни сақлаш бошқармасининг бир неча эътирозларига қарамай, бу каби болалар яслилар ўз фаолияти давомида асосан дарахтларга илинган беланчаклардан фойдаланилган. Доимий ишчилар бўлмаганлиги сабабли оналар навбати билан болаларга қараб турган. Болалар овқатланиш масаласи ҳам ёмон ҳолатда бўлган. Боғдод, Ахунбобоев районларининг айрим колхозларида бригада яслилари учун сут ва сут маҳсулотлари ажратилиб, манка бўтқаси пиширилсада, бу санитария меъёрларига тўғри келмас эди [8]. Киров тумани «Коммунизм» колхозининг бригада яслиларига иссиқ овқат етказиб бериш мушкул бўлиб, болаларга нон ва нон маҳсулотлари берилган. «Сталин» номли колхознинг 19 та бригадаларида ташкил этилган мавсумий болалар боғчалари ташландик ҳолатда бўлиб, санитария талабларига жавоб бермаган [20].

1966 йилда республикада жами 291 та мактабгача таълим муассасалари бўлиб, улар иттифок, республика ва маҳаллий ҳокимиятга буйсунувчи ташкилотларларга бириктирилган. Тўғридан тўғри марказга буйсунувчи ташкилотлар оталиғида 23 та, республика ва маҳаллий ҳокимиятга буйсунувчи ташкилотлар қарамоғида 261 та ва колхозларга қарашли 7 та болалар боғча ва яслилари фаолият юритган [21].

1971-1975 йилларда республикада беш мингдан зиёд мактабгача тарбия муассасалари бўлиб, уларда ярим миллиондан зиёд болалар тарбияланган. Улар республикадаги мактабгача ёшдагиларнинг 18,4 фоизини ташкил этган. Ушбу беш йилликни ўзида 215 минг ўринли болалар муассасалари қурилиб ишга туширилган. 1975 йилда мактабгача тарбия муассасаларига 19,7 фоиз болалар жалб этилди [9]. Иттифок бўйича мактабгача ёшдаги болаларни қамраб олиш даражаси 37 фоизни ташкил этган бўлса, Ўзбекистон 11 ўринни эгаллаган. Йирик саноат корхоналарида ишловчиларнинг асосий қисмини аёллар ташкил этишини ҳисобга олинса, аксарият корхоналарнинг қошида боғчалар мавжуд эмас эди. Қамровни ошириш асосий ўринларни сиқиштириш эвазига амалга оширила бошланди. Мисол учун, Фарғона шаҳрида «Средазнефт» бирлашмаси, Ёғ-мой комбинати, «Большевик» заводи, Пайпоқ тўқиш комбинати каби ташкилотлар қошида очилган болалар боғчаларида иш фаолияти яхши йўлга қўйилган [10]. Қурилган янги биноларга қарамай шаҳар мактабгача тарбия муассасаларига талаб ниҳоятда юқори эди. Боғча ва яслиларнинг 60 фоизи умумий

кўринишдаги биноларга жойлаштирилган. Қолган 40 фоизи мослаштирилган бинолар ва тарбиячиларнинг уйларида фаолият юритган [20].

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳамда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1970 йил 2 октябрда “Республикада мактабгача ижтимоий тарбиянинг ҳозирги аҳволи ва келгусидаги ривожини” ҳақида қарор қабул қилди. Бу ҳужжатда мактабгача тарбия муассасалари қурилиши ва уларни зарур воситалар билан таъминлаш, кадрлар тайёрлаш, корхоналар, қурилишлар, колхоз ва совхозларнинг болалар боғчаларини оталиққа олиши каби масалалар ишлаб чиқилди. Шу билан бир қаторда, қишлоқларда доимий мактабгача тарбия муассасалари тармоқларини янада кенгайтириш тўғрисида ҳам кўрсатма берилди. Республика мактабгача таълим муассасаларининг моддий базасини яхшилашга эътибор кучайтирилганига қарамай, 1970–йилларда қурилган боғчаларнинг сони аҳоли ўсиш даражасидан ортда қолиб, эҳтиёж даражасини қондира олмади. 1971-1975 йиллар давомида айрим вилоятларда мактабгача тарбия муассасалари қуриш учун ажратилган маблағлардан қарийб 20 миллион сўми ўзлаштирилмай қолган[11].

1971 йил 17 августда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг “Колхозларнинг доимий мактабгача тарбия муассасалари тўғрисида ги низомни тасдиқлаш тўғрисида” ги 396- сонли қарори қабул қилинди [12]. Бу қарорга асосан мавсумий боғчаларга секин –аста барҳам берилиши керак эди. Лекин мавсумий болалар боғчалари, бригада яслилари кам маблағ талаб этганлиги сабабли, бу каби муассасалар фаолиятини давом эттираверди.

1973 йилда СССР Министрлар Советининг “Колхозларда мактабгача тарбия муассасалари тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор колхоз ясли – боғча ишчи ва педагог ходимларига белгиланган тартибда меҳнатига ҳақ тўлаш, бир кунлик иш кунини белгилаш ва меҳнат таътили бериш, колхоз аъзоси бўлмаган шахсларни ишга қабул қилиш тартиблари, мактабгача тарбия муассасалари педагоглари ва тиббиёт ходимларига колхоз ҳисобидан бепул квартира бериш ва коммунал хизматларни бепул қилиш тўғрисида кўрсатмалар берилди [13].

1974 йил мактабгача тарбия муассасалари шахобчалари беш мингдан сал кўпроқ бўлса, 1977 йилда бу рақамлар 5600 дан ошиб кетди. 1974 йилда 527 минг бола қамраб олиниб 18,4 фоизни ташкил этган бўлса, 1977 йилда 654 минг 213 нафар бола қамраб олинди ва умумий ҳисобда 22 фоизни ташкил этди [14].

1980-йилларга келиб мактабгача таълим соҳасидаги муаммолар етилиб, кучайиб борди. Қурилиб фойдаланишга топширилиши режалаштирилган айрим боғча бино объектлари ўз вақтида битказилмади [15]. Бунинг сабаби, қурилиш материаллари билан таъминланмаганлиги, қурилиш машина механизмларининг етишмовчилиги, объектлардаги огир ишлар асосан қўлда бажарилиши каби муаммоларининг мавжудлиги эди.

Ўи биринчи беш йилликда Ўзбекистон ССР колхоз мактабгача тарбия муассасалари қуриш учун режалаштирилган ва берилган маблағлар [16].

Жадвал №2

№	ЎзССР Госплан ва ЎзССР МСХ режаси	1981	1982	1983	1984	1985
1	Лимит СМР (млн. руб)	255	280	285	290	300
2	Ввод ДДУ (минг ўрин)	16	16	16	16	16
	СССР Госплан томонидан ажратилган маблағ					
1	Лимит СМР (млн. Руб)	225	224	223	223	223
2	Ввод ДДУ (минг ўрин)	13	13	13	13	13

Ўзбекистонда 1924-1970 йилларда 162,7 минг ўринли мактабгача тарбия муассасалари қуриб, ишга туширилган бўлса, 1970-1975 йилларда (тўққизинчи беш йилликда) 214,8 минг, 1976-1980 йилларда эса (ўнинчи беш йилликда) 2396 минг ўринли болалар боғчаси ва яслилар қурилиб ишга туширилди. Агар 1940 йилда Ўзбекистонда 2215 мактабгача тарбия муассасалари бўлиб, уларда 73,8 минг бола тарбияланган бўлса, 1980 йилга келганда

уларнинг сони 7204 га етган ва унда тарбияланувчилар сони 915 мингга ташкил қилди. Ўнинчи беш йиллик мобайнида 234 минг ўринли мактабгача тарбия муассасалари қурилди, улардаги болалар қарийб 338 минг нафарга кўпайиб, умумий сонда бир миллионга яқинлашиб қолди[5]. Ушбу даврга келиб мактабгача таълим муассасалари ва унинг бошқа тармоқларининг 75 фоизи умумий кўринишдаги (типовой) биноларга жойлаштирилди. Ихтисослаштирилган болалар боғчаларига ҳам алоҳида эътибор берилди бошланди. Хусусан, улардаги гуруҳлар сони 147 тага оширилиб, тарбияланувчилар сони 1793тани ташкил этди. Ақлий ва жисмоний ривожланишида маълум фарқлар бўлган болалар учун 203 та гуруҳлар ташкил этилиб, уларга 2706 бола қамраб олинди [17].

Ўнинчи беш йилликда ва ўн биринчи беш йилликнинг икки йили ичида молиявий барча манбалар бўйича республикада 300 минг ўринли мактабгача тарбия муассасалари ишга туширилди. 1975 йилга таққослаганда Ўзбекистонда болаларни мактабгача тарбия муассасаларига жалб этиш 17,8 фоизга ўсди ва 1983 йилга келиб бу рақам шаҳарларда 52 фоизни, қишлоқ жойларда 29 фоизни ташкил этди. Тошкент, Самарқанд шаҳарларининг, Бухоро вилоятининг йирик саноат зоналарида, Сурхондарё, Андижон, Наманган вилоятларининг кўриқ ва қишлоқ жойларида мактабгача тарбия муассасалар тармоғини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилди. Хусусан, Сурхондарё вилоятида ясли-боғчаларнинг тармоғи 350 тага, болалар қамрови 63,5 минг кишига, Самарқанд вилоятида ясли-боғчалар сони 330 тага, тарбияланувчилар сони 50,7 минг кишига ўсди. Шу давр ичида Тошкент вилоятида янгидан 180 та ясли-боғча ишга тушди, мактабгача тарбия муассасаларидаги болалар сони 49,5 минг кишига кўпайди. Республикада 60 дан ортиқ вазирлик ва идоралар ўзларининг мактабгача тарбия муассасаларига эга бўлиб, уларга ҳомийлик қилиш зиммаларида эди. Мактабгача тарбия муассасаларини қуриш ва ишга тушириш учун бир неча ташкилот ва корхоналарнинг маблағларини бирлаштириш тажрибаси кенг тус олди [18].

Ўзбекистонда ҳар 100 ўринга тўғри келадиган доимий мактабгача тарбия муассасалари [19].

Жадвал №3

Йиллар	1970	1980	1985	1987	1988
Шаҳар	106	109	117	118	121
Қишлоқ	99	101	103	104	105
Жами	104	105	110	111	113

Республикада аҳоли сони ўсиб боришига қарамай, 1989 йилда мактабгача ёшдаги болаларнинг 60 фоизи қишлоқларда яшаган бўлса-да, уларнинг фақат 26 фоизи мактабгача тарбия муассасаларига қамраб олинган (1985 йилдаги кўрсаткичдан деярли ўзгармаган). Айниқса, 1980–йилларнинг иккинчи ярмида мактабгача таълим муассасаларининг аҳоли тобора ёмонлашиб борган. 1990 йилги ҳисоботларга кўра, 4700 ўринли болалар боғчалари, қуриш режалаштирилган. Шошма–шошарлик билан оз маблағлар ҳисобига қурилган ва фойдаланишга топширилган объектлар уч йил ўтмасдан нобоп (авария) ҳолатга келган [16].

Ўзбекистонда 1990-1991 йилларга келиб мактабгача тарбия соҳасида ҳам бирмунча ижобий ўзгаришлар бўлди. Хусусан, мактабгача тарбия муассасаларига раҳбарликни амалга оширишда янгича ёндашиш, турли маъмурий чоралар билан чегараланмасдан, ташаббусга кенг йўл очилганлиги, таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишга анъанавий фаолиятнинг шакл ва услубларини татбиқ қилиш ва жорий этилиши, болалар соғлиғи ва саломатлигини муҳофаза қилиш, чиниқтириш борасида анча ишлар амалга оширилди. Бундан ташқари, мазмун ва шакл жиҳатдан бир- бирига ўхшамаган янги турдаги болалар боғчаларини барпо этиш ва уларда эгилувчан, кўп қиррали фаолиятни такомиллаштиришда уй шароитидаги болалар боғчаларининг тармоқлари кенгайиб борди. Лекин шу билан бирга етарлича муаммолар ҳам мавжуд эди. Болалар боғчалари моддий асосини такомиллаштиришга етарлича эътибор берилмади. Педагог ходимларни тайёрлаш жараёни қониқарли аҳволда эмас, мактабгача тарбия соҳаси ходимлари учун алоҳида даврий нашр мавжуд эмас, 1986-

1987 йиллардан бери амал қилиб келинаётган “Болалар боғчасида таълим –тарбия дастури” замон талабларига мос эмас эди.

4.Хулосалар:

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, 1960-1990 йилларида Ўзбекистонда мактабгача таълим муассасалари янги қурилган бинолар ҳисобига кўпайиб борди.Лекин шунга қарамай, фаолият юритаётган мактабгача таълим муассасалари аҳолини ўсиш даражасидан ортда қолиб, мавжуд эҳтиёжни қондира олмади. Айрим янги қурилган бинолар тез фурсатларда яроқсиз ҳолатга келиб қолган.

Мактабгача таълим муассасалари давлат ташкилотлари қарамоғида бўлиб, қурилиш ва озик-овқат таъминоти уларнинг зиммасида эди.Йирик завод ва фабрикалар қошида очилган мактабгача таълим муассасалари фаолияти ва озик-овқат таъминоти жуда яхши йўлга қўйилганлиги сабабли болаларни жойлаш учун катта навбат ҳосил қилинган эди.Қишлоқ аҳолиси мактабгача ёшдаги болаларининг асосий қисми колхоз болалар майдончалари ва кўчма ясиларга қамраб олинган бўлиб, уларнинг фаолияти ва санитар ҳолати ҳеч қандай талабларга жавоб бермас эди.

Иктибослар/ Сноски/References:

1. Resolution of the President of Uzbekistan Sh.M.Mirziyoev dated September 30, 2017 No 3305 "On the organization of the Ministry of Preschool Education of the Republic of Uzbekistan ."
2. Nikolskaya A. Consistency and interdependence in the upbringing of children of preschool age. - Tashkent: Secondary and Higher School, 1962. - P.3.; Moslovskaya E. United garden-nursery. // Soviet school. –1976. - №9. - P.76.
3. Egamberdieva N. Social pedagogy. - Tashkent: Publishing House of the National Library of Uzbekistan named after A. Navoi, 2009. - P.32.
4. FVDA, F.1125, L.6, F.133, P.331-332. 1961. Department of Public Education of the Fergana Regional Executive Committee and the People's Commissariat of Education since 1946- Ministry of Education of the Uzbek SSR in Fergana.
5. Umarov U. The role of social consumption funds in the development of public education. // Soviet school. 1982. - № 7. - P. 29; 31 .
6. FVDA, F.1125, L.5.F.64.P.14. Order of the Ministry of Prosveshcheniya UzSSR. (1955-1956 gg).
7. FVDA, F. 2, L.91, F .1, P. 4- 8. Memorandums on the survey of kindergartens and nurseries in the Fergana region.
8. FVDA, F. 1, L.10, F. 32, P. 20 . Background, svedeniya, d okladnye R.K. I G.K Rabat is broken, PO Sredevjenshchen.; Muqimov A. Collective farm gardens. // Teachers' newspaper. - 1973. - 12 August.
9. Shermuxamedov S. Our gift to the Congress. // Soviet school. - 1976. - № 2. - P.9.
10. FVDA, F.1, L.6, F.25.P. 220. Svedeniyaobkoms RK.GK wiped m o Rabat consistently ginseng .
11. Shermuxammedov S. Important issues of improving education and upbringing. // Soviet school . - 1976. - № 9. - P.3.
12. Boboho'jaev N. The establishment of proper nutrition of children in kindergartens in rural areas. - Tashkent: Meditsina, 1980. - P. 1-12.
13. Maxmudova S. Kolkhoz preschool institutions. //Agriculture of Uzbekistan. - 1975 . - № 1. - P. 60.
14. Shermuxammedov Sh. Let's further improve the teaching and upbringing of young people . // Soviet school. - 1978. - № 7. - P. 15.
15. Let's strengthen the care and attention to preschools. // Teachers' newspaper. – 1977. - 16 October. –№83.


16. Хаджиева М. Social development of the village of Uzbekistan in the 70-x and early 80-x years: experience and problems. Dissertation for the study of the degree of Doctor of Historical Sciences. - Tashkent, 1992. - P. 148; 149.
17. Sharipova J. Actual problems of development of public preschool education i. // Soviet school. - 1981. - № 1. - P.4.
18. Sharipova J. Leadership and control of preschool institutions. // Soviet school. - 1983. - №6. - P.9.
19. Education of the USSR.Static collection - 1989. - P.36.
20. FVDA, F. 2, L.57.F .75, P.45-47. Memorandums on the survey of kindergartens and nurseries in the Fergana region.
21. FVDA, F.1125, L.6, F. 304, P.28.Information about the network and contingents of permament kindergartens of enterprises and organizations of all departments for 1966.

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Феруза Исмагиллаевна Файзиева,
катта ўқитувчи, Навоий вилояти Халқ таълими
ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини ошириш ҳудудий маркази

РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ МУСТАМЛАКАЧИЛИК ШАРОИТИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР ВА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ МАСАЛАЛАРИ

For citation: Feruza I. Fayziyeva, SOCIO-POLITICAL PROCESSES AND ISSUES OF PUBLIC GOVERNANCE IN THE EMIRATE OF BUKHARA IN THE COLONIAL CONDITIONS OF THE RUSSIAN EMPIRE. Look to the past. 2020, vol. 11, issue 3, pp.80-84

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-11-11>

АННОТАЦИЯ

Мақолада XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлигида ижтимоий-сиёсий жараёнлари таҳлил этилган. Шунингдек, Россия империяси босқинидан сўнг Бухоро амирлигида давлат бошқаруви анъаналари, яъни марказий давлат бошқаруви ҳамда маҳаллий бошқарув тизими тарихий фактларга асосланиб илмий ўрганилган.

Калит сўзлар: мустамлака, марказий давлат бошқаруви, маҳаллий бошқарув, вассал давлат, сарбозлар, генерал-майор, қозикалон, шайхулислам, нақиб, бўнак.

Феруза Исмагиллаевна Файзиева,

Старший преподаватель,
Региональный центр переподготовки и повышения
квалификации работников народного образования
Навоийский области РЦППКРНО Навоийской области

СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ И ВОПРОСЫ ОБЩЕСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ В ЭМИРАТЕ БУХАРЫ В КОЛОНИАЛЬНЫХ УСЛОВИЯХ РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИИ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются общественно-политические процессы в Бухарском эмирате во второй половине XIX века. Кроме того, после вторжения в Российскую империю традиции государственного управления в Бухарском эмирате, также система центрального правительства и местного самоуправления, были научно изучены на основе исторических фактов.

Ключевые слова: колониальный, центральное правительство, местное самоуправление, вассальное государство, солдаты, генерал-майор, казикалон, шейхулислам, нақиб, бонак.

Feruzha I. Fayziyeva,
Senior teacher, Retraining and in-service training
center of public education personnel of
Navoiy region, - RITCEP of Navoiy region

SOCIO-POLITICAL PROCESSES AND ISSUES OF PUBLIC GOVERNANCE IN THE EMIRATE OF BUKHARA IN THE COLONIAL CONDITIONS OF THE RUSSIAN EMPIRE

ABSTRACT

The article analyzes the socio-political processes in the Bukhara Emirate in the second half of the XIX century. Also, after the invasion of the Russian Empire, the traditions of public administration in the Emirate of Bukhara, ie the system of central government and local government, were scientifically studied on the basis of historical facts.

Index Terms: colonial, central government, local government, vassal state, soldiers, major general, qaziqalon, sheikhulislam, naqib, bonak.

1.Долзарблиги:

XIX асрнинг иккинчи ярми Ўрта Осиё халқлари тарихида ва тақдирида кескин бурилиш даври бўлди. Чор Россияси томонидан босиб олинган нафақат бошқарув соҳасида, балки улка халқларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жараёнларида ҳам кескин ўзгаришларга олиб келди. Россия империяси ўлкани истило қилганидан сўнг маҳаллий халқларни мустамлака истибдодига солувчи қонун “Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом” ни жорий қилди. Бу қонунга кўра маҳаллий аҳоли сиёсий ҳуқуқларидан маҳрум этилган. Хусусан, уларнинг вакиллари олий ва ўрта лавозимларга яқинлаштирилмай, ҳокимият тамомила рус ҳарбийлари ва амалдорлари кўлида тўпланган [1]. Чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олгач, жаҳоннинг энг йирик мустамлакачи давлатига айланиб, Европа ва Осиёнинг бир қисмини ўз ичига олган бу империя бошқа мустамлакачи давлатлардан фарқли равишда ўзига хос мустамлакачилик тизимини юзага келтирди.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Россия империяси босиб олинган ҳудудларда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш ва бошқариш учун мустамлакачиларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган мустақкам бошқарув тартибларини жорий этиш учун барча чора-тадбирларни кўрди. Чунки, бошқарув тизими Россия ҳукумати учун жуда муҳим бўлиб, босиб олинган жойларда мустамлакачилик сиёсатини олиб боришда асосий таянч ҳисобланган.

1866-1868 йиллар давомида бўлиб ўтган қаттиқ жанглардан сўнг Бухоро амирлиги ҳам мағлубиятга учраб, ўз ҳудудининг катта қисмидан ажралди. Жиззахдан Каттақўрғонгача бўлган ҳудудлар чор Россияси тобелигига ўтди. 1868 йилга келиб Хўжанд, Ўратепа, Жиззах, Самарқанд, Каттақўрғон каби ўзининг йирик аҳоли манзилгоҳларидан ва Зарафшон воҳасининг юқори ва ўрта оқимидаги ҳудудлардан батамом маҳрум бўлди. Россияси империяси билан 1868 йилда тузилган сулҳ шартномасига асосан, амалда Бухоро устидан Россиянинг ҳомийлиги(протекторати) ўрнатиб, у ярим мустамлака давлатигаайлантирилди. Бухоро амирлигига Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё воҳалари, тоғли Кулоб вилояти, Дарвоз, Қоратегин ва Балжувон вилоятлари, Амударёнингўнг соҳили бўйларидаги ерлар, Термиз ва Карки кабишаҳарлар кирар эди. Шунга қарамасдан, Бухоро амирлигини кучли марказлашган давлат деб бўлмасди, сабаби жойларда ярим мустақил бекликлар мавжуд эди. Шу вақтларда Бухоро ҳукмдори бўлган Амир Музаффар (1860-1885) ўз ҳудудининг катта қисмидан ажралиб қолиши билан бир қаторда, чор Россиясига катта миқдорда товон тўлашга ҳам мажбур бўлди. Ана шундай бир ҳолатда Бухоро амирлиги XIX срнинг 70 йилларидан то 1920 йилга қадар расман ўз давлатчилигини сақлаб қолган ҳолда сиёсий жараёнларда иштирок этди.

Россия империяси босқинидан сўнг ҳам Бухоро амирлигида давлат бошқаруви анъаналари, яъни марказий давлат бошқаруви ҳамда маҳаллий бошқарув тизими сақлаб

қолинди. Россиянинг ҳомийлиги ўрнатилган Бухорода аста-секинлик билан саноат корхоналари, асосан, пахта хом ашёсига дастлабки ишлов берувчи корхоналар ривожлана бошлади. XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳам амирлик давлат тузуми Россия ҳомийлиги остидаги яққа ҳокимликка асосланган давлат тарзида қолаверди. Россия империясининг Бухородаги вакили Россиянинг сиёсий агентлиги (1885-1917) ҳисобланиб, у амир ҳукуматининг фаолияти устидан назоратни амалга оширарди, унинг топшириқлари сўзсиз бажарилар эди.

Россиянинг Бухоро амирлиги, шунингдек, Хива хонлигига нисбатан тутган сиёсати унинг Англия билан тузган битимининг талабларига асосланган эди. Бунга кўра, Англия Афғонистон устидан ҳомийлик - протекторат ўрнатиши, Россия эса Бухоро ва Хива давлатларини сақлаб қолган ҳолда, улар устидан ҳомийлик ўрнатиб, оралик (буфер) давлатини вужудга келтириши керак эди. Шунинг учун ҳам, гарчи бу давлатлар ҳарбий жиҳатдан тўла енгилган бўлсалар-да, Россия уларнинг анъанавий давлат ва ҳуқуқ тизимини сақлаб қолиб, вассал давлатларга айлантирди. Бунинг ҳуқуқий асослари: а) 1868 йилдаги Бухоро билан Россия ўртасидаги сулҳ шартномаси; 1873 йилнинг 28 сентябрида тузилган дўстлик ҳақидаги шартнома ҳамда б) 1888 йилнинг 23 июнида тузилган кўшимча қоидалар ҳақидаги баённомаларда ўз ифодасини топди. Бундан ташқари, Туркистон генерал-губернатори билан Бухоро амири биргаликда тасдиқлаган қоида ва шартномаларга асосан рус фуқароларининг Бухородаги барча ҳуқуқлари ҳимояга олинди. Булар: а) “Чоржўй темир йўл шоҳ бекати яқинидаги турар-жойлар, хўжаликларни бошқариш ва ободонлаштириш ҳақида”ги қоидалар; б) 1889 йилнинг 25 июнидаги Бухоро амирлигида ўткир спиртли ичимликлар билан савдо қилиш қоидалари; в) Бухоро амирлигидаги виночилик қоидалари ҳақидаги 1893 йил 15 декабрдаги қоидалар; г) 1896 йил 24 февралда тасдиқланган Бухоро амирлигида олтин ишлаб чиқариш ҳақидаги қарорлар ана шулар жумласидандир[2].

3.Тадқиқот натижалари:

Юқорида келтирилган тарихий далиллар, умуман олганда, протекторат остидаги иккала давлат ҳам бу даврда қуйидаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан ҳарактерланар эди: Бухоро амирлиги доирасида Чор Россиясининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хусусан, пахта сотиб олиб, даромад ёки воситачилик қилувчи ўнлаб фирмалари, уларнинг шўба корхоналари очилди. Рус фабрика ва заводларининг сифатли ва арзон товарлари кириб кела бошлади. Хивахонлигида Каспийорти ва Бухоро амирлигида Термиз темир йўллари қурилиши билан темир йўл атрофларида бирин-кетин рус қишлоқларипайдо бўлиб, уларни бошқариш қуйидагиларга асосланган эди: 1) Бухоромаъмурларининг бу қишлоқлар ишларига аралашмаслиги; 2) Русаҳолисининг экстерриториаллиги ва юрисдикциясининг мустақиллиги маҳаллий ҳуқуққа судловликка боғлиқ эмаслиги; 3) “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом”ни, шунингдек, Россия империясиқишлоқ угари доирасида амалда бўлган барчақонунларни ҳамма жойда қўллаш; 4) маъмурий бошқарувбўйича барча мансабдор шахсларнинг Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан тайинланиши.

1895 йилга келиб босиб олинган ҳудудларда Россиянинг божхона қоидалари жорий қилина бошланди. Бу даврда Бухоро амирлигида ҳам доимий қўшин ташкил қилиб, улар хазинадан маош олмай, фақат “танҳо” мулки олиб, шундан келган даромад ҳисобига яшашарди. Рус саноатига пахта тайёрлаб бериб, фойда олувчи савдогарлар баҳор вақтидаёқ бўлғуси ҳосилга эгалик қилиш учун деҳқонларга кузги ҳосилни фақат ўзларига сотишлари учун бўнак – авансбера бошладиларва бу тажриба кенг ёйилди.

Давлат тузилишига, мансаблар мавқеи ва аталиши Россия мустамлакачилиги даврда ҳам деярли ўзгаришсиз қолди. Давлат бошлиғи бўлган амир ҳали ҳам ўз фуқароларига нисбатан ҳуқуқи чекланмаган ҳукмдор эди. Аммо амиргарус армиясининг генерал-майор унвони берилиши хизматбўйича у Рус давлати олдида Туркистон генерал-губернаторидан паст даражада туришига ишора эди. Бухоро ҳомийлик остида бўлса-да, у ерда ҳам қўшбеги, қозикалон, раис-эшон ва миршабдан иборат тўрт ҳокимиятчилик қучли эди. Аста-секинлик

билан қозилар кенгашининг ташкил топиши бу ердаги суд тизими янгиликларидан бири бўлди. Ҳар йили Наврӯз ойларида қозилар кенгашичақирилиб, уч кун ичида қозикалонга тушган шикоятларамир, 12 муфтий, аълам, қозикалон иштирокида кўриб, ҳал этила бошлаган[3]. Уларнинг қарори қонун кучига эга эди. Бухоро амирлигида суд икки кўринишда бўлгандеб ҳисоблаш мумкин, чунки жиноят ишлари, амлоқдорлар, қўшбегилар ва беклар суд ишларини амирнингшахсан ўзи кўриб ҳал этган.

Қозилар суди фуқаролик, оила, ерга ворислик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ишларни кўрган ва қисман нотариуслик ваколатини ҳам бажарган. Амалдорлар ҳам аҳамиятли жиноятишларини кўриб, асосан, жарима солиш, қамаш жазоларини қўллашган. Бек йирик жиноят ишларини кўриб, жарима солиш ва уч йилгача қамок жазоларини қўллаши мумкин эди. Бекларнинг қарор-ҳукмлари устидан қўшбегига шикоят қилинган. Одам ўлдириш, талончилик, исён, ҳокимиятга қарши қаратилган жиноятларга кўпинча ўлим жазоси берилиб, қўшбеги томонидан тасдиқанган ва дарҳол амирга етказилган.

XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида шайхулислом ўрини қози калон эгаллайди. Амир ҳузуридаги кенгашда дин вакилларида қозикалон, шайхулислом, нақиб ва раис (мухтасиб) қатнашган. Бухоро амирлиги давлат аппарати маъмурий-молиявий суд-миршаблик ва ҳарбий идоралардан ташкил топган бўлиб, маъмурий аппаратни вазир бошқарар, унга амирликнинг олий ижроия – бошқарув ҳокимияти тегишли эди [4].

Садри Зиё (1867-1931 йилларда яшаган олим Бухоронинг охирги Қози калонларидан бири) Бухоро шаҳридаги мадрасалар ҳақида ҳам муҳим маълумотларни берган. Тадқиқот жараёнида Садри Зиё асрлар давомида Бухоро шаҳрида мавжуд бўлган 204 та мадраса борлигини аниқлайди. Бухоро шаҳри ва ундаги мавжуд мадрасалар ва бошқа даргоҳлар ҳақида «Тарихи нофой»да қуйидагича келтирилади: “Бухоро шаҳрини «илм боғчаси» деб, Бухоро сўзининг асл маъноси илмдир. Бу шаҳарда уламо, фузало, сулаҳо (солиҳ) одамлар кўпдир. Бухоро шаҳрида қарийиб 400 та мадраса борлигини улардан билганларини санаб ўтади[5].

XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳам Бухоро амири ўз халқига нисбатан олганда, мутлақ ҳоким (абсолют монарх) ҳуқуқидаги ҳукмдор, давлат бошқаруви жиҳатидан эса динга таянган Шарқ якка ҳокимлиги шаклидаги давлат бўлиб қолаверди. Россия империясига нисбатан олганда, унинг чекка бир губернияси сифатидаги бу давлатнинг бошлиғи Россия императори томонидан тасдиқланиб, расман унинг адъютанти - ахсий хизматкори ҳисобланган. Халқаро ҳуқуқ қоидаларига кўра эса, у енгилган, аммо ҳомийлик остидаги вассал тарзида сақлаб қолинган давлат эди.

Умуман олганда, Бухоро амирлигига бу даврда қуйидаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар хос бўлди: товар-пул муносабатлари ривожланиб, алмашув кенгая бошлади; sanoat-асосан ишлаб берувчи, хом ашё тайёрлаб, уни жўнатиб, етказиб берувчи тармоқларнинг вужудга келиши кучайди; маҳаллий аҳоли ўртасидаги рус sanoatига пахта ва бошқа хом ашёларни етказиб берадиган савдогар капиталистлар етишиб чикди; подшо амалдорлари маҳаллий аҳолидан турли йўллар билан серҳосил, сувли ерларини тортиб олиши натижасида деҳқонлар орасида ижарачилик, батракчилик, ҳиссабойчилик кенгая борди; Туркистон ўлкаси бундан кейин Рус ҳукуматида бўйсунмаган, унга қаршилик кўрсатган кишилар ҳамда инқилобчилар учун сургун ёки бадарға жазоларини ўташ жойларидан бирига айланди[6].

Ўрта Осиё Россия томонидан забт этилгандан сўнг, рус босқинчилари улкан хом-ашё базасига айлантириб, катта миқдорда табиий бойликларни талаб олиб кета бошладилар. Айни пайтда Россия фабрика заводларида тайёрланган маҳсулотлар билан маҳаллий бозорлар тўлдирилиб ташланган. Бу ўз навбатида улкан хунармандлар sanoatини инқирозга олиб келди. Лекин шунга қарамасдан хунармандларнинг тадбиркорлиги замон талабига мос маҳсулотлар тайёрлай олишлари натижасида у сақланиб қолинган.

4.Хулосалар:

Шундай қилиб айтиш мумкинки, XX аср бошларига келиб Бухоро шаҳри ва унинг атрофлари ва қишлоқларида 40 яқин чўян қуйиш корхоналари бўлган. Шундан Мўғлиннокори қишлоғида 2 та, Зармонак қишлоғида 1 та, Вожикта қишлоғида 3 та бўлиб, улар омов позасиси, қозон, чироқ, майқолдон, панжара, чойнак, арава ғилдираклари учун сербар ҳалқа, ҳаммомлар учун катта сиғимли қозонлар ясалган[7]. Бухоро Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларига қараганда ўзининг тўқимачилик ва металлни қайта ишлаш саноати билан донг таратган. Шаҳарда тайёрланган турли-туман матолар ва фақат амирлик аҳолиси эҳтиёжини қондиришга сарфланган, балки кўп чет давлатларга катта миқдорда чиқарилган ва у йерларда Бухоро матолари юксак баҳоланган. Металлни қайта ишлаш соҳаларида бўлган чилангарлик, чўян қуйиш, рехтангарлик, мисгарлик, заргарлик ҳам кенг тараққий қилиб, усталар ҳозирга қадар инсонни лол қолдириб келган юксак дидли ва гўзал буюмлар тайёрлашган.

Юқорида келтирилган фикрлар, маълумотлар ўз даврида ёзилган тарихий ва илмий асарларда, мақолаларда ҳам Бухоро амирлигининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти ҳақида, маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи, урф-одатлари тўғрисида ҳам кўплаб қизиқарли маълумотлар бериб ўтилган.

Иқтибослар/Сноски/References:


1. Ziyoyev N. Independence is the basis of spirituality. Tashkent, “Маънавият”, 1999. - p. 6.
2. Logofet D.I. A country of misery. Bukhara Khanate and its current state. С.Пб. 1909. – p.300-340.
3. Muqimov Z. History of the state and law of Uzbekistan. Tashkent, “Adolat”, 2003. – p.261.
4. Qosimov F.X. Management style in the Bukhara Emirate. //Issues of Bukhara history (collection of articles). Bukhara, 1936. – p.67.
5. Ahmad Donish. “History of the Mangit dynasty”. Dushanbe, 1967. – p. 86-89.
6. Materials for the history of the state and law of Uzbekistan. Tashkent, “Fan”, 1958. – p.24
7. Suxareva O.A. Late feudal city of Bukhara. Tashkent, 1962. – p. 33.

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Равшан Хомитов,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети,
ravshan_h85@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ДАВЛАТ СИЁСАТИ (1991 - 2020 йй.)

For citation: Ravshan Khomitov, STATE POLICY AIMED AT ENSURING INTERETHNIC STABILITY IN UZBEKISTAN (1991-2020years). Look to the past. 2020, vol. 11, issue 3, pp.85-91

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-11-12>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллиф Ўзбекистонда миллатлараро барқарорликни таъминлашга қаратилган давлат сиёсатининг 1991-2020 йиллар мобайнида олиб борилишини таҳлилий маълумотлар асосида ёритган.

Хусусан, мустақилликнинг дастлабки йилларида миллатлараро масаладаги давлат сиёсатини нодавлат нотижорат ташкилотлари амалга оширган эди. 2017 йилдан бошлаб ушбу вазифани мамлакатдаги кам сонли халқларнинг миллий маданий марказларининг фаолиятига кўмак беришни давлат ташкилоти ҳисобланган алоҳида кўмита амалга ошираётгани ҳамда бу борадаги чора-тадбирлар ҳақида тадқиқ қилинган.

Масаланинг ушбу жиҳати шу пайтга қадар халқаро доирада нашр этилган ишларга кўшимча материал бўлиб хизмат қилади.

Калит сўзлар: миллатлараро барқарорлик, бағрикенглик, хамжихатлик, диаспора, халқ дипломатияси, моноэтник, полиэтник, кам сонли халқлар.

Равшан Хомитов,
доктор философии по истории (PhD)
Национальный университет Узбекистана,
ravshan_h85@mail.ru

ГОСУДАРСТВЕННАЯ ПОЛИТИКА, НАПРАВЛЕННАЯ НА ОБЕСПЕЧЕНИЕ МЕЖНАЦИОНАЛЬНОЙ СТАБИЛЬНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ (1991 – 2020 годы)

АННОТАЦИЯ

В статье автор на основе аналитических данных описывает реализацию государственной политики, направленной на обеспечение межэтнической стабильности в Узбекистане в 1991-2020 годы.

В частности, в первые годы независимости государственную политику по межнациональным вопросам осуществляли негосударственные некоммерческие организации. С 2017 года эту задачу выполняет специальный комитет, который является государственной организацией, поддерживающей деятельность национально-культурных центров меньшинств в стране, а также меры, принимаемые в этой связи.

Этот аспект служит дополнительным материалом к уже опубликованным на международной арене работам.

Ключевые слова: межэтническая стабильность, толерантность, солидарность, диаспора, народная дипломатия, моноэтничность, полиэтничность, меньшинства

Ravshan Khomitov,
Doctor of Philosophy in History (PhD)
National University of Uzbekistan
ravshan_h85@mail.ru

STATE POLICY AIMED AT ENSURING INTERETHNIC STABILITY IN UZBEKISTAN (1991-2020 years)

ABSTRACT

In this article, the author describes the implementation of state policy aimed at ensuring interethnic stability in Uzbekistan for 1991-2020 based on analytical data.

In particular, in the early years of independence, the state policy on interethnic issues was implemented by non-governmental non-profit organizations. Since 2017, this task has been performed by a special committee, which is a state organization, to support the activities of national cultural centers of minorities in the country, as well as the measures taken in this regard.

This aspect of the issue serves as additional material for the works published so far in the international arena

Index Terms: interethnic, stability, tolerance solidarity, diaspora, public diplomacy, monotonic, polo ethnic, minority peoples.

1. Долзарблиги:

Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида кўпмиллатли давлатлар таркибида бўлиб, бу жараённинг шаклланиши узок тарихга бориб такалади. Жумладан, XXI аср бошида мамлакатнинг миллий таркиби 130 дан ортиқ миллат ва этник гуруҳлардан иборат бўлиб, халқлар ўртасидаги дўстлик муносабатлари миллатлараро тотувлик асосида янада мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этди. Шундан келиб чиқиб, Марказий Осиё минтақасининг муҳим ҳудудида жойлашган кўп миллатли Ўзбекистон шароитида кам сонли халқларнинг манфаатларини ифода қилишга қаратилган давлат сиёсатини таҳлилий маълумотлар асосида илмий нуқтаи назардан ўрганиш масаласи долзарб ҳисобланади.

Хусусан, бугунга келиб дунё ҳамжамиятининг миллатлар жойлашувига эътибор қаратилса, жаҳон давлатлари асосан икки турга, яъни полиэтник (кўп миллатли) ва моноэтник (бир миллатли) гуруҳларга бўлинади. Аксарият давлатлар полиэтник ҳисобланиб, сўнгги йилларда дунёдаги деярли барча давлатларида кўпмиллатлилиқ жамиятлари шаклланиб бормоқда. Бу ҳақда халқаро статистик ташкилотларнинг берган маълумотида кўра дунё бўйлаб бетакрор маданий ва маънавий қадриятларига эга бўлган 1600 дан ортиқ этник гуруҳлар яшайди. Бироқ БМТ томонидан тан олинган давлатлар сони эса 200 га атрофида. Бунинг натижада, дунёдаги ҳар тўрт давлатдан учтасида аҳолисининг тўртдан бир қисмини туб миллатга мансуб бўлмаган халқлар ташкил этади [1]. Бу жиҳатлар минтақаларда барқарорлик ва ҳамжиҳатликнинг мустаҳкамланиши, кам сонли миллатлар масаласида давлатларнинг олиб бораётган миллий сиёсатида боғлиқ бўлиб бормоқда.

Шундай экан, 1991 йил 31 август куни истиқлолнинг дастлабки кунидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати миллатлар масаласидаги миллий сиёсатини энг аввало ўзбек халқининг миллий менталитетидаги бағрикенглик ғояларига асосланиб, уни

умуминсоний қадриятлар билан тўлдирган ҳолда олиб борди. Натижада, ўтган йиллар давомида мамлакатда тинчлик ва миллатлараро ҳамжиҳатлик таъминланди. Айни шу жиҳатларни тадқиқ қилиб бориш муҳимдир.

Шундан келиб чиқиб, кўп миллатли Ўзбекистон давлатининг тинчлик ва барқарорлиги кўп жиҳатдан миллатлар ўртасидаги тотувликка боғлиқ экани, уни илмий назарий жиҳатдан ўрганиб, амалий таклифлар бериб бориш ижтимоий - гуманитар фанларнинг вакиллари олдига муҳим вазифаларни белгилаб беради. Бу орқали ёш авлодни бағрикенглик ғоялари руҳида тарбиялаш ва миллатлараро барқарорлик масалада “ўзбек модели”нинг илмий асослари янада мустаҳкамланади.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Тадқиқот жараёнида тарихий ва қиёсий таҳлил, муаммовий-хронологик, объективлик, тизимлаштириш ҳамда фанлараро ёндашувлар асосида ёритилган бўлиб, Ўзбекистоннинг кўп миллатлилиги ҳолати, миллатлараро ва динлараро бағрикенглик, кам сонли халқларнинг диаспоралари каби масалалар билан жамиятшунос олимлар, хусусан, тарихчи, сиёсатшунос, ҳуқуқшунос, файласуф, социология соҳаларидаги тадқиқотчилар изланишлар олиб борган.

Уларда Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик, динлараро ҳурмат, баркамол авлод тарбиясида бағрикенглик ғояларини тарғиб қилиш, аҳолининг миллий таркибидаги демографик ўзгаришлар, миграция жараёнлари ҳамда шу каби масалалар бўйича муҳим тадқиқотлар қилинган.

Хусусан, тарихчи олимлардан Г.Хидоятлов, Р.Муртазаева, Д.Бабажонова, А.Расулов, А.Раҳмонқулова ва бошқатадқиқотчилар томонидан Ўзбекистонда кўп миллатлилигининг шаклланиш жараёнлари, миллатлараро тотувлик масаласи, аҳолини кўчириб сиёсати билан боғлиқ асарлар нашр этилган [2]. Уларда Ўзбекистонга 130 дан ортиқ миллат ва элатларнинг кўчиб келишига сабаб ва омиллар тарихийлик нуқтаи назардан тадқиқ қилинган бўлиб, бу ҳудудларга халқларнинг кўчиб келишига дастлаб минтақанинг жойлашган ўрни муҳим аҳамият касб этгани, сўнгра XIX асрнинг ўрталаридан XX асрнинг 90 - йилларигача бўлган даврда дастлаб Россия империяси, ундан кейин собиқ иттифоқдаги амалдорлар томонидан олиб борилган миллатлар масаласидаги миллий сиёсати натижасида юзга келгани аниқ манбалар, архив материаллари ва аҳолини рўйхатга олиш ҳужжатлар асосида кўрсатиб берилган. Ўрганишлардан шу нарса маълум бўлганки, ўтмишнинг ҳар бир давр ва воқеаларида миллатлар орасида ҳар қандай субъектив ва объектив омиллар юз бермасин доимо ўзбек халқининг бағрикенглиги, меҳмондўстлиги ва ўзаро муроса қилиш каби миллий қадриятлари ўзини намоён қилиб миллатлар ўртасида ўзаро келишмовчиликлар содир бўлмаганига гувоҳ бўлиш мумкин. Бу эса миллатлараро барқарорликни таъминлашда “ўзбек модели”нинг асосини ташкил этади.

Шунингдек, файласуф, сиёсатшунос олимлардан Р.Жумаев, А.Ачилдиев, О.Мусаев, Б.Тошбоев ва бошқа олимлар томонидан мамлакатдаги миллатлараро масаланинг ижтимоий-сиёсий вақеаликдаги ўрни, унинг фалсафий жиҳатлари, жамиятда шаклланган ғоялардаги талқини, бағрикенгликнинг инсон онгига таъсири каби йўналишларда тадқиқотлар олиб борилган [3]. Уларда давлат ва жамият барқарорлиги миллатлар ўртасида дўстликнинг мустаҳкамлигига боғлиқ экани, ёш авлодни ҳам шундай инсонийлик ғоялари асосида тарбиялашга эътибор қаратилган.

Шунингдек, бугунда дунёнинг турфа миллатли манзараси ҳамда давлатлардаги турли халқларнинг диаспораларини ўрганадиган фанлардан бири - диаспорологияфанига оид тадқиқотлар ҳам кўпайиб бормоқда. Бунга оид тарихчи олимлардан Р.Муртазаева, Д.Иноятлова, Р.Назаров, К.Саипова, Б.Хайназаров ва бошқаларнинг тадқиқотларини кўрсатиш мумкин [4]. Бу масалаларга оид илмий изланишларнинг кўпайишига сабабэса глобаллашув жараёнлари жадаллашган дунёда кам сонли халқлар ҳам ўзининг миллий қадриятларини сақлаб қолишга бўлган уринишида бўлса, иккинчи муҳим жиҳати халқаро муносабатлар тизимида давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, иқтисодий муносабатларнинг ишончлилигини таъминлаш, минтақаларда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда “халқ дипломатиси”нинг муҳим ўрин тутиб бораётганидир.

3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистонда миллатлараро барқарорликни таъминлаш кўп жиҳатдан минтақа хавфсизлиги ва тараққиётининг муҳим омили саналади. Сабаби 130 дан ортиқ миллат ва элатлар учун тенг имконият ва инсон ҳуқуқларини таъминлаб берилиши, улар ўртасида ҳамжиҳатликни қарор топтириб, умум манфаатларни уйғунлаштирган ҳолда ҳаракатларни давлат ва жамият тараққиётига қаратиш учун бу борада олиб борилаётган давлат сиёсати муҳим аҳамият касб этади.

Шундан келиб чиқиб, дастлаб миллатлараро масалада давлатнинг миллий сиёсатини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида алоҳида норма билан белгилаб берилди. Хусусан, унда баён қилинганидек, “Ўзбекистон ҳалқини, миллатидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ташкил этади” [5]. Ушбу жумлалар кўп миллатли Ўзбекистон шароитида миллатлараро барқарорликнинг таъминланиши, кам сонли миллатларнинг ҳаёти учун энг муҳим кафолат вазифасини ўтади.

Сўнгра 1992 йил 13 январь куни Ўзбекистон Республикасида Байналмилал маданият маркази тузилди [6]. Ушбу марказ мамлакатдаги 130 дан ортиқ миллат ва элат, 16 диний конфессия вакиллари аҳил, иноқ ва тотувлик билан яшашида, кам сонли миллат ва элатларнинг урф-одат, анъанаси, тили, маросими ва миллий қадриятларидан тўлиқ фойдаланиши ҳамда диний эътиқотларини амалга ошириш имкониятини берди. Умуман олганда давлатнинг миллатлараро масаласидаги сиёсатини юритишига кўмак берадиган марказга айланди.

Хусусан, мамлакатда фаолият олиб бораётган 141 та миллий маданий марказлар фаолияти турфа халқларнинг манфаатларини ва тенг ҳуқуқлилик имкониятларини рўёбга чиқаришга хизмат қилди.

Чунки ушбу марказларнинг бугунги кундаги асосий вазифаси ҳам миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштириш, мамлакатимиздаги ҳар бир миллат вакиллариининг миллий урф-одат ва анъаналарини сақлаб қолишга кўмаклашиш, бағрикенглик тамойилларини қарор топтиришга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлашдан иборат эканлиги маълум.

Зеро, давлатчиликнинг янги даврида Ўзбекистон тараққиётининг кўп жиҳатларикўп миллатли халқларнинг аҳиллиги ва ҳамжиҳатлигига боғлиқ бўлиб қолди.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Республикада истиқомат қилаётган миллат вакиллари билан учрашувларида айтганидек: “Барчамизга яхши аёнки, инсон манфаатларини юрт тинчлиги, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитидан ажратган ҳолда тасаввур этолмаймиз. Буларнинг барчаси бизнинг бебаҳо бойлигимиз ва уни кўз қорачиғидек сақлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир” деб таъкидлаган эди [7].

Бу каби ҳаракатларни янада такомиллаштириш мақсадида “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг бешинчи “Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар”ида ҳамда “Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар”и алоҳида белгилаб олинди [8]. Бу саъй-ҳаракатлар миллатлараро ҳамда динлараро бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг узвий қисми эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Чунки, Ўзбекистон ҳамда минтақанинг барқарорлиги кўп жиҳатдан миллатлараро тотувлик масаласига боғлиқ ҳисобланади. Шу боис, 2017 йилнинг 19 май куни “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони қабул қилинди [9]. Шундан бошлаб, Ўзбекистон шароитида миллатлараро масалалар борасидаги давлат сиёсатини алоҳида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси амалга ошира бошлади.

Бу масаладаги Ўзбекистон амалиёти ва ташаббуслари жаҳон ҳамжамиятида ҳам ижобий намуна сифатида қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 12 декабрдаги ялпи сессиясида қабул қилинган «Маърифат ва диний бағрикенглик» махсус резолюцияси фикримизнинг исботи бўла олади.

Янги таҳрирда қабул қилинган, Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунида белгиланганидек, республикада барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга, улар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар, ҳамма учун виждон эркинлиги яна бир бор кафолатланди.

Бу борада, яъни миллатлараро тотувлик масаласида олиб борилаётган сиёсатга оид ижтимоий сўровларда маълум бўлаётганидек жамоатчилик фикрида ҳам барча миллат ва элат вакиллари мамлакатдаги миллатлар ўртасида адолатли миллий сиёсат олиб борилаётгани, ўзбек халқининг бағрикенглиги, меҳмондўстлиги ва бошқа миллат ҳамда элат вакиллари билан ҳамжиҳат эканлиги эътироф этилмоқда [10].

Бунга асослар ҳам етарли бўлиб, улар баъзи бир йўналишларда аниқ кўринади.

Хусусан, мамлакатдаги таълим муассасаларида ўқиш 7 тилда олиб борилиши йўлга қўйилган бўлиб, бу кам сонли миллатларнинг фарзандлари ўз она тилида таълим олиш имконини беради. Шунингдек, кўпмиллатли Ўзбекистонда миллатлар ва халқларнинг ахборот эҳтиёжларини тўла қондириш мақсадида мавжуд радио ва телевидениелар ўз эшиттириш ва кўрсатувларини 12 тилда эфирга узатмоқда. Матбуотнинг газета ва журналлари 10 дан ортиқ тилларда нашр қилинмоқда [11].

Ўзининг меҳнати билан мамлакат ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган миллий маданий марказларнинг юзлаб фаоллари давлат мукофотларига сазовор бўлмоқда.

Шунингдек, кам сонли миллатларнинг фаоллари мамлакатда олиб борилаётган сиёсий жараёнлар, хусусан, сайловларда ўзларининг муносиб номзодларини илгари суриб, вакиллик идораларидан муносиб ўринларини эгалламоқда. Унинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 4-моддасига мувофиқ, “фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эга” деган норма билан мустаҳкамлаб берилгани бўлди [12].

Бунинг исботи сифатида 2019 йили декабрь ҳамда 2020 йил январь ойларида “Янги Ўзбекистон-янги сайловлар” шиори остида ўтказилган умумхалқ сайлови натижасига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 20 нафари яъни 13 фоизини маҳаллий миллатга мансуб бўлмаган кам сонли халқларнинг вакиллари ташкил қилганини кўрсатиш мумкин [13].

4. Хулосалар:

Масалага хулоса тарзида қўйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқдир:

Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 31 август куни истиқлолнинг дастлабки кунидан бошлаб миллатлараро барқарорликни таъминлаш масаласи давлат сиёсатининг энг усутвор жиҳатларидан қилиб белгилаб олинди.

Тарихий йиллар давомида ўзбек халқининг миллий менталитетида шаклланган бағрикенглик ғояларига асосланган миллий кадриятлари Ўзбекистонда миллатлараро барқарорликни таъминлашга қартилган давлат сиёсатини олиб боришда муҳим ўрин тутди.

Дастлаб миллий маданий марказлар билан тизимли ишларни олиб борадиган нодавлат-нотижорат ташкилоти кўринишида иш бошлаган Байналмилал маданият маркази вазибаларини 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси амалга ошира бошлади. Бу эса миллатлараро барқарорлик ва миллий маданий

марказлар фаолияти учун муносиб шарт-шароитларни яратиб бериш масаласи давлат сиёсатининг муҳим бир бўлагига айланганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Парламенти томонидан қабул қиланидаган қонун ҳужжатларида барча миллатларнинг манфаатларини ақс эттиришга эътибор қаратилди.

Ўз ўрнида кам сонли халқлар ва маҳаллий аҳоли ўртасида дўстона муносабатлар шаклланишида диний қадриятларда ҳам ақс этирилган муроса, ҳамжихатлик ҳамда ўзаро бир-бирини тушунишга қаратилган дунёқараш ҳам муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистонда турли миллат ва элатлар, диний конфессиялар вакиллари ўртасидаги аҳил-иноқлик, ўзаро маданият, урф-одат, анъана ва қадриятларини ҳурмат қилиш, бойитиш орқали ҳамжихатликни таъминлаш, тинчлик-осойишталик, барқарорликни сақлаш йўлида олиб борилаётган оқилона ислоҳотлар ўзининг натижасини кўрсатмоқда. Ўзбекистон ана шу улуг қадриятларни асрлар оша асраб-авайлаб, амалда қўллаб келаётганлигини эътироф этиб, давлат, жамият ва фуқаролар тамонидан халқлар дўстлигини асраш энг муҳим вазифа эканлигига амин бўлди.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Esman J. Diaspora and International Relations // *Modern Diasporas in International Politics*// 4,1986. – P. 333-349; Poloskova T. Diaspora in the system of international relations. - M., 1996;Melnikov M.A. Ethnic diaspora as a subject of political communication. - Almaty, 2009.
2. Xidoyatov G. National question in the USSR. - Tashkent, 1991; Babajanova D.B Demographic processes in Uzbekistan and their features. - Tashkent, 2004; Ata-Mirzaev O., Gentshke V., Murtazaeva R. Multinational Uzbekistan: a historical and demographic aspect. - Tashkent, 1998;Maksakova L.P. Migration of the Republic of Uzbekistan. - Tashkent, 2000; Achildiev A. Interethnic relations in Uzbekistan. - Tashkent, 2000; Rahmonqulova A. On the socio-economic situation of the peoples forcibly relocated to Uzbekistan (1930-1950) // *Social opinion - human rights*. 2002. №1. - B.62–71 and others.
3. Jumaev R.Z. The political system of the Republic of Uzbekistan: formation and development. - T.: Fan 1996; O.Musaev Development of interethnic relations in Uzbekistan. T., 2016.Achildiev A. Interethnic relations in Uzbekistan. - Tashkent, 2000; B.Tashbaev Socio-political issues of formation and improvement of national character. Author is abstract of Doctor of Philosophy in Philosophy. Samarkand. 2018.
4. Diaspora is a word derived from the Greek language, and some research on it:Murtazaeva R.Kh. Migration processes in Tashkent (on the example of the Russian diaspora in the years of independence) // "Russian diaspora in Uzbekistan: time, events, people" materials of the scientific conference. –Tashkent, 2009. - p. 33 - 44 and other studies. Inoyatova D. On the history of the appearance and settlement of the Germans in Turkestan // *History of Uzbekistan*. - Tashkent, 2008. - No. 1. - P. 17–25. //“Diaspora of Germans in Uzbekistan in the Dialogue of Cultures” 2008, November 25, Tashkent (Uzbekistan).NazarovR.R Uzbekistan: the model of ethnopolicy// *The Topical Problems of Central Asian Studies*. Bishkek: Institute of Oriental Language and Culture of the Kyrgyz State University, 2005. P. 22-24Saipova K.D. Tolerance of the Uzbek people towards the evacuated and deported peoples during the war against fascism. – Tashkent., 2018.BahromKhaynazarov From the history of Uyghur migration to the Fergana Valley. “Водийнома” // July-September 2016
5. ConstitutionoftheRepublicofUzbekistan. - T: “Uzbekistan”, 2014. B - 6.
6. Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan. - Tashkent., 1992
7. Tolerance and solidarity are the key to development // “Халқ сўзи” newspaper. January 21, 2017.
8. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On the Strategy of actions for further development of the Republic of Uzbekistan" // “Халқ сўзи” newspaper February 8, 2017.

9. Lex.uz// Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to further improve interethnic relations and friendly relations with foreign countries"
10. "Public opinion" prepared based on references of the Republican Center for Public Opinion Research.
11. Uzbekistan is a country of peace and harmony. - Tashkent: "Uzbekistan", 2017. B.6 - 7
12. Lex.uz // Electoral Code of the Republic of Uzbekistan. - T., 2019.
13. Parlament.gov.uz// 29 years of independence: There is a lot of talk about interethnic harmony.

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№11 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадqiqот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000